

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 894.375:371.3

ТУРАКУЛОВА ОКИЛА АМИРКУЛОВНА

**АДАБИЙ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ
ЎҚУВЧИЛАРИДА МУТОЛАА МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (ўзбек адабиёти)

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy)
илмий даражасини олиш учун тайёрланган
ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар: Б.Х.Ходжаев, педагогика фанлари
доктори, профессор**

ТОШКЕНТ – 2020

МУНДАРИЖА

Кириш.....3

I БОБ. АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ЎҚУВЧИЛАРИДА МУТОЛАА МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1-§. Академик лицей ўқувчиларида мутолаа маданиятини ривожлантириш ижтимоий зарурият сифатида.....13
1.2-§. Адабий таълим жараёнида ўқувчиларда мутолаа маданиятини ривожлантириш муаммосининг ўрганилиши.....26
1.3-§. Академик лицей ўқувчиларида китобхонлик ва мутолаага қизиқишнинг ривожланганлик ҳолати.....40
Биринчи боб бўйича хулоса.....51

II БОБ. АДАБИЙ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЎҚУВЧИЛАРДА МУТОЛАА МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АМАЛИЙ-ТЕХНОЛОГИК ТИЗИМИ

2.1-§. Ўқиш мотивлари, китоб танлаш мезонлари ҳамда мутолаа маданиятини ривожлантириш омиллари ва гендер хусусиятлари.....53
2.2-§. Адабий таълим жараёнида ўқувчиларда мутолаа маданиятини ривожлантиришнинг педагогик тизими.....75
2.3-§. Ўқувчиларда мустақил мутолаа маданиятини ривожлантириш технологияси.....96
Иккинчи боб бўйича хулоса.....114

III БОБ. АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ЎҚУВЧИЛАРИДА МУТОЛАА МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

3.1-§. Ўқувчиларда мутолаа маданиятини ривожлантиришга доир шакллантирувчи тажриба-синов ишлари натижалари.....117
3.2-§. Тажриба-синов ишларининг статистик таҳлили.....123
Учинчи боб бўйича хулоса.....132

Хулоса.....134

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....137

Илова.....150

КИРИШ (фалсафа доктори(PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида бугунги кунда ўқувчи-ёшлар ўртасида китоб ўқишни тарғиб қилиш, уларнинг фаол китобхон бўлишига эришишда ижтимоий институтларнинг ролини ошириш, мутолаа соҳасида дастурий-лойиҳавий фаолиятни ривожлантириш, интернет-технологияларидан фаол фойдаланиш ҳамда китобхонлик фаоллигини оширишга йўналтирилган ижтимоий-педагогик механизмларни такомиллаштиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Ривожланган давлатларда замонавий шароитда асосий эътибор кутубхона-ахборот тармоқларини ривожлантириш, аҳоли, шу жумладан, ўқувчи-ёшларда китоб ўқишга бўлган қизиқишни орттиришнинг инновацион шакл, метод ва воситаларини ишлаб чиқиш муҳим вазифа сифатида белгиланган.

Дунёда ўқувчилар ўртасида индивидуал, гуруҳий ҳамда оммавий китобхонликни тизимли равишда ташкил этиш ва мутолаа маданиятини тарбиялаш, ўқувчиларни китобхонликка қизиқтиришнинг, мотив ва мезонларини аниқлаш, адабий таълимнинг бадиий тафаккурни ривожлантиришдаги ўрни ва ролини оширишга доир қатор илмий изланишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, ўспиринларнинг китоб ўқишга, бадиий адабиётга аксиологик муносабатини шакллантириш, адабий таълим жараёнида ўқувчиларда бадиий идрок этиш қобилиятини ривожлантиришнинг методик асосларини такомиллаштириш катта аҳамият касб этмоқда. Айниқса, синфдан ташқари машғулотларда мустақил ўқиш малакаларини таркиб топтириш ҳамда адабий таълим жараёнида ўқувчиларда китобхонлик ва мутолаа маданиятини ривожлантириш методикасини ишлаб чиқишга алоҳида зарурат мавжуд.

Республикамизда китобхонлик маданиятини жадал ривожлантириш, аҳоли, хусусан, ёшларда китоб ўқиш ҳамда китобхонликка бўлган ижобий муносабатни қарор топтириш, китоб мутолаасини кундалик фаолиятга айлантиришга эришишга доир қатор тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, “Мумтоз адабиёт ва китобхонлик маданияти” деб номланган маданий-маърифий тадбир доирасида ёшларни китобнинг жамият тараққиёти ва шахс камолотидаги ўрни, аҳамиятини англаш билан бирга, бадиий асарларни танлаш, уларнинг асосий ғоясини тушуниш имкониятига эга бўлишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш” [1] каби вазифалар белгилаб берилди. Бу эса, адабий таълим жараёнида академик лицей ўқувчиларида мутолаа маданиятини ривожлантиришнинг педагогик-психологик, методик хусусиятларини аниқлаштириш, лойиҳавий фаолиятни ташкил этиш асосида ўқувчиларда мустақил мутолаа малакаларини таркиб топтиришнинг методик шарт-шароитларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 13 сентябрдаги “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги ПҚ-3271-сон Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1059-сон Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва

хуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Таълим олувчиларни билим олиш, китоб ўқишга қизиқтириш, интеллектини ривожлантиришнинг тарихий асослари Шарқ Уйғониш даври мутафаккирлари, маърифатпарфар шоирлар ва жаҳид олимларининг мумтоз асарлари, дарслик ва ўқув қўлланмаларида ёритиб берилган.

Адабий таълим жараёнини ташкил этиш, адабиёт ўқитишнинг турли жиҳатлари республикада олимларидан М.Мирқосимова (ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш) [68], Б.Тўхлиев (адабиёт ўқитиш назарияси ва методикаси) [99], Қ.Йўлдошев (адабиёт ўқитишнинг назарий-илмий асослари) [44], С.Матчанов (адабиёт дарсларида ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этиш) [63], Р.Ниёзметова (узлуксиз таълим тизимида ўзбек адабиётини ўрганиш методикаси) [72], Қ.Хусанбоева (адабий таълим жараёнида ўқувчиларнинг мустақил фикрлашини шакллантириш) [126], А.Болибеков (ўқувчиларнинг маънавиятини шакллантиришда синфдан ташқари ўқишнинг ўрни) [25], С.Қамбаровалар (умумий ўрта таълим тизими адабиёт дарсларида ўқувчиларнинг мустақил мутолаа маданиятини шакллантириш) [49]нинг тадқиқотларида ўз аксини топган. Ўқувчи-ёшларда китобхонлик ва мутолаа маданиятини ривожлантиришнинг социологик, кутубхонашунослик, психологик ва педагогик омиллари Э.Йўлдошев (кутубхонада болалар ўқишига раҳбарлик қилиш) [47], А.Умаров (комил инсон шахсини шакллантиришда мутолаанинг роли) [100], Ё.Қаюмхўжаева (мустақиллик даврида мактаб кутубхоналарида китобхонлик масалалари) [122], А.Абдулазизов (мутолаа маданиятини шакллантириш жараёнининг социологик таҳлили) [9], Д.Фаниева (ўқув жараёнининг методик таъминотида кутубхоначи ва ўқув фанлари ўқитувчилари ҳамкорлиги) [124], С.Чиниевалар (ўзбек оилаларида китобхонлик воситасида ўсмирлар маданиятини шакллантириш) [111] томонидан ёритиб берилган.

Мустақил давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) олимларидан В.Асмус[17], Н.Бодрова[23], С.Гуревич[36], Н.Збаровская[39], Т.Каптан[50], Е.Карсалова[51], В.Коханова[57], С.Лавлинский[60], С.Прибылых[85], Е.Суворова[95], Д.Хафизов[106]лар ўқиш меҳнат ва ижод эканлиги, адабиётдан синфдан ташқари дарсларни ташкил этиш ва ўтказиш методикаси, адабиёт ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг маънавий эҳтиёжларини шакллантириш, ўқувчиларнинг китобхонлик фаолиятига раҳбарлик қилишнинг методик асослари, адабиёт ўқитиш технологияси, адабиёт ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг китобхонлик қизиқишларини шакллантириш, ёшларнинг китобхонлик фаоллигини оширишнинг ижтимоий-маданий жиҳатлари, оммавий кутубхоналарда ўқиш маданиятини шакллантириш масалалари тадқиқ этилган.

Хорижлик олимлардан G.Westhoff[127], J.Grzesik[128], S.Ehlers[129], H.Willenberg[130], A.Burns[131], L.J.Dorn[132], S.Ehlers[133], G.Genette[134], E.Ortlieb[136]лар томонидан мутолаа жараёнини ташкил этиш турлари ва шакллари (totales – ўрганувчи, kursorisches – танишишга доир, orientierendes – изланишга доир), турли тавсифга эга матнларни ўқишда юзага келадиган қийинчилар, мутолаа маданиятини шакллантиришга таъсир кўрсатувчи психологик омиллар махсус ўрганилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражасини тадқиқ этиш натижасида сўнгги ўн йилликда ўқувчиларда мутолаа маданиятини шакллантириш билан боғлиқликда республикамиз олимларидан А.Абдулазизов томонидан академик лицей ўқувчиларида мутолаа маданиятини ривожлантиришнинг социологик таҳлили[9], С.Қамбарова томонидан умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларнинг мустақил мутолаа маданиятини шакллантириш технологияси[49] бўйича тадқиқотлар ўтказилганлигига гувоҳ бўлдик. Бирок таҳлиллар асосида академик лицей адабий таълими жараёнида ўқувчиларнинг мутолаа маданиятини ривожлантириш, ўқувчиларнинг мутолаа маданиятини ривожланганлигини аниқлашда мониторинг методидан фойдаланиш, гендер тафовутнинг ўспириларнинг мутолаа йўналишидаги

ўзига хосликларни очиб бериш, адабий таълим жараёнида ўқувчиларнинг мутолаа маданиятини ривожлантиришнинг педагогик тизими бўйича алоҳида илмий изланиш олиб бориш зарурлиги ҳақидаги хулосага келинди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ОТ-Ф1-36. “Талабалар маънавиятини диагностика қилиш механизмларини такомиллаштириш (2017–2021 йй.)” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади адабий таълим жараёнида академик лицей ўқувчиларида мутолаа маданиятини ривожлантиришнинг лойиҳавий фаолиятга асосланган технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўқувчиларда мутолаа маданиятини ривожлантириш бўйича адабиётшуносликка доир ва методик адабиётларни таҳлил қилиш орқали психологик-педагогик шарт-шароитларини аниқлаштириш;

гендер ёндашувни ҳисобга олган ҳолда ўспирин ёшдаги ўқувчиларнинг мутолаа йўналишлари ва мотивларини аниқлаштириш;

лойиҳа таълим технологиясини қўллаш асосида адабий таълим жараёнида ўқувчиларда мутолаа маданиятини ривожлантириш методикасини ишлаб чиқиш;

академик лицей ўқувчиларида мутолаа маданиятини ривожлантириш таклиф этилган методикани синовдан ўтказиш, натижаларни таҳлил қилиш ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида адабий таълим жараёнида академик лицей ўқувчиларида мутолаа маданиятини ривожлантириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Қорақалпоғистон давлат университети, Қарши давлат университети, Тошкент давлат педагогика университети ва Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти академик лицейларининг 330 нафар респондент-ўқувчилари жалб қилинди.

Тадқиқотнинг предмети адабий таълим жараёнида академик лицей ўқувчиларида мутолаа маданиятини ривожлантириш мазмуни, педагогик тизими ва технологияси.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда унинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ келувчи назарий (фалсафа, психология, дидактика, адабиётшунослик, социология, адабиёт ўқитиш методикаси) маълумотларни ўрганиш; ижтимоий-педагогик (ўқув дастурлари ва дарсликлардаги тадқиқ этилаётган муаммога хос жиҳатларни таҳлил қилиш, анкета, сўровнома, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фаолияти натижаларини ўрганиш, илғор педагогик тажрибани ўрганиш, назорат ишларини таҳлил қилиш), тажриба-синов (педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш), математик-статистик таҳлил методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўқувчиларда мутолаа маданиятини ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари (мутолаага эҳтиёж, мотивация ва қизиқиш) бадиий асарларнинг ўқувчиларнинг ички оламига таъсири, мутолаа жараёнининг ижодийлигини кўллаб-қувватловчи эмоционал-эстетик ва когнитив-коммуникатив муносабатларнинг бевосита алоқадорлиги, идентивлиги, маданий трансформацион жиҳатга эгалигини асослаш орқали аниқлаштирилган;

адабий таълим жараёнида ўқувчиларнинг мутолаа йўналишларидаги гендер тафовутлар уларнинг бадиий асарларни танлаш билан боғлиқликда намоён бўлиши, ўспирин ёшдаги ўғил ва қиз болаларнинг ижтимоийлашув ва шахсий-бадиий идрок этиш даражасини эмпирик баҳолаш (мавзу доираси, кўпроқ ўқишни афзал кўрадиган асарлари ва севимли ёзувчилари) даражаси барқарорлигини таъминлаш орқали аниқлаштирилган;

адабий таълим жараёнида ўқувчиларнинг бадиий асарларни идрок этиш тузилмаси кузатувчанлик, бадиий сўзни идрок этиш, эмоционал ва образли хотира, ижодий тасаввур, эмпатик қобилиятга эгалик сифатларининг бирламчи (дастлабки тасаввурлар), таҳлилий (бадиий деталларни ҳаётий

алоқа ва муносабатларда қайта жонлантириш), умумлаштириш (аниқ ва чуқур умумий нуқтаи назар) босқичлари билан қайта алоқага киришувининг интенсивлигини ҳисобга олиш орқали такомиллаштирилган;

лойиҳа таълим технологиясини қўллаш асосида адабий таълим жараёнида ўқувчиларда мутолаа маданиятини ривожлантириш методикаси мақсадини аниқлаштириш, манбаларни танлаш, материалларини ўрганиш ва режалаштириш, бажариш, тақдирот ва рефлексия босқичларида адабий таълимнинг фаолиятга йўналтирилган ва коммуникатив усулларини (вербал ва новербал, индивидуал, гуруҳий) комплекс қўллаш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагиларда ўз аксини топган:

адабий таълим жараёнида ўқувчиларнинг мутолаа маданиятини ривожлантиришнинг педагогик тизими ишлаб чиқилган;

адабий таълим жараёнида ўқувчиларнинг мутолаага қизиқишини оширишга йўналтирилган ижтимоий лойиҳалар (адабий кечалар) ишлаб чиқилган;

адабиёт дарсларида ўқувчиларнинг мустақил мутолаа маданиятини ривожлантириш бўйича интерфаол дарс ишланмалари яратилган;

ўспирин ёшидаги ўқувчиларнинг китобхонлик қизиқиши ва мутолаа маданиятини ривожлантиришга доир услубий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув, усулларнинг илмий-методик асосланганлиги, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар, тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик-статистик методлар воситасида аниқланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан таъминланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти “ўқиш”, “мутолаа”, “китобхонлик”, “китобхон қизиқиши”, “китобхонлик фаолияти”, “мутолаа маданияти” тушунчаларининг адабий таълим нуқтаи назаридан таҳлил ва талқин

қилинганлиги, академик лицей ўқувчиларида мутолаа маданиятини ривожлантириш заруратининг асосланганлиги, илғор хорижий тажрибаларнинг ўрганилганлиги, ўспирин ёшидаги ўқувчиларнинг мутолаа йўналишларининг ўзига хосликлари, китоб танлаш мотивлари ва мезонлари ҳамда гендер тафовутларнинг намоён бўлишининг аниқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти адабий таълим жараёнида ўқувчиларнинг мутолаа маданиятига таъсир кўрсатувчи омилларнинг аниқлаштирилганлиги, ўқувчиларнинг асарларни бадиий идрок қилиш тузилмаси ва даражаларининг аниқланганлиги, адабий таълим жараёнида ўқувчиларда мутолаа маданиятини ривожлантиришнинг педагогик тизими, дарс ва дарсдан ташқари шакллари, усуллариининг ишлаб чиқилганлиги, лойиҳавий таълимнинг ўқувчиларда мустақил мутолаа маданиятини ривожлантириш имкониятлари ва лойиҳа таълим технологияси асосида адабий кечаларни ташкил этиш методикасининг такомиллаштирилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Адабий таълим жараёнида академик лицей ўқувчиларида мутолаа маданиятини ривожлантириш технологиясига доир тадқиқот натижалари асосида:

ўқувчиларда мутолаа маданиятини ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари, бадиий асарларнинг ўқувчиларнинг ички оламига таъсири, мутолаа жараёнининг ижодийлигини қўллаб-қувватловчи эмоционал-эстетик ва когнитив-коммуникатив муносабатларнинг бевосита алоқадорлигини асослашга доир таклиф ва тавсиялардан ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг “Адабиёт” фани Давлат таълим стандартини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 25 сентябрдаги 89-04-1838-сон маълумотномаси). Натижада, адабий таълим жараёнида ўқувчиларда китобхонлик компетенциясини ривожлантириш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

адабий таълим жараёнида ўқувчиларнинг мутолаа йўналишларидаги гендер тафовутларни бадиий асарларни танлаш билан боғлиқликда намоён бўлиши, ўспирин ёшдаги ўғил ва қиз болаларнинг ижтимоийлашув ва шахсий-бадиий идрок этиш даражаси, адабий таълим жараёнида ўқувчиларнинг бадиий асарларни идрок этиш тузилмасини аниқлаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан ИТД-4-122. “Юксак маънавиятли шахсни шакллантиришнинг тарбия технологиясини ишлаб чиқиш” (2009-2011йй.) мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 25 сентябрдаги 89-04-1838-сон маълумотномаси). Натижада, адабий таълим жараёнида ўқувчиларнинг мутолаа маданиятини ривожлантиришнинг локал-модулли технологиясини қўллаш самарадорлигини оширишга эришилган;

лойиҳа таълим технологиясини қўллаш асосида адабий таълим жараёнида ўқувчиларда мутолаа маданиятини ривожлантириш, мазкур жараёнда адабий таълимнинг фаолиятга йўналтирилган ва коммуникатив усуллари комплекс қўллаш асосида такомиллаштиришга доир таклифлардан Республика илмий педагогика кутубхонасининг фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш ва китоб сақлаш бўлими ҳамда ТДПУ билан ҳамкорликда “Оммавий китобхонлик ойлиги”, “Жонли китоб” медиа-тадбирлари методик таъминотини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 25 сентябрдаги 89-04-1838-сон маълумотномаси). Натижада, ўқувчиларнинг мустақил мутолаа маданиятини ривожлантиришда лойиҳавий таълим технологиясидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий

натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, 136 саҳифа матн, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

I БОБ. АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ЎҚУВЧИЛАРИДА МУТОЛАА МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1-§. Академик лицей ўқувчиларида мутолаа маданиятини ривожлантириш ижтимоий зарурият сифатида

Бугунги кунда мамлакатимизда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида барча соҳа ва тармоқларда улкан ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бу борада жамият ҳаётида эзгу қадрият ва анъаналарни чуқур қарор топтиришга, хусусан, халқимиз, айниқса, ёш авлоднинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтиришда, она Ватани ва халқига муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол шахсни тарбиялашда беқиёс аҳамиятга эга бўлган китобхонлик маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда жамиятни ҳар томонлама ривожлантиришда китоб маҳсулотларини чоп этиш, тарқатиш, аҳоли ўртасида китоб мутолаасини кенг тарғиб этиш, ёшларда китобхонлик маданиятини ривожлантириш йўлида туркум амалий ишлар олиб борилаёпти. Бу борадаги тизимли ишларнинг асосини эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги (2017 йил 13 сентябрь) Қарори [3] ташкил этади.

Қарорда жамиятда китобхонлик маданиятини жадал ривожлантириш, аҳоли, хусусан, ёшларда китоб ўқиш ҳамда китобхонликка бўлган ижобий муносабатни қарор топтириш, китоб мутолаасини кундалик фаолиятга айлантиришга эришиш моҳиятини ёритувчи муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 июндаги “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш тўғрисида” ПҚ-4354-сон Қарорида эса, “Кутубхоналар фаолиятининг самарадорлигини ва фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш (шу жумладан, пулли хизмат кўрсатиш) тезкорлигини ошириш учун электрон китоблар тарқатишга ихтисослашган интернет-ресурслар билан ҳамкорликни кенгайтириш; ахборот-кутубхона муассасалари хавфсизлигини ҳамда миллий ва жаҳон маданий меросининг бир қисми сифатида ахборот-кутубхона фондларининг яхши сақланишини таъминлаш; жамиятнинг ахборот маданиятини, тарихимизга ва миллий маданиятга қизиқишини шакллантириш ва кучайтириш, мутолаа маданиятини ошириш ва тарғиб қилиш” [7] каби устувор вазифалар белгилаб берилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2019 йил 19 март куни ёшларга эътиборни кучайтириш, ёш авлодни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масалаларига бағишланган йиғилишда 5 та муҳим ташаббус илгари сурилиб, шулардан тўртинчиси – ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга йўналтирилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади.

Ўқувчи-ёшларда китобга меҳр уйғотиш, мустақил фикр ва кенг дунёқарашни шакллантириш мақсадида “Маърифат карвони” лойиҳаси доирасида бадиий, маърифий, ижтимоий мавзуларда китоблар чоп этиш, ҳар бир шаҳар ва туман марказида биттадан намунали китоб дўкони ташкил этиш, кўчма китоб павильонларини жойлаштириш, “Библиобус”ларни йўлга қўйиш каби қатор вазифалар амалга оширилди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда оммавий китоб ўқишга жалб этиш бўйича сезиларли ишлар олиб борилаёпти. XX асрнинг охирларига келиб китобхон ёшларнинг камайиб кетиши каби иллатни бартараф этиш ишлари шунчалик тез амалга ошириляптики, ватандошларимиз қандай қилиб китоблар сотиб олишни ва китоб ўқишни бошлаганини ўзлари ҳам сезмай қолдилар. Лекин бажариладиган ишлар хали кўплигини Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бўка туманида ташкил этилган “Маданият ва маърифат экопарки”даги кутубхонада Ўзбекистонда китобхонлик ҳақида “Худудларга китоб етказиб бериш яхши. Лекин уларни ўқиш, ўқитиш етарли даражада эмас. Болаларимизни боғча ёшидан, бошланғич синфлардан кичик-кичик китобларга ўргатиш, шу орқали уларни китобсевар қилиб улғайтириш зарур. Шундагина жамиятимизда китобхонлик муҳити шаклланади, бошқалар ҳам китоб ўқишга қайтади”,-деб, кўрсатиб ўтди.

Китоб ўқиш – инсоният ўйлаб топган энг ажойиб ходисаларнинг бири. Бунинг натижасида одамнинг маънавий дунёси бойиб, инсонийлик фазилатлари ортиб боради. Шу сабабли китоб ўқиш ҳар ким учун жуда муҳим бўлиб, китоб тезкор ўйлашга, сезиш қобилиятларимизни ривожлантиришга ўргатади.

Китоб билан ишлашни билмаслик баъзи бировларнинг китобга қизиқишини йўқотса, баъзиларнинг ўйланмасдан қўлига нима тушса, шуни ўқишига олиб келади. Бу китоб ўқиш маданияти пастлигини кўрсатади.

Давлат таълим стандарти, замонавий жамиятнинг талабларига жавоб берадиган шахс ва ахборот оқимларида эркин ҳаракат қилиш; конструктив мулоқот ўрната олиш, ҳамкорлик қилиш, ҳаёт фаолияти давомида ўқув-билув вазифаларини самарали ҳал этишни тарбиялаш ва ривожлантиришни назарда тутаяди. Бу фазилатларга, ўқувчиларда ўқишга қизиқиш, ўқиш ва китобхонлик маданияти шакллансагина, эга бўлиши мумкин.

“Мутолаа маданияти” тушунчаси кенг маънода қўлланилади. Хусусан, бу ҳодиса асарни англаш ва уни тушуниш учун китобхондан маълум

тайёргарлик ва савияни талаб қилади. Бу ҳодисанинг моҳияти китобни шунчаки варақлаш ва ундан умумий фойдалана билишдан то ижодий ўқиш, китоб муаллифига ошно бўлиб, унинг асарини чуқур таҳлил қилиб мутолаа қилишгача боради[100].

Китоб ўқиш маданияти жуда кенг тушунча бўлиб, бу ҳақидаги фикр-мулоҳазалар Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси томонидан 2007 йили нашр этилган “Бебаҳо хазина” номли методик-библиографик қўлланмада келтирилади:

1. Китоб танлаб олиш.
2. Китобни қандай ўқишни билиш.
3. Китоб ўқиганда нималарга эътибор бериш ва нималарни эсда сақлаб қолиш.
4. Керакли маълумотларни қаердан, қандай, қайси воситалардан фойдаланиб топиш.
5. Олинган билимни ёки хабарни қандай етказиб бериш.
6. Қайта ўқиш – китобхонлик кўникмасини шакллантириш.
7. Кутубхона картотекалари билан ишлай билиш.
8. Китобни тез ва секин ўқишни фарқлай олиш.
9. Китобни ўқиб, унинг фусункор оламига кира билиш.
10. Китобни мустақил ўқий билиш[20, 10-б.].

Шундан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, ўқиш маданияти – бу онгли равишда мавзуларни танлаш, мунтазам ва изчил ўқишни ўз ичига олган китоб билан ишлаш кўникмалар мажмуи, шунингдек, библиографик воситалар ёрдамида керакли адабиётларни топиш ҳамда луғат ҳамда библиографик аппаратдан фойдалана олиш, ўқилганларни ўзлаштириш ва қабул қилишнинг (тезис ёзиш, конспект қилиш, аннотация ёзиш, тақриз ёзиш) самарали услубларини қўллаш, китобни авайлаб-асраш малакаларидир.

Мутолаа маданияти ўқувчига ўқиётган асарини тўлақонли тушуниш, ундан бадиий-эстетик завқ олиш, ёзувчи фикри, асар ғоясини англаш ва баҳолай олиш, бундан ташқари, китоб ва кутубхонадан фойдаланиш,

маълумотнома-библиографик аппаратидан ўзини қизиқтирган ёки зарур масалаларга доир китобларни топиб олиш ва ундан фойдаланиш йўлларини ўргатади. Китоб танлаш, уни тез ўқиш, ўқилган китобларни бошқаларга тавсия этиш, авайлаб сақлаш ҳам китобхонлик маданиятининг таркибий қисмларига киради.

Таҳлиллар натижасида ўрганилаётган муаммога доир тушунчаларни қўйидаги тарзда тизимлаштиришга ҳаракат қилдик:

1. Китобхон қизиқиши – бу китобхоннинг ҳиссий жиҳатдан ўзига жалб этадиган ёки унга қайси бир аспекти муҳим бўлган босма асарларга ижобий муносабатидир.

Қизиқиши асосида китобхон бадиий матнларни ўзлаштириш ишини ўзи режалаштиради ва амалга оширади.

2. Ўқиш маданияти матнни идрок қилиш, уни тушуниш ва асарни талқин қилишни ўз ичига олади ва идрок даражаси ўқувчининг ўқиш тажрибаси ва адабий савияси билан белгиланади. Ўқишнинг юқори даражаси ижодий ҳис-туйғулар, янги образлар ва янги ҳақиқатни яратиш, муаллиф билан мулоқот қилиш қобилияти билан ажралиб туради.

Олима Б.И.Ганиева “ўқиш маданияти”нинг тарбияга оид элементларини қўйидагича белгилаган:

- ўқишга, ахборот олишга майл, ҳавас, иштиёқни шакллантириш;
- ўқилган китоб орқали фикрлаш йўлларини ўргатиш;
- зеҳн ва укувни тарбиялаш;
- мавжуд китобхонлик малакаларини такомиллаштириш[32, 15-б.].

Профессор Э.Й.Йўлдошев: “Ўқиш маданияти – жуда кенг қамровли тушунча бўлиб, китобга қизиқиш ва уни севиш, адабиёт билан кенгрок танишишни, китоб ва у билан ишлаш ҳақидаги махсус билимларга эга бўлишни, шунингдек, китобдан тўла равишда фойдаланишга ёрдам берувчи кўникма ва малакага эга бўлишни тақозо этади” [47, 5-б.], - дейди. Шу муносабат билан айтадиган бўлсак, бадиий матнни ўқиш маданиятини ривожлантириш таълимнинг асосий мақсади бўлишини инсоннинг ўзини-ўзи

ривожлантириши ва ўзида эзгу маънавий кадриятлар шаклланишида муҳим кадамдир.

Ўқувчиларда ўқиш маданиятини бошланғич синфдан бошлаб шакллантириб бориш керак. С.Н.Плотников ўспирин ёшидаги болаларда ўқиш маданиятини ривожлантириш учун қуйидаги мезонларни белгилайди:

- болаларда китобга кадриятли муносабатни яратиш жараёни;
- қизиққан китобини излаб топиш ва танлаш қобилияти;
- ўқиганларига ҳиссий муносабатда бўлиш қобилияти;
- бадиий матнни эстетик жиҳатдан ҳис қилиш имкониятлари;
- ўқиган асарларидан қимматли ва маъноли маълумотларни топиш;
- ўқувчиларда ўқиш эҳтиёжларини шакллантириш[82].

Ўқиш маданиятини ўзлаштириш натижасида “китобхонлик маданияти” шаклланади. Китобхонлик маданияти ўқиш маданиятига қараганда кенг маънодаги, кўптомонлама, катта ҳажмдаги тушунчадир.

3. Китобхонлик маданияти бу адабий асарларни тушуниш ва эстетик жиҳатдан баҳолашни биладиган китобхон-ўқувчини шакллантириш жараёнидир.

Сафо Матчон фикрича, “китобхонлик – ўқилган китоблар сони билан белгиланмайди, балки у тушуниб ўқиш, яъни мақсадли ўқишдир” [63, 26-б.].

Атоқли ёзувчи Х.Тўхтабоев китобхонлик ҳақида шундай дейди: “Китобхонлик китобни тарғиб қилишгина эмас, балки китоб ўқишни, ўқиладиган китобни танлай олишни, мағзини чақишни, яъни китоб ёрдамида ўзини англашни ўргатиш ҳамдир” [96, 22-б.].

Олимларнинг фикрига таяниб айтадиган бўлсак, китобхонлик маданияти – бу 1) ўқувчининг китоб билан маданий алоқасини ривожлантиришнинг маълум бир даражаси; 2) ўқилган китоблар мазмунини тўлиқ тушуниш; 3) ёшига ҳос бўлган адабий билимларнинг мавжудлиги.

4. Китобхонлик компетентлиги – интеллектуал қобилият ва шахсий фазилатлар асосида шаклланган, ўқувчи ва катта ёшли инсоннинг умумий шахсий сифати.

Социолог С.Н.Плотников китобхон ўқувчининг интеллектуал ривожланишидаги асосий белгиларни қўйидагича кўрсатиб беради: фаол тарзда ўқийдиган ўқувчилар муаммоларни тоифаларга ажратиб фикрлаш, яхлитликни билиш ва воқеаларнинг орасидаги карама-қаршиликларини аниқлаш; вазиятни янада тўғри баҳолаш ва тўғри ечимларни тезроқ топиш; кўпроқ хотира ва фаол ижодий тасаввурга эга бўлиш; яхши нутқга эга бўлиш; мулоқотга осон киришиш ва суҳбатдаги ёқимлилик; мустақилликка ва ички эркинликка катта эҳтиёж сезиш, ўзининг фикрларига ва хатти-ҳаракатларига танқидий муносабатда бўлиш қобилиятга эга бўладилар[82]. Бунинг учун жамиятда китобнинг маънавий ҳамда ахлоқий озуқа, маданият ва тил равнақи учун асосий манба, авлодлардан-авлодларга ўтиб келаётган интеллектуал мерос сифатида мавқеи ҳамда аҳамиятини сақлаш муҳим аҳамиятга эга. Аввало, ёшларимиз бадий, маърифий, илмий-оммабоп, тарбиявий, интеллектуал салоҳиятини оширишга қаратилган адабиётларни ўқиши, ўрганиши миллий ҳамда жаҳон адабиёти намояндаларининг асарларини мутолаа қилиш лозим.

5. Мутолаа маданияти. “Мутолаа” сўзи арабча “ўқиш”, “ўрганиш”, “диққат билан ўқиш”, ўқиб тушуниб олиш” деган маънони англатади. Бугунги кунда мутолаа китоб ўқишдан кўра кенгроқ тушунчани билдиришини олим А.Умаров қўйидагича таърифлайди: “Ижтимоий гуруҳлар, уюшмалар ва алоҳида индивидларнинг умумий маълумот олишга йуналтирилган жараён, хулқ-атвор ва фаолиятлари мазмуни ҳамда таркибий тизимларида юз берувчи ўзгаришлар мажмуини ифодаловчи билимлар, меъёрлар, ижтимоий ҳодисалардир” [100, 33-б.]. Олим, шунингдек, мутолаа маданиятининг таркиби бўлган мутолаа даражасининг босқичларини ҳам кўрсатиб беради:

- биринчи даражада ўқувчи матннинг мазмунини англаб, ҳикоя қилинаётган воқеанинг сюжетини ҳамда унинг асосий жиҳатларини эслаб қолади;

- иккинчи даражада ўқувчи матннинг мазмунини ҳамда сюжетни англаб, воқеалар ривожини маълум даражада башорат қила олиш қобилиятини намоён қилади.

- учинчи даражада ўқувчи матнга ва унда ҳикоя қилинаётган воқеага ўзининг мустақил муносабатини билдириб, қаҳрамонларнинг хатти-харакатларини баҳолай олади ҳамда асар эпизодларини таҳлил қила олади.

- тўртинчи даражада ўқувчи матннинг мазмунини тўла англаб, воқеани мустақил таҳлил қила олади. Воқеа қаҳрамонларнинг хатти-харакатларини таҳлил қилиб, ўз муносабатини шакллантиради[100, 24-б.].

Китоб мутолааси ҳақида Гёте шундай фикр билдиради:

а) ниҳоятда машаққатли (дарҳақиқат, китоб мутолааси кишидан кунт ва сабр, кучли хотира ва юксак фаҳм талаб этади);

б) беқиёс шарафли (китоб мутолааси туфайли ҳаёт қонуниятларини чуқур англай борган, билим доираси кенгайиб, тушунчаси, дунёқараши ўсган, маънавий жиҳатдан юксалган);

в) ҳузурбахш (акс ҳолда, китоб мутолааси билан муттасил шуғулланмаган бўларди) [43].

Мутолаа маданияти – ўқувчиларнинг китоб ўқишга қизиқиш ва эҳтиёжларини таркиб топтириш, бадиий асарларни таҳлил этиш ва хулоса чиқариш, ахлоқий ва эстетик идеалларни шакллантиришга қаратилган яхлит жараён. Демак, мутолаа маданияти инсонни бевосита амалиётга киришиш, ҳаёт билан уйғунлашиш, маънавий фойда олишга йуналтиради. Дорис Лессинг сўзи билан айтганда, “Мутолаа инсонни тўлдиради!” – дейишади, дарҳақиқат, у инсондаги бўшлиқларни зарур илмлар билан тўлдиради[61].

Жаҳон миқёсида бугунги кунда ёшлар ўртасида китоб ўқишни тарғиб қилиш, уларнинг фаол китобхон бўлишига эришишда давлатнинг фаол аралашуви, ижтимоий иштироки асосида бу йўналишда дастурий-лойиҳавий фаолиятни ривожлантириш, интернет-технологияларидан фаол фойдаланиш ҳамда китобхонлик фаоллигини оширишга йўналтирилган ижтимоий-психологик механизмларни излаб топиш анъана тусини олмоқда[106, 17-б.].

Хорижий давлатларда китоб ўқишнинг бундай инновацион усуллари жамиятда китобхонликка бўлган ижобий муносабатни юзага келтиради. Давлатнинг фаол аралашуви, ижтимоий иштироки аҳолини, айниқса, ёшларни мутоллага қизиқишини оширади.

Ривожланган давлатларда мавжуд шароитда асосий эътибор кутубхона-ахборот тармоқларини ривожлантириш, уларни анъанавий ва замонавий китоблар ҳамда китоб маҳсулотлари билан бойитиш, аҳоли, шу жумладан, ёшларда китоб ўқишга бўлган қизиқишни ривожлантиришга қаратилган тарғиботнинг инновацион шакл, метод ва воситаларини яратишга қаратилган.

Жаҳоннинг ривожланган давлатлари тажрибасида глобал ахборотлашув муҳитида аҳоли, хусусан, ёшларда китоб ўқишга бўлган ижобий муносабатни қарор топтиришга қаратилган кенг кўламли ижтимоий ҳаракатлар негизида тарғиботнинг инновацион воситаларини излаш етакчи ўрин тутди. Айтилишича, бир қатор давлатларнинг бу борадаги тажрибаларини мисол сифатида келтириш мақсадга мувофиқ саналади.

АҚШ китоб нашр этувчилари Кенгашининг вакили бўлган Патрика Журнинг қайд этишича, Америкада китоб ўқишга бўлган қизиқишни кучайтириш йўлида амалга оширилган чоралардан бири – китоб ўқиладиган ҳолатни ифодаловчи реклама плакатларида таниқли шахслар қиёфасининг берилиши саналади[112].

Хорижий давлатларда бундай чора-тадбирлар жамиятда китобхонликни ривожлантириш, китоб ўқишга бўлган ижобий муносабатни қарор топтиришнинг муҳим жиҳатларини ақс эттириб, миллий тажрибада кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Жанубий Кореянинг Сеул шаҳрида “Китоб ўқишни ривожлантириш ва унинг китоб бозорига таъсири” номли китоб кўргазмасида “Чу Сан Дейли” газетасининг муҳбири Ким Ки Чуль хонадонлардаги меҳмонхонани кутубхоналарга айлантириш китобхоналар сонини сезиларли даражада оширишга хизмат қилишини таъкидлаб ўтади[112]. Ким Ки Чулнинг

таклифи ҳам анча эътирофга лойиқдир, чунки хонадонда оила аъзолари кўп бўш вақтларини биргаликда айнан уйнинг меҳмон кутадиغان залида ўтказишади. Оилаларга хонадонларнинг меҳмон кутадиغان залларида қулай ва шинам кутубхона ташкил этиш бўйича таклиф ва тавсиялар бериб борилиши лозим.

Сўнгги йилларда юзага келган янги интернет ҳодиса – челленж (ингл. “challenge” – даъват) ҳам аҳоли, ёшлар ўртасида китоб ўқиш ва китобхонлик ғояларини ахборот технологиялари орқали кенг тарғиб этишда алоҳида ўрин тутмоқда. Челленж – ўйин шаклидаги баҳснинг қандайдир ҳаракатлар асосида амалга оширишни таклиф қилиш ҳисобланади. Айни вақтда ёшларнинг китобхонлик фаолиятини кучайтириш, рағбатлантириш мақсадида “нашриётлар, китоб дўконлари, ижтимоий ташкилотларнинг ташаббусларига мувофиқ челленж йўлга қўйилмоқда”[106, 20-б.].

Жамият ва шахс китобхонлиги йўналишида олиб борилган тадқиқотларнинг натижалари ҳам китоб ўқиш катта ёшдаги кишиларнинг интеллектуал, психологик ва физиологик ривожланиши учун янада ижобий таъсир кўрсатишидан далолат беради. AdMe.ru сайтида эълон қилинган маълумотлар ушбу фикрнинг ҳаққонийлигини тасдиқлайди. Келтирилган маълумотлар сирасида китоб ўқишнинг болалар ва ўспиринларнинг умумий психологик, интеллектуал, ҳаттоки, физиологик ривожи учун аҳамиятли бўлган ғоялар ҳам мавжуд. Чунончи, китоб ўқиш: асабни тинчлантиради (Сассекс университети (АҚШ) олимларининг ёндашувларига кўра, китоб ўқитиш асабни тинчлантиришда энг самарали усул экан; бунинг учун кунига бор-йўғи 6 дақиқа вақт сарфлаш талаб этилади); ҳиссиётларни (худди дуо ёки шеър ўқиш каби) тарбиялайди (бадий асар ўқиган одам ҳаётда ҳам бошқаларнинг ҳис-туйғуларини яхши тушунади); мия фаолиятининг фаоллигини оширади, миядаги асаб толаларининг сонини кўпайтиради (Эмори университети (АҚШ)нинг тадқиқотчиларига кўра, китоб ўқиш натижасида инсоннинг ақлий салоҳияти бир неча кун давомида юқори ҳолатда бўлади); коммуникативлик, тинглаш, ёзиш ҳамда ижодкорлик

қобилиятларини ривожлантиради (Обафеми Аволау университети (АҚШ) педагоглари болаларда ижодкорлик қобилиятини ривожлантиришини аниқлашган, дарҳақиқат, кўп китоб ўқиган шахсларнинг аксарияти шеър, ҳикоя, эссе ёки илмий мақолаларни юқори савияда ёза олади; бадиий асарларни, айниқса, шеърларни ифодали ўқиш, сахна асарларини юксак маҳорат билан ижро этиш қобилиятига эга); ижтимоий фаолликни оширади; бадиий дидни ўстиради; хорижий тилларни ўрганишни осонлаштиради (бошқа тилларни ўрганишда янги сўзларни осон тушунишга ва ёдда сақлаб қолишга ёрдам беради); кўп китоб ўқийдиган болалар дарсларни яхши ўзлаштиришади; яхши ҳикоянависга айланади (қанча кўп китоб ўқилса, шахснинг ҳикоя қилиш қобилияти шунчалик ошади), ота-оналар ва фарзандларнинг ўзаро муносабатлари яхшиланади[52].

С.А.Денисованинг тадқиқотида болаларда китоб ўқишга бўлган ижобий муносабатни шакллантирувчи асосий муҳит сифатида оила ва унда ташкил этилаётган тарбия масалалари ўрганилади[37, 30-б.]. Муаллифнинг эътирофи этишича, қачонки оиланинг катта ёшли аъзолари китобхон бўлса, оилада китобга нисбатан катталарнинг ижобий муносабати акс этса, оила даврасида китоблар ва уларда баён этилган воқелик, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари муҳокама қилинса, уларга нисбатан муносабат билдирилса, оила аъзолари томонидан янги чоп этилган асарлар ҳақидаги маълумотлар ўзаро ўртоқлашилса, унинг жуда ҳам қизиларли эканлиги эътироф этилса, болаларда ҳам китоб ўқишга бўлган қизиқиш ҳамда эҳтиёж юзага келади.

Муаллифнинг фикрича, ёшлиқдан шакллантирилган китобга нисбатан ижобий муносабат кишининг бутун ҳаёти давомида ўз изини қолдиради. Қолаверса, бу ўринда уй кутубхонасининг ташкил этилиши ҳам кутилган натижаларни қўлга киритиш учун шароит яратади.

С.Р.Прибылых томонидан олиб борилган илмий изланишларда ўқувчи-ёшлар ва умуман, аҳоли ўртасида китобхонлик малакаси ва маданиятини шакллантиришда давлатнинг ўзига хос ўрин тутишига эътибор қаратилган. Тадқиқотчи давлатнинг бу борадаги роли қуйидаги уч йўналишда намоён

бўлади, деб ҳисоблайди: 1) олий таълим жараёнида бўлажак педагогларни тўғри ўқишга ўргатишдан иборат; 2) ота-оналар ўртасида маърифий тарғиботни ташкил этиш; 3) болалар ёзувчилари фаолиятини қўллаб-қувватлаш [85]. Мазкур фикрларга қўшилган ҳолда педагогика олий таълим муассасаларида “Мутолаа маданияти асослари” махсус курсини ўқитиш, умумий ўрта таълим муассасалари ва академик лицейларда “Ўқиш ва матнни тушуниш саводхонлиги” бўйича факультатив машғулотларни ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Ғарбий Австралияда ўспиринларнинг бадиий асарларни ўқиш ҳолатларини ўрганиш (WASABR) натижалари ўқитувчилар ва ота-оналарнинг кўмаги мазкур ёш тоифасидаги шахсларнинг доимий, изчил равишда китоб ўқишга бўлган ижобий муносабатларини барқарорлашувини таъминлайди. Мерга М.Кристин бу ўринда ўқитувчи ва ота-оналарга қуйидагиларни тавсия этади: ўқувчиларни мактаб ёки болалар кутубхонасига олиб бориш, мустақил ўзи ўқишни хоҳлаган китобларни танлаш ва уйга олиб кетишни таклиф қилиш; болаларга овоз чиқариб ўқишларига қаршилик қилмаслик (чунки бундай ўқиш уларга ёқади); китоб танлаш усулларини ўргатиш (бу бошланғич синфларда ўргатилган бўлиши керак, деб ўйламанг); китоб ўқиш ва китоб ўқишга қизиқишда уларга намуна бўлиш; ўқувчилар қайси китобларни ўқиётганликлари билан қизиққан ҳолда улар билан танишиш орқали болалар билан мулоқотда бўлиш; мавуларни чекламаган ҳолда уйда ва мактабда китоблар тўғрисида ўсмирлар билан суҳбатлашиш; ўсмирларнинг ҳиссий таъсирланишлари: асарнинг ижобий қаҳрамонларини ёқтириш, салбий персонажларидан нафратланиш, асарни ярмини ўқиган жойда ташлаб кетиш ва севимли асарларни қайта ўқиш каби ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш (ўта қизиқувчан китобхон қандай бўлади, мазусида суҳбатлашиш); зарур юмушларни четга сурган ҳолда завқланиш учун китоб ўқиш амалиётининг амалий қиймати тўғрисида ҳикоя қилиб бериш; ўспиринларни шунчаки электрон қурилмалар билан қуроллантиришининг ўзи уларда ўз-ўзидан қизиқишни юзага келтиради, деб ўйлаш мумкин эмас[58].

Э.Перриннинг “Китоб ўқиш – 2016” (“Book Reading – 2016”) номли ишида қайд этилишича, америкаликлар орасида электрон китоблар қанчалик оммалашганлигига қарамай, босма китоблар ўз аҳамиятини йўқотмаган ҳолда уларга нисбатан етакчи ўринни эгалламоқда. Пью тадқиқотлар маркази (Pew Research Center)нинг ўрганишига кўра, америкаликларнинг китоб ўқиш бўйича ҳиссаси 2012 йилда (73%) 2011 йилдагина нисбатан деярли ўзгармаган. Сўнгги бир йил (2012 йил маълумоти)да АҚШ аҳолисининг 65%и босма, 28%и (2011 йилга қараганда уч марта кўп) электрон, 14%и эса аудио китобларни ўқишга муваффақ бўлган. Америкаликлар ўртача (ўрта ҳисобда) йилига 12 тадан китоб ўқийди, худди шу вақт оралиғида ўрта табақадаги америкалик 4 та китобни бир йилнинг сўнгги ойида ўқиган. Коллежларнинг битирувчилари ўрта таълим мактабларини тамомлаганларга нисбатан тахминан тўрт марта кўпроқ электрон, икки марта кўпроқ босма ва аудио китобларни ўқийди. 2011-2016 йилларда китобхон америкаликлар орасида планшетларда фойдаланувчилар сони тўрт марта (4%дан 15%га), смартфонлар орқали ўқийдиганлар сони икки баровар (5%дан 13 %гача) ошган.

Ушбу тадқиқот натижаларига кўра, турли ёшдаги америкаликлар орасида: 84%и ўзларини қизиқтирган аниқ мавзуларга оид, 82%и жамиятда кечаётган ўзгаришлардан ортда қолмаслик (уларнинг 47%и деярли ҳар куни), 80%и китобдан завқ олиш (уларнинг 35%и деярли ҳар куни), 57%и иш жойида ёки мактабларда (уларнинг 31%и деярли ҳар куни) китобхонларни ташкил этади[80].

Америкалик тадқиқотчи Мойер Э.Джессиканинг “Бугун ўспиринлар китоб ўқимай кўйишди”. Китоб ўқишга муносабат негизида турли қизиқиш ва тушунчаларни тадқиқ қилиш: асослаш ва методология” (“Teens Today Don’t Read Books Anymore”: A Study of Differences in Interest and Comprehension Based on Reading Modalities: Introduction and Methodology” номли ишида эса АҚШнинг Санъат миллий жамғармаси (National Endowment for the Arts – NEA) томонидан 2004 йилда олиб борилган тадқиқотда

ёшларнинг “бадий асарларни ўқиш” даражаси кескин пасайиши сабаблари ўрганилар экан, 18-24 ёш тоифасидаги шахсларда китоб ўқишга бўлган қизиқишнинг пасайиши[69] хавфли тус олаётганлиги кўрсатиб ўтилган.

Хориж тажрибалари шахсда китоб ўқиш, китобхонликка нисбатан ижобий муносабатни шакллантириш, жамият аъзоларининг босма, электрон ва аудио китобларни ўқишга бўлган қизиқишларини таҳлилий ўрганиш муаммоси етакчи давлатлар амалиётида муҳим аҳамият касб этганлигини кўрсатди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хулоса қилиш мумкинки, ўқувчиларда мутолаа маданиятини ривожлантириш бугунги кунда ҳам муҳим ижтимоий зарурият бўлиб, айниқса, ўспирин ёшидаги ўқувчиларда мутолаа маданиятини ривожлантиришнинг технологик асосларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

1.2-§. Адабий таълим жараёнида ўқувчиларда мутолаа маданиятини ривожлантириш муаммосининг ўрганилиши

Агар мутолаа муаммосининг марказида ўқилган асарни идрок этиш даражаси билан тавсифланувчи психик жараёнлар турса, адабиётшунослик нуқтаи назаридан китобхоннинг унинг ўқилган асарларга фуқаролик ва эстетик муносабати биринчи ўринга чиқади.

XX асрнинг 70-йиллари ўрталарида В.В.Прозоров ўзининг “Китобхон ва адабий жараён” деб номланган ишида “адабиётшуносликда ҳозиргача мутолаа муаммосига эҳтиёткорона муносабатда бўлинади”, деб қайд этиб ўтган эди[84, 3-б.]. Аслида адабиётшуносликда бадий асарларни ўқишга лойиқ ёки лойиқ эмаслиги китобхонлар томонидан эмас, адабий танқидчиларнинг фикр-мулоҳазалари асосида белгиланади. В.Ф.Асмус, М.М.Бахтин, Б.С.Мейлах ва бошқаларнинг фикрича, бадий образлар асосида фикрлаш қобилиятининг мураккаб тузилишга эга эканлиги ўқилган асарларни идрок этиш чоғида ҳам ўзига хос кўринишда намоён бўлади.

В.Ф.Асмус “Ўқиш меҳнат ва ижод сифатида” номли мақоласида адабий асарни идрок этишни мураккаб жараён эканлигини очиб беради ва китобхон уни муаллиф алоҳида бир оламга олиб кираётганлигини тушуниши зарурлигини бевосита идрок этишининг бирламчи эканлигини қайд этиб ўтади. “Китобхон онги ўқиш вақтида фаолдир. Китобхоннинг бундай фаоллиги натижасида ўқиш жараёнида ўзига хос диалектика амалга ошади. У бир пайтнинг ўзида ҳаётий образларни кўз ўнгида гавдалантира олади ва тасвирланаётган воқеликлар ҳаётнинг ўзгинаси эмас, балки бадиий ифода эканлигини ҳам тушуниб етади” [17, 62-б.]. Китобхон онгининг фаоллиги – тафаккур, хотира, хаёл, эстетик ва ахлоқий туйғулар ҳамда кўплаб психик жараёнлар кучини ўзида бирлаштирувчи махсус фаолият. Тадқиқотчи англамаган ўқиш – ўқиш эмас, ҳаққоний ўқиш – бу “меҳнат ва ижод” эканлигини қайд этиб ўтади. “Бадиий асар мазмуни кўзадан сув қуйиш сингари китобхон миясига кўчиб ўтмайди” [17, 62-б.].

Машҳур адабиётшунос Б.С.Мейлахнинг кўп йиллик илмий изланишлари муаллиф “ижод стратегияси” деб қарайдиган асарларни яратиш жараёнини ижодкорга хос таҳлил этиш ва баҳолаш муаммоларига бағишланган. Шунинг учун муаллиф ҳақли равишда ёзувчиларнинг бош вазифаси – бу воқеликни юқори даражада идрок этиш учун китобхонни санъатни тушунишга ўргатиш эканлигини таъкидлаб ўтади. “Воқеликни юқори даражада идрок эта олмаслик – бу инсоннинг маънавий ривожини, унинг ички оламининг бойиши, эстетик тажрибаси, ҳаётни тушуниши учун мавжуд захиранинг бой берилиши” [65, 442]. Шунингдек, адабиётшунос олим бадиий идрок кўплаб функцияларга эгаллиги ва идрок этиш даражаси бир қанча омиллар – китобхоннинг маданий савияси, унинг психофизиологик ўзига хосликлари, ҳаётий вазиятлар билан боғлиқлигини қайд этиб ўтган. Фаол, том маънода бадиий, яхлит идрок этиш китобни ўқиш босқичларида эмас, идрок этишнинг қуйидаги тўрт асосий фазасида амалга ошишини кўрсатган: биринчи – асарнинг номланиши, унинг жанри ва муаллифини билиш; иккинчи – мазмунга, образлар

тизимига кириш; учинчи – санъаткор ғояларини босқичма-босқич онгда мустаҳкамлаш; тўртинчи – асарни талқин қилиш ва тавсифлаш[65, 445-б.].

Адабиётшуносликка доир билимлар кўплаб ижодий топшириқларни бажаришнинг асоси, янгиликлардан хабардор бўлиш, эстетик таҳлил кўникма ва малакаларини ривожлантириш воситаси бўлиши лозим. “Эстетик таҳлил асарга ҳиссий ва маълум бир тарзда тартибланган маълумотлар сифатида қарамасликни, уни ижодкорнинг эстетик фаолияти сифатида талқин қилишни талаб этади” [19], деб ёзган эди М.М.Бахтин. Адабиёт таълими стандарти ва дастури асосида адабий фаолиятнинг назарий қонуниятларига таянадиган концепция ётади, бу – бадиий мукамал асар, “дунёнинг бадиий модели”дир (М.М.Бахтин) [120, 6-б.].

Адабий таълимга доир ўқув дастурларида адабиёт фани сўз санъати сифатида талқин қилинади. Шунинг учун бадиий асар ижодий фаолият, воқеликнинг эстетик инъикос этилиши сифатида ўрганилади. Адабий таълимнинг мақсади маънавий маданият негизида бадиий асарни тўлиқ идрок этишга қобилиятли ва сўз санъати билан мустақил мулоқотга киришишга тайёр китобхонни шакллантиришдан иборат.

Р.Турсунов, М.Акрамова ва С.Махсумхоновларнинг ўқитувчилар учун яратган “Ўзбек адабиёти. 6-синф” номли методик қўлланмасида таъкидлаб ўтилганидек: “Бадиий асар оламининг муаллиф томонидан яратилиши ва китобхон томонидан қайта тикланиши жараёни улар ўртасидаги ўзига хос “сиртқи” мулоқотни ўзида мужассамлаштиради. Ўсаётган одамга “матн орқали” муаллиф билан бундай мулоқот қилишни, унинг тўлақонли иштирокчиси бўлишни ўргатиш мактаб адабиёт курсининг бош таълимий вазифасидир” [120, 7-б.].

Китобхон олдида иккита вазифа туради:

1) асарни муаллиф қандай тушунса, шундай тушунишга, дунё манзараларини “муаллиф кўзи” билан кўришга интилиш;

2) асарни ўзининг (муаллифдан фарқли) ҳаётий ва маданий оламига олиб кириш.

Энг асосийси: муаллиф – бадий матн – китобхон муносабатларидир[120, 7-б.].

Таҳлил натижалари дарсдан ташқари машғулотларда мустақил ўқиш кўникмаларини ривожлантиришга доир катор изланишлар амалга оширилганлигига қарамасдан, адабий таълим жараёнида ўқувчиларда мутолаа маданиятини ривожлантиришнинг методик масалалари тўлиқ ўз ечимини топмаганлигини кўрсатди. Шунинг учун биз тадқиқотимиз доирасида Н.А.Бодрова, С.А.Гуревич, М.Я.Мишлимович, В.Ф.Чертов, М.Мирқосимова, Қ.Йўлдошев, Р.Ниёзметоваларнинг методик тадқиқотлари ҳамда мутолаа маданиятини ривожлантириш бўйича социолог, файласуф, психологларнинг изланишларига таяндик.

Н.А.Бодрованинг бир қанча изланишлари ўқувчиларда китоб ўқишга қизиқишни шакллантиришга бағишланган. “Синфдан ташқари ўқиш тизимининг биринчи бўғини – ўқувчиларнинг китоб ўқишга қизиқишини ўрганиш. Фақат ўқувчиларнинг маънавий эҳтиёжи ва бадий асарни эстетик идрок этиш даражасини билиш орқали педагогик нуқтаи назардан ўзини оқлайдиган тавсиялар дастурини яратиш мумкин, деб таъкидлаб ўтади методист[23, 23-б.].

Тадқиқотчи мутолаа маданиятини ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатувчи қуйидаги омилларни ажратиб кўрсатган:

- ўқишнинг тизимли эмаслиги;
- мумтоз адабиёт намоёндаларининг асарларини ўқишга дастурларда кам соат ажратилганлиги;
- саргузашт асарларнинг ўқишнинг етакчи ўрин тутиши;
- биографик адабиётларнинг етарлича ҳажмда ўқиб-ўрганилмаслиги;
- шаъриятга қизиқмаслик;
- адабиётшунослик, адабий танқидчиликка доир адабиётларга қизиқишнинг пастлиги;
- мутолаа маданиятининг пастлиги;
- умуман, ўқишни ёқтирмаслик.

С.А.Гуревич юқори синф ўқувчиларининг мустақил ўқишига раҳбарлик қилишнинг ноёб тизимини яратди. Ўқувчиларнинг китобларни танлаш ва мутолаа қилиш жараёнларини ўрганиш асосида у шундай деган эди: “Ўқитувчи синфда ягона ахборот манбаи эмас. Мен ўз ихтиёри билан китобларни танлаш бўйича бошқа ўқувчилар хурсанд бўладиган ёки бир оз ранжийдиган маслаҳатни берадиганларни юксак кадрлайман” [36, 49-б.]. Ўқувчиларнинг бир-бирларига китоб танлаш бўйича берадиган тавсияларнинг самарадорлиги кўплаб тадқиқотлар орқали тасдиқланган. Ўқувчилар педагогларга қараганда бир-бирларидан кўпроқ маълумотларни билиб олишга интилишади.

С.Гуревичнинг фикрича, ўқувчиларнинг мустақил ўқишини ташкил этиш уларнинг ҳар томонлама баркамол этиб тарбияланишига самарали таъсир кўрсатади, уларнинг дунёқарашини бойитади, шахсий қизиқишлари ва қобилиятларини аниқлаш ҳамда ривожлантиришга имкон беради, индивидуал эҳтиёжларини қондиради, ўқувчиларда ўзига ишончни ҳосил қилади, уларнинг онгли равишда касб танлашига ёрдам беради. Бироқ мустақил ўқишни ташкил этишдан аввал “ўқитувчи ўқувчилар қачон ва қаерда ўқиши, қайси китоблар уларнинг ҳамроҳига айланганлиги, қайсиларига тасодифан дуч келинганлиги, қайсилари эса улар учун зерикарли эканлигини билиши” [36, 50-б.], ҳар бир дарсда у янги китоблар ҳақида маълумотлар бериши, қаерда ва қачон нашр этирилганлигини аниқ кўрсатиб бериши лозим. Бироқ бадий адабиётнинг ўқувчилар ҳаётида қандай ўрин тутишини белгилаб бериш учун, фақат уларнинг китобхонлик қизиқишларини билишнинг ўзи етарли эмас. Китобхонларнинг китобга мурожаати вақтида етакчи ўрин тутувчи мотивларни билиш зарур.

Ана шу сабабли методист қуйидаги ўқиш мотивларини алоҳида ажратиб кўрсатган:

- турли соҳаларга доир маълумотларни билишга интилиш;
- ҳаёт мазмунини англашга ҳаракат қилиш;
- ўз-ўзини англашга интилиш;

- одамлар, уларнинг характери ва ўзаро муносабатларини тушуниш;
- ахлоқий идеалларни излаш;
- ўз-ўзини тарбиялашга интилиш ва дунёқарашни шакллантириш;
- интеллектуал фаолият, эмоционал соҳа ва тасаввурларни фаоллаштиришга интилиш[36, 51-б.].

Юқоридаги таҳлиллардан маълум бўладики, адабиёт дарсларида ўқувчиларда китобга бўлган меҳр, бадиий асар ўқишга бўлган қизиқишни тақриб топтиришга комплекс ёндашиш мақсадга мувофиқ. Дени Дидро “Одамлар китоб ўқишдан тўхтасалар, фикрлашдан ҳам тўхтайдилар” [31],- деб таъкидлаб ўтган эди. Аммо, дуч келган бадиий китобни шунчаки ўқишнинг ўзи фойда бермайди. Китоб фикрлаб ўқилгандагина кишига манфаат келтиради. Бу ўринда инглиз сиёсатшуноси Э.Беркнинг: “Мушоҳада юритмасдан ўқиш овқат хазм қилмаслик билан баробардир”, машҳур рус педагоги К.Д.Ушинскийнинг: “Ўқиш – бу ҳали ҳеч нимани англатмайди, ўқиш ва шу ўқилганни ўқиш – асосий гап мана шунда” [31], - деган ҳикматли сўзларини эслаб ўтиш жоиз.

Қ.Йўлдошевнинг: “Адабиёт ўқитувчиси бадиий асарларни таҳлил этиш йўл-йўриғини фан асосларда ўрганмас экан ва ҳар қандай жанрдаги асарни таҳлиллай олиш малакасига эга бўлган ҳолда ўқувчилар билан юзма-юз бўлмас экан, адабий таълимдан кузатилган мақсад амалга ошмайди. Адабиёт ўқитувчиси ночорлигича, адабиёт дарслари зерикарлилигича, асардан чиқариладиган хулоса “ижтимоий насиҳат”лигича қолаверади” [44, 72-б.], - деган фикрларига қўшилган ҳолда, айнан бугунги кунда адабиёт дарсларида ўқувчиларни бадиий асарлар таҳлиliga ўргатиш муҳим устуворлик касб этаётганлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Шунинг учун ўқувчиларни ҳам ўқиш, ҳам ўқишга ўргатиш бориш лозим.

Ўқиш нутқий фаолиятнинг рецептив турига мансуб. У ҳарфий белгилар билан кодланган ахборотни қабул қилиш ва тушунишга қаратилган. Ўқиш жараёнида матннинг нима ҳақида эканини англашга қаратилган мазмунга ҳамда матнни қай тарзда ўзлаштиришга қаратилган кечимга доир икки жиҳат

мавжуд[44, 75-б.]. Мазмун жиҳатидан ўқишнинг натижаси ўқилган матнни тушуниш, кечимга доир жиҳатдан ўқиш жараёнининг ўзи бўлади. Бунда харфларни товуш сифатида қабул қилиш, харфлар бирлигидан сўзлар ясаш, ўз ички нутқини эшита билиш, график ва семантик бирликлар ўртасида алоқа ўрнатиш, овоз чиқариб ёки ичида, секин ёки тез ўқиш сингари жиҳатлар намоён этилади.

Алоҳида нутқий фаолият сифатида ўқишга ўргатиш ўқийдиган шахснинг ёши, ижтимоий мақоми, интеллектуал тайёргарлик даражасига кўра ҳар хил бўлади. Лекин ўқийдиган одам муайян ўқиш технологиясидан фойдаланиб, ҳамиша матндан бирор нутқий-фикрий муаммони ҳал қилишга етарли ҳажмдаги ахборотни олишга ўрганиши зарур.

Ўқиш ҳар қандай шахснинг маърифий, тарбиявий, таълимий, амалий кўникмалари ва касбий компетентлигини ўстиришда катта аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам ўқиладиган матнларнинг мазмунига жиддий талаблар қўйилади.

Ҳар бир одамнинг матнни ўқиш ва тушуниш даражаси ҳар хил экани сабабли олимлар ўқиш жараёнини турлича тасниф қиладилар. Бундай таснифда турлича тамойилларга таянадилар. Айрим олимлар ўқишни матнни қабул қилишнинг психологик ўзига хослигидан келиб чиқиб, аналитик ва синтетик тарзида тасниф этадилар. Баъзи мутахассислар ўқишнинг амалга оширилиш шароитига кўра мустақил, номустақил ёки тайёргарликли, тайёргарликсиз йўсинида гуруҳлайдилар. Гоҳида ўқиш суръатига қараб, тез ёхуд секин тарзида таркиблайдилар. Россиялик олим С.К.Фоломкина томонидан таклиф қилинган ўқишнинг қандай мақсадда амалга оширилишига қараб, танишиш учун ўқиш, излаб ўқиш, аниқлаш учун ўқиш, билиш учун ўқиш тарзидаги таснифи кишида алоҳида қизиқиш уйғотади[103].

Танишиш учун ўқишда матннинг асосий мазмуни, умумий таркиби ҳамда муҳим далиллари билан танишиш мақсадида имкон борича тез ўқиб чиқиш кўзда тутилади. Ўқишнинг бу тури учун ўқилган матннинг етмиш

фоизини тушуниш етарли ҳисобланади. Бундай ўқишда асарда учрайдиган номаълум сўз ёки тушунарсиз ифодага алоҳида тўхталиб ўтирилмайди. Айни вақтда матнда қандай калит сўзлар, муҳим ифодалар борлигига эътибор бериб кетишга ўрганиш зарур. Муҳими, асарнинг мазмунини умумлаштира билиш, яъни унинг асосий коммуникатив вазифаси бўлмиш қандай ахборотни бераётгани ва қайси фикрлар аҳамиятли экани англаб етилиши керак.

Излаб ўқиш турида матндан фақат ўқувчига бирор вазифани бажариш учун керак бўлиб қолган ахборотни топишгина кўзда тутилади. Бирор дидактик мақсадда фойдаланиш учун керак бўладиган ахборот унча кўп миқдорда бўлмайди. Бадиий асардан персонажларнинг руҳий ҳолатлари акс этган ўринларини топиб баҳолаш учун ўқишнинг шу туридан фойдаланиш мумкин бўлади. Қандайдир саналар, вақт кўрсаткичлари, таърифлар, бирон-бир воқеа-ҳодисага берилган баҳолар тасвирини излаб амалга оширилган ўқиш излаб ўқиш бўлади.

Масалан, академик лицейларнинг “Адабиёт” фани дастурида Саид Аҳмаднинг “Қора кўз мажнун” ҳикоясини аудиторияда ва мустақил ўқиш топшириғи берилган. Аудиторияда ўқувчиларга “Қора кўз мажнун” ҳикоясидаги Саодат образининг ўзига хос миллий тасвири, она ва бола бола ўртасидаги эътиқодий муносабатларнинг теран бадиий талқини акс этган ўринларни топиш, ўз фикр-мулоҳазаларини эркин билдиришга доир топшириқ берилган. Ўқувчиларни излаб ўқишга жалб этиш ва уларнинг қўйидаги тарздаги ҳикоядаги образларга юкланган ғоявий мазмун, ҳикоянинг тарбиявий қиймати ҳақида аналитик мушоҳада юритишга тизимли йўналтириб бориш лозим.

Аниқлаш учун ўқиш тури ўқувчига янада кам интеллектуал юк ортишни кўзда тутди. Бу хил ўқиш муайян бир асар муаллифи кимлиги, асардаги образлар тизими қандайлиги, қайси ўринларда табиат тасвиридан фойдаланилгани сингари қараб олиб ёдда сақлаш ёхуд эсга тушириш учун амалга оширилади. Бунинг учун баъзан асар қисмлари билан танишиш,

сарлавҳа ёки мундарижа билан танишиш, айрим хатбошиларни ўқиш етарли бўлади. Бу турдаги ўқишда бутун матнни ўқиб ўтириш керак бўлмай, муайян ахборотларнинг тўғри-нотўғри эканини аниқлаб олиш мақсад қилинади. Бинобарин, матннинг фақат ўшандай ахборотлар акс этган қисмигина ўқилса, етарли саналади. Шунинг учун ўқишнинг бу турида ҳам вазифани бажариш учун аниқ вақт белгилаб қўйилиши талаб этилади.

Масалан, Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” асаридан қуйидаги парчани тақдим этиш ва топшириқлар бериш орқали ўқувчиларнинг аниқлаш учун ўқиш фаолияти рағбатлантирилади:

“Ҳар йил бир келадиган баҳор севинчи яна кўнгилларни китиклай бошлади. Яна табиатнинг дилдираган танларига илиқ қон югурди... Отаси кириб келганидан кейин Зебининг кўнглида ўйнаган изтироб ва хаяжонлар Раззоқ сўфининг «Нима бу қиёмат!» деган қиёматидан кўрқинчлироқ эди...”

Топшириқ:

асар муаллифини аниқлаш;

асардаги образлар тизимига аниқлик киритиш;

табиат тасвирига изоҳ бериш;

парчани ўқиш; уларга таянган ҳолда асарнинг образларига хос бўлган хислатлар ҳақида мулоҳаза юритиш.

Билиш учун ўқиш турида асарнинг барча асосий ва иккинчи даражали томонларини билиб олиш, бу ҳақда фикрлаш ва эслаб қолиш мақсад қилинади. Ўқувчилар ўқилган асарни баҳолаши, изоҳ бериши, тушунтириши, ўзлаштирилган ахборотлар юзасидан хулоса чиқариши керак. Айтилганларни қила билиш учун ўқувчи сўзларнинг контекстдаги маъноларини тўлиқ илғаши, гапдаги сўзларнинг мантиқий алоқадорлигини тушуниши, матн қисмлари орасидаги ўзаро боғлиқликни билиши керак.

Ўқишнинг бу турида ўқувчиларнинг ҳар бирининг дарсдаги фаол иштирокини таъминлаш мумкин. Бадий асарни қайта ҳикоя қилишга мўлжалланган дарсларда уларга қуйидаги топшириқларни тақдим этиш мумкин:

асардан парча танлаш;
ўқувчиларнинг қобилиятига қараб роллар бериш;
персонажлар руҳияти акс етган ўринларни ижро этиш ва таҳлил қилиш; (руҳият тасвири орқали асар идроки маромига етади)
асар юзасидан кенгайтирилган тақриз ёзиш, бадиий матнни таҳлил ва талқин қилиш.

Ўқишни қай йўсинда амалга оширилганига қараб ҳам таснифлаш мумкин. Бизнингча, ўқишни ижро тарзига кўра синтетик ва аналитик сингари икки турга ажратиш мумкин:

Синтетик ўқишда ўқиётган одамнинг асосий эътибори матнни тез қабул қилиш ва унинг умумий мазмунини эслаб қолишга қаратилган бўлади. Бу жараёнда ўрганилаётган матндан олинishi лозим бўлган асосий ахборот характери ва ҳажми белгилаб қўйилади. Бадиий асарни шунчаки кўнгил очиш ёки вақт ўтказиш учун ўқиш ҳам шу турга мансуб бўлади.

Аналитик ўқишда асарни ўқиётган шахснинг диққати матннинг мазмунидан ташқари унинг тил хусусиятлари, бадиий жиҳатларини илғашга ҳам қаратилгани учун бу жараён бир қадар секин кечади. Синтетик ўқиш мураккаб бўлмаган, алоҳида таҳлил талаб этилмайдиган матнлар билан танишишда қўлланилади. Аналитик ўқиш эса алоҳида эътибор, таҳлил ва ақлий зўриқиш талаб қилинадиган мураккаб асарлар билан ишлашда фойдаланилади.

Мақсадни аниқ қўйиш ва энг натижадор усулни танлаш ўқишни самарали ташкил этишнинг муҳим шартидир. Ўқишдан мақсад ҳар хил бўлиши мумкин: кўнгил очиш, вақт ўтказиш, ниманидир ўрганиш, билимларини тўлдириш, керакли маълумотни топиш ва бошқалар. Одам ўз олдига қўйган мақсаддан келиб чиқиб, китоб танлайди. Ўқиш усули ҳам тўлиғича мақсадга боғлиқ бўлади. Шундан келиб чиққан ҳолда ўқиш ҳам рационал, эмоционал, функционал, эстетик, ижодий, ишга доир, дам олишга қаратилган ва бошқалар тарзида ташкил этилади:

рационал ўқиш – бирор фаразни олға суриш, тахмин қилиш, карашларни шакллантириш, уларни умумлаштириш ва моделлаштириш орқали амалиётда синаб кўришга уриниш сингариларни ўз ичига олади;

эмоционал ўқиш – ҳар бир ўқувчининг индивидуал табиатига боғлиқ бўлгани учун унинг ўлчамларини алгоритмлаш имконсиз. Бадиий асар ўқиш илмий, ўқув, публицистик ва расмий асарларни ўқишдан тамомила фарқ қилади. У ўқувчининг тасаввур ва туйғулари етакчилик қиладиган рухий-ижодий жараёндир;

функционал ўқиш – ўқувчининг муайян фан бўйича қўйилган аниқ муаммони ечиши учун керак бўладиган ахборотларни олишга қаратилган фаолияти. Бунда аналитик ўқиш асарни сканерлаш, айрим жойларига белги қўйиш билан бирга олиб борилиши мумкин;

ижодий ўқишда матн талқини, қаҳрамонлар хатти-ҳаракатларини баҳолаш, ҳаёлот парвозига муҳим ўрин берилади;

ишга доир ўқишда ўқувчининг ўз олдида турган ҳаётий масалани ҳал қилишга тегишли адабиёт билан тезкор танишиши кўзда тутилади;

дам олиш учун ўқиш ўқувчилар томонидан толиқтирувчи машғулотлардан вақтинча чалғиш мақсадида амалга ошириладиган ақлий фаолиятдир.

Таҳлиллар натижасида методик фанлар ва амалиётида ўқувчиларда мутолаа маданиятини ривожлантиришнинг қуйидаги шакллари мавжудлиги аниқланди. Бутун синфнинг китобларни ўқиб-ўрганилганлигини билиш ва аниқ кўриш учун қуйидаги мавзуларда иншо ёзишни сўраш мумкин: “Сизнинг севимли китобингиз борми? Нима учун у сизга бошқаларидан кўпроқ ёқади?”, “Менинг севимли ёзувчим”. “Китоб менинг ҳаётимда”, “Мен қандай китобларни ўқийман?”, “Менинг кутубхонам” мавзуларидаги иншолар асосида ўқитувчи ўқувчининг китобхонлиги ҳақида аниқ тасаввурларга эга бўлиши мумкин.

Синфда ёки уйда ёзиладиган ҳар бир иншони ёзиш жараёнида ўқувчи ўзини китобхон сифатида янгидан кашф этади. Академик лицей

Ўқувчиларнинг барча иншоларини диққат билан ўрганиш мустақил ўқишнинг маълум натижаларини ҳисобга олиш имконини беради. Бир неча ой, баъзан бир неча йилдан сўнг ёзилган иншоларни қиёслаб ўрганиш ўқишнинг дунёқарашни шакллантиришга таъсирини кўрсатиб беради. Бирок ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида алоқаларнинг мавжуд бўлмаслиги ўқувчиларнинг самимий муносабатига салбий таъсир кўрсатади. Академик лицейда ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ҳурмат ва ишончга асосланган муносабатларини ўрнатиш ўқувчиларнинг ёзма ишларини ишончли бўлишига хизмат қилади.

Китобхонлик таржимаи ҳоли мустақил ўқиш иши бўлиб, ўқувчиларнинг мутолаа маданияти ҳақида кўпроқ ахборотга эга бўлиш имконини беради. Бунинг учун ўқитувчи дастлаб қуйидаги саволлар билан муурожаат қилади: қачон ва қай ҳолатда мустақил китоб ўқишни бошлаганлиги; ким биринчи бўлиб китоб ўқишга қизиқиш уйғотганлиги; қайси китоблар ва адабий қаҳрамонлар билан танишиш орқали китобхонлар ҳаётига ўхшаш воқеаларга дуч келинганлиги; қайси мавзу ва жанрдаги китобларни айниқса севиб ўқиши, ўқиш кунлари, қиш, ёз ойларида ўқиш қандай ўрин эгаллаши; бошқа дарсларга тайёргарлик кўриш чоғида бадий асарларни ўқишни қандай уддалай олиши; чет эл адабиётидан нималар ўқиганлиги; қандай илмий-оммабоп асарлар билан таниш эканлиги; қайси китоблар мактаб йилларидан сўнг орзу қилинган йўлни топшишга ёрдам берганлиги, китобларни қаердан олиб ўқиши, яқин орада қайси китобларни ўқимоқчи эканлиги ва ҳ.к.

Китобхонлик таржимаи ҳоли ўқувчининг китоб ўқиш доирасини аниқлаштириш шакли бўлиб, бунда ўқиш ҳақидаги суҳбатлар, индивидуал ва жамоавий иш ташкил этилади. Жамоавий суҳбатда, қоидага мувофиқ, энг ривожланган ва мулоқотчан бошқалардан кўп ўқийдиган ўқувчилар иштирок этишади. Бунинг сабаби шундаки, баъзилар ўқитувчи ва ўқувчилардан уялади, кимлардир эса, бирдан асосий фикрни аниқлай олмайди, кимдир мураккаблик қилганлиги сабабли кам ўқийди, тинглайди ва жим туради, шунинг учун

Ўқитувчи ҳаммани эшита олмайди. Бироқ бошқа ўқувчилар учун ҳам бундай суҳбат изсиз кетмайди: улар нафақат бошқалар томонидан ўқилганлари билан танишади, шу билан бирга айтиб ўтилган китоблардан қайсиларини ўқиш лозимлигини ҳам ўзига белгилаб қўяди.

Кўп йиллардан бери китобхон кундалиги юритиш анъанаси мавжуд. Шу билан боғлиқликда унинг ҳам ўзига хосликлари мавжуд: агар кундалик ўқувчининг ўз ихтиёри билан юритилса, унинг ўртоғи ва дўстига айланиши мумкин, агар ўқув вазифаси сифатида юритилса, у хусусий тавсифга эга бўлиб қолади. Худди шундай кундаликдаги қайдларни ўқиш ўқувчини ўзининг иши ҳисобланади. Кундалик юритиш китобга муҳаббат, ўқишга қизиқиш, китобхонлик ҳақида суҳбатлар қуриладиган умумий атмосфера бор синфларда кенг оммалашади. Ҳозир ҳам мазкур иш шакли муҳим аҳамият касб этади, бироқ кўпроқ бошланғич, баъзан ўрта синфларда ҳам камроқ бўлса ҳам кўзга ташланади.

Ўқувчиларнинг мустақил ўқишини ўрганиш ва назорат, шу билан бирга китобхонликни тарғибот қилишнинг қизиқарли шаклларида бири “китобхонлик билетини ҳамоя қилиш” саналади. Бу ўқувчиларга ўзлари ўқиган китоблардаги қизиқарли ўринлари, ўқиш вақтида пайдо бўлган фикрлар ва кайфият билан ўртоқлашиш, умуман олганда ўзининг қандай китобларни танлаб ўқишини асослаш имконини беради. Бундай тарздаги “ҳимоя” баъзан китобхонлик конференцияси ҳам айланиб кетади.

Китобхонлик билетларини ҳамоя қилиш – китобхонлик қизиқиши ва мутолаа маданиятининг ривожланганлигини ўрганишнинг кенг тарқалган усулларида бири бўлиб, у ҳар бир китобхоннинг индивидуал майлларни аниқлашга хизмат қилади. Китобхонлик билетидаги қайдлар ўқувчилар қайси муаллифларнинг асарларини ўқишни, бирор йўналишига доимий қизиқиши борми ёки ҳар хил мавзулардаги китобларни ўқийдими деган саволларни муҳокама қилишга имкон беради.

Китоб ўқиш маданиятининг ривожланганлигини аниқлашда анкета сўровларини ўтказиш яхши самара беради. Янги гуруҳ билан танишиш,

синфдан ташқари ўқиш дарслари тизимини режалаштириш, индивидуал иш йўналишларини аниқлаштириш, яқун яшаш – синфдан ташқари ўқишга раҳбарлик қилишнинг мазкур муҳим жиҳатларини анкета ўтказиш билан уйғунликда амалга ошириш мумкин. Агар ўқувчилар уларнинг фикрлари ўқитувчи учун ҳақиқатан муҳим эканлигини, у ишни режалаштиришда уларнинг фикрларини ҳисобга олишини ҳис этишса, анкета саволларига жавоблар баъзан учраб турадиганидек, юзаки бўлмайди.

Ўқувчиларнинг мутолаа маданиятни ўрганишнинг ишончли ва самарали бўлишини таъминлаш, дастлабки хулосаларни тасдиқлаш учун уларни китоб ўқишга қизиқтиришнинг бир қанча шаклларини уйғунликда амалга ошириш лозим.

Манбалар таҳлили китобхон-ўқувчи муаммоси, унинг қизиқишлари, китобларнинг таълим тизимидаги ўрни, унинг ўқувчига тарбиявий таъсири сўнгги йилларда долзарб масалага айланди. Афсуски, йигирма беш йил давомида мазкур масала ижтимоий-психологик манбаларда кўп ёритилди лекин методик адабиётларда мазкур масала кам ўрганилди.

Бугунги кунда психологлар, социологлар, педагоглар ва методистлар ягона бир фикрга тўхталишмоқда: ўқувчиларнинг мутолаа маданиятини ривожлантириш – бу мақсадга йўналтирилган жараён бўлиб, ўзида бир қанча босқичларни, шу жумладан ўқишга раҳбарлик қилишнинг пухта ўйланган ва асосланган тизимини талаб этади.

1.3-§. Академик лицей ўқувчиларида китобхонлик ва мутолаага қизиқишнинг ривожланганлик ҳолати

Адабиёт фани ўқитувчиларининг иш тажрибалари ва эмпирик тадқиқотларга асосланган ҳолда академик лицей ўқувчиларида китобхонлик ва мутолаага қизиқишнинг ривожланганлик ҳолати ўрганилди. Бунинг учун махсус анкета сўровлари ишлаб чиқилди (1-иловага қаранг). Тадқиқот жараёнида 330 та анкетани олишга муваффақ бўлинди.

Дастлаб “Менинг севимли китобим”, “Менинг севимли адибим” мавзуларида ёзилган иншолар юзасидан қуйидаги саволлар бўйича индивидуал ва жамоавий суҳбат ташкил этилди:

1. Ҳозирги вақтда адабиётнинг бош мақсади нимадан иборат деб ўйлайсиз?

2. Сизнинг севимли бадиий асарингиз борми?

3. Адабиётдаги қайси образлар Сизни кўпроқ ўзига жалб этади?

Ўқувчиларга тақдим этилган анкета сўрови уч блокдан иборат тарзда ишлаб чиқилди.

Биринчи блок – ўқувчиларнинг мутолаа йўналишларини аниқлаштириш.

1. Қандай асарларни ўқишни яхши кўрасиз?

- замонавий;
- иккинчи жаҳон уруши ҳақидаги;
- тарихий;
- илмий-оммабоп;
- севги-муҳаббат ҳақидаги;
- фантастик;
- детектив;
- саргузашт;
- шеърӣ;
- эртаклар.

Сиз нимани ўқишни афзал кўрасиз?

- мумтоз адабиётни;
- XIX аср чет эл адабиётни;
- XX аср ўзбек адабиётини;
- жаҳон адабиётини;
- замонавий адабиётларни.

3. Қайси асарлар сизга кўпроқ ёқади, уларнинг муаллифларини эслай оласизми?

4. Қандай даврий нашрларни мунтазам ўқийсиз?

5. Сизнинг шеърятга муносабатингиз:

- ёқтирмайман ва ўқитувчимизнинг топшириғига кўра ёд оламан;
- бефарқман;
- ёқтираман, лекин кўп нарсаларни тушунмайман;
- мен биринчи навбатда шеърый китобларни ўқийман.

Иккинчи блок ўз ичига ўқиш мотивлари ва китоб танлаш билан боғлиқ саволларни қамраб олди.

1. Сиз китобни нима учун ўқийсиз?

- билимларга эга бўлиш учун;
- бўлажак касбим билан танишиш учун;
- дам олиш ва ҳордиқ чиқариш учун;
- ўзимни қизиқтирган саволларга жавоб олиш учун;
- баҳо олиш учун.

2. Китоб танлашда кимларнинг маслаҳатига қулоқ соласиз?

- адабиёт фани ўқитувчисининг;
- бошқа фан ўқитувчиларининг;
- кутубхоначининг;
- ота-онамининг;
- ўртоқларимнинг;
- асар асосида олинган фильмни кўрганимдан кейин танлайман;
- ҳамма вақт ўзим танлайман.

3. Ўқиганларингизни қачон муҳокама қиласиз?

- адабиёт дарсларида;
- дарсдан кейин академик лицейда;
- кутубхонада;
- ўртоқларим билан;
- уйда, ота-онам билан;
- ҳеч қаерда.

Учинчи блок саволлар замонавий маданий шарт-шароитни ҳисобга олиб тузилган:

1. Сизга китоб танлашда телевидение ва компьютер қандай ёрдам беради?

2. Шахсий кутубхонангиз ҳақида қисқача маълумот беринг.

Тадқиқот объекти сифатида келажак ҳаёт учун интилаётган, жамият ривожини, кундалик турмуш ва маданият йўналишлари ҳамда суръати билан ҳамнафас ижтимоий ва ёш тоифаси – ўспирин ёшидаги ўқувчилар танланди.

Ўспиринлик даври болаликдан катталиққа ўтиш даври бўлиб, интеллектуал ва ижтимоий ривожланиш жараёнида инсон шахсида жиддий ўзгаришлар рўй бериши билан тавсифланади. Умумий тарзда ўспиринлик даврида интеллектуал-когнитив соҳанинг ривожланиши қуйидаги хусусиятларга эга бўлиши манбалар[75; 93]да келтириб ўтилган:

- мантиқий тафаккур ва хотиранинг ривожланиши тезлашади;

- тафаккур ва хотира ўртасидаги муносабат ўзгариб, тафаккур хотира фаолиятини белгилаб берадиган даражага етади;

- ижод намуналарига мурожат қилиш кўлами кенгайиши ҳисобига ҳаёлнинг ривожланиши кучаяди;

- ўқиш малакалари, монологик нутқ кўникмалари ривожланиши фаол давом этади;

- тафаккур ва нутқ ўртасидаги алоқадорлик (оғзаки ва ёзма нутқ) ҳосил қилиш қобилияти кучаяди. Мутахассислар ўспиринлик даврида когнитив ривожланишдаги муҳим янгилик сифатида назарий тафаккурнинг билиш жараёнидаги иштирокининг кучайиши, умуман, интеллектуал фаолиятдаги аҳамиятининг ошишини қайд этадилар. Бунинг асосий сабаби ушбу давр инсон атроф-оламдаги воқеалар ўртасида алоқадорликни англаш, шунингдек, юқори даражада билишга ҳаракат қилиши билан изоҳланади. Шунингдек, илмий-назарий билимларнинг эгалланиши ҳам тафаккурнинг ривожланишига олиб келади. Бунинг таъсирида исбот, далилларга асосланган фикрлаш қобилияти шаклланади.

Биринчи блок саволлари бизга ўқувчилар томонидан ўқиладиган асарларнинг мавзу йўналишларини аниқлашга ёрдам берди. Мазкур тасниф шартли бўлиб, турли мавзулардаги асарларга ўқувчиларнинг қизиқишлари умумий эволюцион жиҳатини аниқлаш учун 10 йил давомида мутолаа йўналишидаги ўзгаришларни кузатиш зарур бўлади.

2016 йилдаги маълумотларга кўра, академик лицей ўқувчиларнинг мутолаа йўналишида биринчи ўринни триллер ва кўрқинчли, саргузашт ва маълумотнома тавсифидаги асарлар эгаллаган. Уч йил давомида “кўрқинчли” асарларни ўқийдиган ўқувчилар сони 26%га ошган ва бу албатта, кишини кўрқувга солади. Ўқувчининг руҳияти бузилишига олиб келувчи бундай бадиий савияси паст асарлар тилининг соддалиги, низолар, сюжетларга бойлиги, зўравонлик ва қонхўрликнинг тарғиб қилиниши, тарбиявий асоснинг йўқлиги, сюжетнинг оддийлиги ва кўнгилочар лавҳаларга тўлаллиги билан ўзига жалб этади.

Саргузашт адабиётлар ҳам ўткир сюжетли, ҳордиқ чиқаришга мўлжалланган асарлар сирасига киради. Мазкур жанрга алоҳида қизиқиш ўз яшаш жойини ўзгартириш истагига эга homo sapiensнинг ўзига хосликлари, қизиқувчанлик билан боғлиқ. Саргузашт китобларга дам олиш ва ҳордиқ чиқариш мақсадида мурожаат қилинади. Бундай ўқиш қўллаб-қувватловчи хусусиятга эга. Бундай асарлар ўқувчиси иштирокчи эмас, томошабинга айланади, мутолаадан қониқиш ҳосил қилади, бироқ ҳайратланмайди. Агар 2016 йилдан 2018 йилгача бўлган ораликда бундай асарларга қизиқиш динамикасига эътибор қаратилса, саргузашт асарлар ўқиш 1 курс ўқувчилари ўртасида кенг оммалашган. 2 курсга келиб ўқувчиларнинг олий таълим муассасасига ўқишга киришга тайёргарлик кўриши билан кўпроқ банд бўлиши сабабли бундай асарларга қизиқиш камайган. 2019 йилга келиб, 1 курслар ўртасида саргузашт асарлар ўқишга қизиқиш 4 %га ошган, 2 курсларда деярли икки баробарга камайган.

Сўнгги ўн йилликда академик лицей ўқувчиларининг маълумотнома тавсифидаги нашрларга мурожаат қилиши сезиларли ошган. Бу далил осон,

тушунарли ва қулай шаклда ифода этилган янги билимларга қизиқишнинг ортаганлигидан гувоҳлик беради. Чунки маълумотномалардаги ахборотлар ҳажми катта эмас, улар ихчам кўринишда тақдим этилган. Шунинг учун ўқувчиларнинг кўпчилиги уларни ўқишга қизиқишади. Шунини алоҳида қайд этиш керакки, маълумотнома туридаги китоблар кўп нашр қилинади ва китоб бозорида ҳам уларга талаб катталиги билан ажралиб туради.

Иккинчи ўринни ўқувчилар ўртасида севги-муҳаббат, тарихий, илмий-оммабоп, замонавий, детектив ва фантастик жанрдаги китобларни ўқиш эгаллаган. Агар 2016 йилда мазкур жанрдаги асарларга қизиқиш катта ёшдаги китобхонларники билан тенг равишда ўсган бўлса, сўнгги йилларда аксинча, миқдор муносабатига кўра ўқувчилар уларга кам мурожаат қилишган.

Севги ҳақидаги китобларни ўқишнинг оммалашуви 1 курс ўқувчилари ўртасида 15 %ни, 2 курсларда эса 22 %ни ташкил этиб, асосан бундай мавзуга бағишланган асарларни қизлар кўпроқ ўқишган.

Илмий-оммабоп китоблар билиш фаоллигини оширишга хизмат қилувчи адабиётлар ҳисобланади. Мазкур жанрга қизиқиш илмий-оммабоп адабиётларда турли соҳаларга доир қизиқарли ва фойдали маълумотларнинг берилиши билан боғлиқ. Катта бўлган сари ўқувчилар у ёки бу масалага доир мавзуларга жиддий эътибор қаратиб, илмий-оммабоп китобларни ўқишади, кейин эгалланган билимларни амалий фаолият жараёнига татбиқ қилишга интилиб, ўзлари бирор ишни амалга ошириши учун кўрсатма, тавсия тавсифидаги китобларни излаб топишади ва мутолаа қилишади.

Бундай китоблар одатда, амалий мақсадларни кўзлаб мутолаа қилинади, бироқ унга қизиқиш 2 курсда сезиларли равишда камайганлиги кузатилди (1.3.1-жадвалга қаранг).

1.3.1-жадвал

Академик лицей ўқувчиларининг мутолаа йўналишини танлашга муносабати (фоиз ҳисобида)

	Йил	2016	2016	2017	2017	2019	2019
№	Курс	1 курс	2 курс	1 курс	2 курс	1 курс	2 курс
1.	Севги ҳақида китоблар	32	33	39	48	15	22
2.	Саргузашт асарлар	28	24	23	9	39	30
3.	Фантастик асарлар	37	48	18	19	31	23
4.	Детектив асарлар	44	47	28	26	15	24
5.	Тарихий асарлар	38	40	24	10	36	18
6.	Иккинчи жаҳон уруши ҳақидаги асарлар	26	19	3	-	-	-
7.	Замонавий	24	30	16	13	25	32
8.	Мистик, кўрқинчли	-	-	10	6	41	38
9.	Илмий-оммабоп			15	3	18	20
10.	Шеърят	10	14	10	3	15	8
11.	Эртақлар	8	4	4	6	17	5
12.	Маълумотнома нашрлар	-	-	-	-	28	36

Академик лицей ўқувчиларининг тарихий асарларга муносабати кўп жиҳатдан глобал воқеликлар доирасида инсон тақдирига ва инсоният тарихини билишга қизиқиши бошланадиган ёш даври билан боғлиқдир.

Фантастик асарлар ўспирин ёшидаги ўғил ва қиз болаларни ўзининг машҳурлиги ва ноодатийлиги билан жалб қилади, улар бундай жанрдаги китобларни уларда илмий ва ижтимоий гипноз образли ифода этилганлиги сабабли ўқишади. Бундан ташқари, илмий фантастика замонавий ҳодисаларни ўзида мантиқий жиҳатга асосланган лойиҳасини акс эттиради. Ўспирин ёшидаги ўқувчиларнинг фикрича, ушбу асарларда ҳодисалар жуда ишонарли тасвирланган бўлиб, кишида бадиий ҳаёлотни амалга ошишига катта ишонч ҳосил қилади. Аммо бизни ўспиринларнинг фантастик асарлардаги далилларга эътибор қаратмасдан, фақат уни шунчаки ўқиш истагига эгаллиги кўпроқ ташвишга солади. Ҳозирги вақтда ўқувчилар орасида утопик, огоҳликка даъват этувчи ва фалсафий фантастика эмас, мақсади ва ғояси билан анъанавий фантастик асарлардан фарқланадиган

“фэнтэзи” деб номланадиган жанр кенг оммалашган. “Фэнтэзи” жанри ўзида ўзга ерлик мавжудотлар билан инсонларнинг учрашиши, ўзга сайёрадаги галлактикалараро урушлар тарихи ва оммабоп компьютер ўйинларининг китоб кўринишидаги нашрларни ўзида акс эттиради.

Ўқувчиларнинг замонавий, ўзининг тенгқурлари, ўз даври кишиларининг ижтимоий-маиший турмуш тарзи ҳақидаги китобларга эътибор қаратиши ҳам ўспиринлик ёш даври билан бевосита боғлиқдир. Улар замонавийликка интилишади ва ҳозирги давр воқеликларига катта қизиқиш билан қарашади. Ўз тақдирини ўзи белгилашга бўлган бундай истакнинг ўзига хослиги бугунги кун муаммоларининг келиб чиқишини тушунишга ёрдам берадиган “якин” тарихий воқелик акс этган асарларга мурожаат қилишга туртки бериши билан тавсифланади.

Детектив асарлар ўқувчиларни ўткир сюжетли, кўнгилочар, кескин воқеалар ва ҳаракатларнинг мафтункорлиги билан ўзига жалб этади. Шуниси эътиборга лойиқки, одамнинг ёши катталашган сари детектив асарларга қизиқиш ортиб боради.

Сўнгги маълумотлар ўқувчиларнинг Иккинчи жаҳон уруши йиллари ҳақидаги асарларни мутола қилишга муносабати ўзгарганлигини кўрсатади. Агар 2016 йилда бундай асарларни ўқиш оммавийлиги жиҳатдан иккинчи ўринда турган бўлса, ҳозир шеърят сингари сўнгги ўринни эгаллаган. Иккинчи жаҳон уруши йиллари ҳақидаги китобларга бизнингча, ўқувчилар собиқ совет мафкурасининг эскирган қисми сифатида қарайди. Улар кишиларнинг фашизмга қарши курашини қаҳрамонлик дея баҳолай олишмайди, уларни ҳатто уруш иштирокчилари кўрсатган жасаоратнинг ахлоқий ва психологик жиҳатлари ҳам ўзига фаол жалб қилмайди, академик лицей ўқувчилари мазкур асарларни аллақачон эскирган, деб ҳисоблашади.

Шеърятнинг мутолаа йўналиши сифатида сўнгги ўринни эгаллашининг сабабини методистлар умумий ўрта таълим адабиёт дарсларида лирик асарлар таҳлилида ортиқча деталлаштириш, ўқитувчи ва ўқувчиларда ифодали ўқишнинг етарли эмаслиги, шеърни ўқиш маданиятини шакллантириш бўйича

тизимли ишларнинг мавжуд эмаслиги, кўп марта курук ёд олдиришда деб билишади. Бизнингча, ўқувчиларнинг шеъриятга бефарқ муносабати сабаблари унинг инсондан юқори интеллектуал фаоллик, эмоционал қайғуриш, бой тасаввурни талаб этувчи босма матннинг алоҳида тури эканлигида кўринади. Шунингдек, ўқувчиларда эмоционал идрок этиш ҳам етарлича ривожланмаган.

Ўқувчиларнинг шеъриятга муносабати ҳам турлича намоён бўлади. Ўқувчиларнинг маълум бир қисми (26 %) шеъриятни яхши кўришади, бироқ ундаги кўп нарсаларни тушунишмайди, катта қисми эса бефарқ (42 %), шунингдек, умуман шеър ўқишни ёқтирмайдиганлари ҳам бор (40 %); шеърият уларнинг мустақил ўқишида биринчи ўрин эгаллашини таъкидлаганларининг жавоблари (8 %) эса бизни қувонтирди (1.3.2 - жадвалга қаранг). Бундай миқдор кўрсаткичлари шуни кўрсатадики, ўқувчилар лирик асарларни ўқишда қатор қийинчиликларга дуч келишади.

1.3.2-жадвал

Шеъриятга муносабат (фоиз ҳисобида)

№	Курс	1 курс	2 курс
1.	Менинг ўқийдиганларим орасида биринчи ўринда туради	7	8
2.	Ёқтирмайман, фақат ўқитувчининг топшириғига кўра ўқийман	40	31
3.	Бефарқман	31	42
4.	Яхши кўраман, лекин тушунмайман	22	26

“Характер- образ”га асосланган эпик асардан фарқли равишда “туйғу- образ”ли шеър сюжетли ва маиший мотивга эҳтиёж сезмайди. Бироқ шеъриятни тўғри ва тўлиқ идрок этиш учун ўспиринлик ёшида ҳамма вақт ҳам аниқ намоён бўлмайдиган унинг ахлоқий ва эстетик тажрибасини тушуна олиш зарур. Бу шуни англатадики, кўпчилик ўқувчиларда шеърий асарни яхлит идрок этиш, унинг бадий шаклига қизиқиш йўқ. Ўқувчилар шеъриятда, биринчи навбатда сюжет ва ғояни кўришади. Шунинг учун уларнинг кўпчилигини тўлиқ лирик эмас, лиро-эпик асарлар ўзига жалб этади. Кўпчилик ўқувчилар шеъриятни яхши кўраман, бироқ ундаги нарсаларни тушунмайман, деб жавоб беришди. Бунда қайсидир маънода ўқитувчи ва дастур талабининг ҳам айби бор, поэтик

меросни ўрганишда кўпроқ унинг ритмик ва бадий-ифодавий жиҳатларига эътибор қаратилади, шунинг учун ўқувчилар шеърни тадқиқот, таҳлил объекти сифатида қабул қилишади. Мажбуран ёд олиш эса кўпинча уларда шеърятга бефарқлик ва уни “ёмон кўриш” ҳиссини юзага келтиради.

Анкета таҳлилидан кутилганидек, иштирокчиларнинг кўпчилиги замонавий адабиётни ўқишни афзал деб билишини кўрсатди, чунки унда айнан ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишади. “Замонавий адабиёт” деганда кўпчилик ўқувчилар (шу жумладан, катталар ҳам) китоб расталарини тўлдирган – сон-саноксиз оммавий адабиёт вакилларининг асарларини тушунишади (1.3.3- жадвалга қаранг).

1.3.3- жадвал

Ўқувчиларнинг адабиётларни мутолаа қилиш йўналишлари (фоиз ҳисобида)

№	Йиллар	2016	2016	2017	2017	2019	2019
	Курслар	1 курс	2 курс	1 курс	2 курс	1 курс	2 курс
1	Мумтоз адабиёт	16	9	30	5	16	13
2	XIX аср чет эл адабиёти					23	19
3	XX аср ўзбек адабиёти	20	34	21	25	19	20
4	Жаҳон адабиёти					26	24
5	Замонавий адабиёт	30	33	27	18	35	31

Академик лицей адабиёт курсидаги асарлардан ташқари замонавий адабиёт бўйича ўқитувчи тавсия қилган рўйхатсиз ўқувчилар ҳақиқий маънода юксак савиядаги бадий китобни мустақил танлай олмайди. Уларни энг аввало, китобнинг муқоваси, кўпчилик орасида машҳур муаллифларнинг номлари ўзига жалб этади. Замонавий адабиёт бизнинг кузатишимиз ва Миллий кутубхона натижаларига кўра, ўқувчилар ўртасида етакчи ўрин эгаллайди.

Ажабланарлиси, академик лицейларнинг адабиёт фани ўқув дастурида катта ўрин ажратилмаган бўлсада, чет эл адабиёти ўқувчилар севиб ўқийдиган асарлар орасида иккинчи ўринни эгаллайди (2019 йил). Чет эл адабиётига қизиқиш асосан саргузашт, илмий-фантастик, детектив асарлар ҳисобига ортиб боради.

Сўнги ўринларни Мумтоз адабиёти (16%) ва XX аср ўзбек адабиёти (19 %) эгаллаган. Мумтоз адабиётини 30 фоиз 1- курс ўқувчилари ўқиганлигини айтишган, бу табиий, чунки улар 9 синфда мазкур давр адабиёти билан биринчи марта жиддий танишишган. Бироқ 2- курсда мазкур давр адабиётига қизиқиш пасайган. XX аср ўзбек адабиётига эса 2- курсларда кўпроқ қизиқиш борлиги кузатилди, бу эса ўрганилаётган курс мазмуни билан боғлиқ.

Ўспиринлик даврида мутолаа маданиятини ривожлантириш – бу мураккаб босқич. Чунки ўқувчилар таълимнинг аввалги босқичида ўрганган адабий асарлар билан бирга янги муаллифлар билан ҳам танишишга мажбур бўлишади. Биринчи блокнинг учинчи саволига ўқувчилар асарлар ва уларнинг муаллифларини санаб ўтишган. Албатта, улар орасида бадиий жиҳатдан паст даражадаги адабиётлар ҳам ўрин олган. Ўқувчиларнинг жавобларида кўпроқ XX аср ўзбек адабиётидан Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор, Саид Аҳмад, Тоҳир Малик, Ўткир Ҳошимов, чет эл адабиётидан Рашод Нури Гунтекин, Жек Лондон, Чингиз Айтматов, замонавий ўзбек адабиётидан Улуғбек Ҳамдам, Нуриддин Исмоиловларнинг китоблари учрайди (1.3.4-жадвалга қаранг).

1.3.4-жадвал

Ўқувчилар асарларини кўпроқ севиб ўқийдиган муаллифлар (фоиз ҳисобида)

	Йиллар	2016	2016	2017	2017	2019	2019
№	Гуруҳлар	1 курс	2 курс	1 курс	2 курс	1 курс	2 курс
1	Абдулла Қодирий	18	14	22	10	7	14
2	Абдулла Қаҳҳор	11	7	12	5	8	15
3	Саид Аҳмад	9	13	5	10	10	10
4	Ўткир Ҳошимов	-	-	15	7	10	9
5	Тоҳир Малик	9	7	12	5	14	13
6	Рашод Нури Гунтекин	13	5	10	3	3	10
7	Жек Лондон	-	-	-	-	10	9
8	Чингиз Айтматов	-	-	-	-	11	14
9	Улуғбек Ҳамдам	-	-	-	-	8	5
10	Нуриддин Исмоилов	-	-	7	8	5	7

Сўнги йилларда жамиятни ахборотлаштириш шароитида оммавий ахборот воситалари, Интернет ва даврий нашрларнинг кенг оммалашуви ўқувчиларда мутолаа маданиятини ривожлантириш соҳасига доир кадриятлар тизимининг ҳам ўзгаришига олиб келди.

Ҳозир ўқувчиларнинг китобхонлиги нафақат китоб ўқиш билан, балки даврий нашрлар ва ижтимоий тармоқларга кенг муурожаат қилиш билан ҳам белгиланади. Фаол фуқаролик позициясининг шаклланиши мазкур ёш даврида бугунги кун ҳақида долзарб, аниқ мақсадга йўналтирилган ахборотларни олишга интилишни юзага келтиради. Даврий нашрларни ўқиш ён атрофда ҳамда жаҳонда содир бўлаётган воқеа ва ҳодисалар, далилларни таҳлил этиш, таққослаш ва умумлаштириш имконини беради, мураккаб ижтимоий муносабатлар тизимида ўз ўрнини топиш ва англашга ёрдам беради. Агар китоб болаликдан ўқувчига ҳамроҳ бўлса, даврий нашрларга қизиқиш айниқса, ўспиринлик ёшида яққол намоён бўлади.

1.3.5-жадвал

Ўқувчиларнинг даврий нашрларни ўқишга муносабати (фоиз ҳисобида)

	Йиллар	2016	2017	2019
№	Газеталар			
1.	Ҳордик	-	72	-
2.	7X7	23	16	-
3.	Даракчи	34	14	-
4.	Репетитор	-	-	21
5	Абитуриент	-	-	27
	Журналлар			
1.	XXI аср технологиялари	-	29	17
2.	SMART KIDS	32	19	-
3.	Dono word	30	23	-
4.	JAJI AKADEMIK	-	-	44
5.	XXI asr texnologiyalari	-	-	29
6.	Синфдош	59	-	-

Хулоса қилиб айтганда, академик лицей ўқувчиларининг мутолаа маданияти адабиёт дастури доираси билан чекланган бўлиб, ўспиринлар мустақил мутолаа қиладиган кўпчилик адабиётлар бадиий жиҳатдан юқори савияга эга эмас. Бунинг сабабларини янада тўлиқ аниқлаш учун ўқувчиларнинг китоб ўқиш мотивларини ҳам таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Биринчи боб бўйича хулоса

1. Таълимни такомиллаштиришга йўналтирилган кўплаб ғоялар орасида ўқувчиларда мутолаа маданиятини ривожлантириш муҳим бир ўрин тутди. Таълим амалиётида ўқувчиларнинг мутолаа маданиятини ривожлантириш тизимли режалаштирилмайди, кўпинча махсус методик шарт-шароитларга риоя қилмасдан амалга оширилади, мутолаа маданиятининг фикрлаш фаоллиги самарадорлигини оширишдаги ўрни ҳисобга олинмайди.

2. Ўқувчиларда мутолаа маданиятини ривожлантириш муаммосини ўрганиш републикамиз ва хорижда бой тарихий тажриба, мазкур масала ечимига бағишланган назарий ва амалий аҳамиятга молик кўплаб ёндашувлар борлигини кўрсатди. Бироқ адабий таълим жараёнида ўқувчиларда китобхонлик ва мутолаа маданиятини ривожлантиришнинг такомиллаштирилган методикасини ишлаб чиқиш зарурати мавжудлиги аниқланди.

3. Адабий таълим амалиётида ўқувчиларда мутолаа маданиятини ривожлантиришнинг қуйидаги шакллари кенг тарқалганлиги аниқланди: а) “Сизнинг севимли китобингиз борми?”, “Менинг севимли ёзувчим”; б) китобхонлик автобиографияси; в) китоб ўқиш ҳақида суҳбатлар (индивидуал ва жамоавий); г) китобхонлик кундаликларини юритиш; д) китобхонлик билети “ҳимояси”; е) китобхонлик билетлари таҳлили; ж) мониторинг.

4. Академик лицей ўқувчиларида мутолаа маданиятини ривожлантириш муммосини ўрганишнинг долзарблиги айнан илк ўспирин ёшидаги ўқувчиларда санъатга эстетик муносабатни мустаҳкамлаш, адабий ривожланишда янги босқичга одимлаш имконини беради.

5. Психологлар, социологлар, педагоглар ва методистлар мазкур муаммонинг турли жиҳатларини тадқиқ этишмоқда, уни ҳал этишнинг замонавий ва янги йўллари излашмоқда. Бироқ ҳаммаси ягона бир хулосани қайд этиб ўтишмоқда: ўқувчиларнинг мутолаа маданиятини

ривожлантириш – бу мақсадга йўналтирилган жараён бўлиб, ўзида бир қанча босқичларни, шу жумладан ўқишга раҳбарлик қилишнинг пухта ўйланган ва асосланган тизимини талаб этади.

6. Таҳлилий маълумотлар асосида мутолаа маданияти – ўқувчиларнинг китоб ўқишга қизиқиш ва эҳтиёжларини таркиб топтириш, бадиий асарларни таҳлил этиш ва хулоса чиқариш, ахлоқий ва эстетик идеалларни шакллантиришга қаратилган яхлит жараён, эканлиги ҳақидаги хулосага келинди.

7. Академик лицей ўқувчиларида мутолаа маданиятининг ривожланганлигининг амалдаги ҳолатини аниқлаш мақсадида анкета сўровлари натижалари ўқувчиларда мутолаа маданиятини ривожлантириш масаласи бугунги кунда ҳам долзарб эканлигини кўрсатади. Ўқувчиларнинг мутолаа маданиятини ривожлантириш – бу мақсадга йўналтирилган жараён бўлиб, ўзида бир қанча босқичларни, шу жумладан, ўқишга раҳбарлик қилишнинг пухта ўйланган ва асосланган тизими мавжуд бўлишини талаб этади.

II БОБ. АДАБИЙ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЎҚУВЧИЛАРДА МУТОЛАА МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АМАЛИЙ- ТЕХНОЛОГИК ТИЗИМИ

2.1-§. Ўқиш мотивлари, китоб танлаш мезонлари ҳамда мутолаа маданиятини ривожлантириш омиллари ва гендер хусусиятлари

Ўспирин китобга турли-туман, у ёки бу сабаблар таъсири остида муурожаат қилади. Мутолаа маданияти даражасини кўп жиҳатдан китоб танлаш ва ўқиш мотивлари белгилаб беради. Мутолаага эҳтиёж, мотивация ва қизиқишнинг мустаҳкам ўзаро алоқадорлигини таъминлаш ёш китобхонни шакллантириш ҳамда ривожлантиришнинг зарурий шарти бўлиб хизмат қилади.

Фанда эҳтиёжлар инсон фаолиятининг фаоллиги сабаби ва манбаи сифатида кўриб чиқилади. Ўзининг келиб чиқиши ва ривожланишига кўра улар иккита босқичда амалга ошади. Биринчи босқичда эҳтиёж худди бир ички, фаолият учун ёпиқ шароит сифатида характерланади. Ушбу босқичда қадрият эҳтиёжни қондиришга қодир, идеал сифатида майдонга чиқади, буни амалга ошириш эса мавжуд эҳтиёж реал дунёни билиш учун билимларни таққослашни назарда тутаяди, бу эса мана шу эҳтиёжни қондириш учун воситаларни танлашга ёрдам беради. Иккинчи босқичда эҳтиёж реал бир кучдир, у инсоннинг аниқ бир фаолиятини бошқаради. Бу ерда эҳтиёж билан мазмун аниқлаштирилиб олинади, у эса айнан ташқи реалликдан кириб келади[83, 52-б.]. Инсоннинг эҳтиёжи туғма хусусиятга эга эмас, ижтимоий воқеликни ўзлаштириш жараёнида шаклланади, туғма лаёқатлар асосида шахс хусусиятига таъсир кўрсатади[78, 454-455-б.].

Эҳтиёжлар орасида шахснинг маънавий эҳтиёжлари муҳим ўрин тутаяди. Ҳиссий қобилиятга эга инсон атроф-муҳитни бутун хилма-хилиги билан аниқ ва яхши идрок этади. У хулқ-автор меъёрларига мос келадиган, ҳиссий қониқиш ва ички хотиржамлик бағишлайдиган, инсонни янада

муваффақият, мақсадларга эришишини осонлаштирадиган хатти-харакатларни тез ва осон тушунади.

Кўплаб тадқиқотчилар ўзларининг тадқиқотларида ўсиб келаётган авлодда билишга эҳтиёжларни шакллантириш муаммосига эътибор қаратишган (О.Мусурмонова, Б.Ходжаев, З.Салиева, Д.Қосимова, Л.Бектурсынова, Ю.Шаров, Т.Павлова, И.Макарова, Т.Каптан, М.Рокич) [70; 107; 92; 123; 21; 113; 75; 62; 50; 88]. Улар эҳтиёж ўқувчиларнинг муайян тушунчаларни эгаллашга бўлган интилишлари ифодаси сифатида акс этиши (О.Мусурмонова); эҳтиёжнинг ўқувчиларда ижтимоий талаб даражасида фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган муайян сифатларнинг етишмаслигини ифодалаши (Б.Ходжаев); эҳтиёж ўқувчининг ижтимоий педагогик талаблар доирасида фаолият кўрсатиши учун асосий кўзгатувчи вазифасини ўташи ва уни ақлий, маънавий, рухий, ижтимоий жиҳатдан қаноатлантиришида намоён бўлиши (З.Салиева); эҳтиёж яқка шахс ва жамият аъзолари руҳиятининг кўрсаткичи (Д.Қосимова); билишга эҳтиёж таълим олувчиларнинг интеллектуал ривожланиши омили (Л.Бектурсынова), эҳтиёжлар баъзан жуда заиф, ёпиқ тарзда намоён бўладиган қизиқишлар, интилишлар, мослашувчанлик (Ю.Шаров); эҳтиёжлар янги объектни юзага келтирса, янги объект ўз навбатида бошқа эҳтиёжни келтириб чиқариши (Т.Павлова); объект ва субъектлар ўртасидаги махсус муносабатлар (И.Макарова); кишилар ҳаётининг объектив зарурий шарти (Т.Каптан); терминал ва инструментал кадриятларнинг асоси (М.Рокич) эканлигини таъкидлаб ўтишган.

Мутолаа масаласида изланишлар олиб борган тадқиқотчилар ўқиш эҳтиёжларини шахснинг маънавий эҳтиёжлари гуруҳида етакчи ўрин тутувчи информацион эҳтиёжларнинг алоҳида тури сифатида қайд этишган (В.А.Бородина, И.И. Тихомирова ва бошқалар) [27; 97]. Информацион эҳтиёжлар турли мазмунга эга бўлиши мумкин: билиш, ўқув, касбий, рекреацион ва ҳ.к. Умумлашган кўринишда – ҳаёт мазмунини англашнинг идеал эҳтиёжи; жамиятдаги меъёр, маданият, маълум бир фаолиятни

бажариш учун эгалланган билимлар билан алоқадор ижтимоий эҳтиёжлар; ўз-ўзини ривожлантириш эҳтиёжи[115].

Бизнингча, эҳтиёж инсон фаолияти учун зарур ахборот ва билимларни эгаллаш, ҳаёт мазмунини англаш, китоб ва ўқишга ошно қилмасдан шакллантириш мумкин бўлмаган маданий ва маънавий кадриятларни ўзлаштиришга зарурат сезишдир. Ўқиш истагини белгилаб берувчи мотивлардан фарқли равишда эҳтиёж кўпроқ мутолаанинг прагматик мақсадини англаш билан тавсифланадиган ва фаол китобхонлик манбаини акс эттирадиган мавжуд зарурият асосида юзага келади.

И.И.Тихомированинг фикрича, бундай долзарб эҳтиёжни юзага келтирувчи замонавий боланинг ўқиш мотивацияси босма асарга китобхонлик талабининг етакчи омилини ўзида акс эттиради[97]. В.А.Бородина мутолаа эҳтиёжи деганда ўқиш фаолиятининг шаклланиши, мавжудлиги ва ривожланиши зарурлиги англанадиган ва объектга эҳтиёж сезиладиган шахс ҳолатини тушунади. Мазкур эҳтиёж уни қониқтириш жараёнида амалга ошади ва китобхонни ривожлантириш манбаи бўлиб хизмат қилади. Мутолаага эҳтиёж қайта-қайта такрорланувчи хусусиятга эга. Уларнинг ривожланиши китобхоннинг маълум бир эҳтиёжини қондирувчи ўқиш предмети, унинг мавзу доирасининг ўзгариши ҳисобига содир бўлади[27, 40-б.]. Бироқ энг асосийси, мутолаага эҳтиёж ўқувчи ва унинг ота-онасининг китоб ўқишни қадрият деб билиши, ўсиб келаётган авлоднинг янги ҳаётий воқеликларга муваффақиятли ўз-ўзини тайёрлаши учун зарурлигини тушунишида ёрқин намоён бўлади[85, 122-124-б.]. Бу ҳолатда айнан китоб ўқишга маънавий эҳтиёжни шакллантириш ҳақида гапириш мумкин.

Мутолаага эҳтиёж уни шакллантириш ва ривожлантиришни ҳаракатга келтирувчи куч – шахсининг мотивацион соҳаси билан чамбарчас боғлиқ. Унда шахсий ва ижтимоий қизиқишларнинг уйғунлиги, идеалларга интилиш, адолатлилик, инсон ва бошқа жонзотларга ғамхўрлик билан муносабатда бўлиш, ижтимоий аҳамиятга эга сифатлар каби ахлоқий меъёрларга онгли

муносабат шаклланади. Шахснинг ахлоқий мўлжалларига, ҳаётий мақсадлари, ўзининг мажбуриятларига муносабат, “бошқалар”га эҳтиёж сезиш – мотивацион соҳанинг намоён бўлишидир.

Мотивация – мотивларнинг ҳаракатланиш жараёни, инсонни асосий фаолиятга ундовчи мотивлар йиғиндиси. Мотив эса французчадан таржима қилинганда, ундовчи куч, сабаб деган маънони билдиради [108, 36-б.].

Адабиётларда мотив тушунчаси тадқиқотчилар томонидан турлича талқин қилинади. Масалан, А.Маслоу мотивни эҳтиёж билан боғласа[66, 84-б.], С.Л.Рубинштейн мотивни мазкур эҳтиёжнинг ҳис қилиниши ва қондирилиши[90, 79-б.], деб ҳисоблайди. А.Н.Леонтьев мотивни эҳтиёжларни қаноатлантиришга инсон фаолиятини йўналтирадиган ва уни кўзгатадиган объективлик деб ҳисоблайди[59, 5-б.]. Л.И.Божовичнинг фикрича, мотив нафақат ташқи объектив омиллар, балки тасаввурлар, ғоялар, ҳис-туйғулар, бир сўз билан айтганда ички субъектив омиллар кўринишида ҳам бўлиши мумкин[24, 14-б.]. А.А.Реаннинг таърифича, мотив деб шахсни фаолиятнинг у ёки бу турига ички жиҳатдан ундашга айтилади[87, 45-55-б.]. В.К.Виллюнас мотивни кўзғалиш ва фаолият учун жавоб берадиган жараёнлар тизими деб ҳисоблайди[30, 43-б.].

Ш.С.Шодмонованинг фикрича, олимларнинг мотивларга берган таснифлари турлича бўлиб, уларнинг айримлари инсонда вужудга келувчи ҳолатларни, яъни инсонни ҳаракатга келтирувчи ҳолатларни мотив деб аташса, айримлари инсонларнинг мақсади, қизиқиши, орзу-истаги, нияти, интилиши, манфаати, эҳтиёжи ва эътиқодларини мотив сифатида келтиришади, яна бошқа бирлари мотивларни жараён сифатида талқин этишган[117, 105-б.].

Тадқиқ этилаётган муаммо нуқтаи назаридан биз учун ўқишга эҳтиёжни шакллантириш жараёнида кўзгатувчи, ҳаракатлантирувчи куч сифатида мотив масаласи муҳим аҳамият касб этади.

Турли матн ва адабиётларга муносабатни рағбатлантирувчи, ижтимоий субъектларнинг китобхонлигини ривожлантиришни аниқлаб берувчи ҳамда

мутолаа йўналишини белгилаб берувчи ички ва ташқи ундовчи омиллар тизимини таҳлил этиш асосида В.А.Бородина ўқиш мотивига “мутолаага бўлган эҳтиёж, китобхонлик фаолиятига даъват қилиш” деб таъриф беради. Мотивлар эҳтиёжларнинг намоён бўлиши ва акс этиши, яхлитликда китобхонликка ундовчи ва маълум даражада китобхонлар ўртасида самарали мулоқотни юзага келтирувчи аҳамиятга эгадир. Айнан улар инсоннинг ҳаётий фаолияти жараёнида кўплаб мутолаага эҳтиёжларни қондирилиш тавсифини аниқлаб беради[27, 40-б.].

Эҳтиёж ва мотивларнинг алоқадорлигига эътибор қаратиш асосида А.В.Шмидт китобхонлик фаолияти асосида китоб ўқишга қизиқиш ва эҳтиёжлар кўринишида юзага чиқувчи мотивлар ётишини қайд этиб ўтади. Китобхонлик фаолияти ҳамма вақт ҳам тўлиқ мотивлашмайди, одатда китобхонда унинг ижтимоий тажрибаси, индивидуал-типик ўзига хосликлари ва психологик тавсифини акс эттирувчи бир қанча мотивлар мавжуд бўлади[115].

С.Р.Прибылых ўқиш мотивлари ва китоб танлаш мезонларини таҳлил этишда германиялик олим Руттнинг қарашларига таянган ҳолда фикрлаш, тасаввурни ривожлантириш эҳтиёжлари, шахслилик, маънавий мулоқотни такомиллаштириш, ўзининг маънавий сифатларини такомиллаштириш, янги билимларни ўзлаштириш кабиларга асосланиб, “юксак бадиийликка эга” адабиётларни ўқишга доир йигирма еттита ижобий мотивларини ажратиб кўрсатган[85].

Шунингдек, германиялик олим Рутт “кам бадиий таъсирчанлик”ка эга адабиётларни ўқишга иштиёқни юзага келтирувчи салбий мотивларни ҳам ажратиб кўрсатган. Бундай мотивларга “таъқиқланган” нарсаларни бажаришга уриниш истаги, ён атрофдагиларга бефарқлик, дангасалик кабилар киритилган. Бундай адабиётларни ўқиш мотивларининг мавжудлиги оқибатида болаларда ўқиш малакаларининг етарли ривожланмаслиги, бадиий асарларни танқидий баҳолай олмаслик, тил бойлигининг камлиги кузатилади.

Ўқувчиларда мутолаа маданиятини ривожлантириш йўналишлари бўйича илмий изланишлар олиб борган В.С.Собкин ва А.К.Писарскийлар ўқиш мотивлари тузилмасига тааллуқли беш омилни ажратиб кўрсатишган:

- билишга алоқадор мотивлар;
- ахлоқий идеалларни излаш билан боғлиқ мотивлар;
- маданий меросни ўзлаштириш истаги;
- яқин ижтимоий муҳитнинг таъсири;
- эмоционал тажрибани бойитиш истаги[93].

Бу эса, бизга ўқиш мотивларини қуйидагича саралаш имконини берди:

1. Шахс фаолияти соҳаси билан боғлиқ:

- когнитив фаолият билан боғлиқ ўқиш мотивлари;
- касбий фаолият билан боғлиқ ўқиш мотивлари;
- бўш вақтни ташкил этишга доир ўқиш мотивлари.

2. Субъектнинг ҳаётий эҳтиёжлари билан боғлиқ;

- ижтимоий-маиший турмуш учун зарур ахборотлар олиш билан боғлиқ ўқиш мотивлари;

- турмуш тарзи, (уйқудан олдин китоб ўқиш) билан боғлиқ мотивлар.

3. Шахсий қадриятлар тизими билан боғлиқ:

- хулқ-атвор меъёрлари ҳақидаги тасаввурлар билан боғлиқ ўқиш мотивлари;

- обрў ва маълум бир мақомни эгаллаш истагига доир ўқиш мотивлари;
- сўнги урф- одатга айланган нарсалар ҳақида маълумотга эга бўлиш

билан боғлиқ ўқиш мотивлари.

Китобнинг номи, ташқи кўриниши, иллюстрацияси орқали ҳам мутолаага шахсий мотивация юзага келади, бу эса, ўқувчида унинг мазмуни билан танишиш истагини пайдо қилади. Китоб ўқишга нисбатан “мотивация” атамасидан инсоннинг китоб мутолаасига йўналганлигининг сабаб ва механизмларини тадқиқ этиш мақсадида фойдаланилади. Агар китоб ўқишга ички мотивация мавжуд бўлмаса, бу ижобий ҳолат эмас. Китобдан олинган билимлар ўз-ўзидан қалбни тарбиялашга хизмат қилмайди. Бунинг учун

китоб ўқишнинг энг муҳим мотиви ҳисобланган ички (шахсий, маънавий) хоҳиш зарур. Ундаги ҳаракатга келтирувчи куч – яхши ёзилган китоб билан мулоқот қилишга ички эҳтиёждир. Бундай эҳтиёж шахснинг ривожланиши учун қулайлик яратади ва ўз-ўзини такомиллаштиришга интилиш туйғуси билан ҳам уйғундир.

Шу нуқтаи назардан С.В.Иванованинг фикрича, ўспириннинг кўлига тушган китобдаги ахборот манбалари билан эҳтиёткорона муносабатда бўлишга ўргатиш жуда муҳим бўлиб, китобхон сифатида унда турли ўй-фикрларни уйғотиши, унинг маънавий қиёфасига ижобий таъсир кўрсатиши, катталар ва тенгдошлари учун ҳам қизиқарли эканлигини ҳисобга олишга одатлантириши мақсадга мувофиқ. Шуниси алоҳида аҳамиятлики, асар, ундаги қаҳрамонлар, воқеликлар шахсий тажриба ва ўспириннинг қадриятли установкалари орқали ўзлаштирилиши, шу билан бирга ўзининг фикрлари, ўй-хаёлларини катталар ва тенгдошлари билан ўртоқлашиш истагини ҳосил қилиши, қадриятли муносабатни таркиб топтириши, шахснинг шаклланиши ва ривожланиши учун хизмат қилиши лозим[41].

Шахснинг фаолият мақсадини англашига йўналганлигини таъминловчи ҳамда воқеликни тўлиқ ва чуқур акс эттирувчи янги далиллар билан танишишга имкон берувчи билиш эҳтиёжининг намоён бўлиш шакли сифатида қизиқиш мутолаага барқарор эҳтиёжларни шакллантириш жараёнига сезиларли таъсир кўрсатади[79, 108-б.]. У шахс учун қадрли, жозибадор нарса-буюм, воқеликка унинг муносабатини белгилайди. Қизиқишларнинг мазмуни ва характери инсондаги қизиқиш ва эҳтиёжлар динамикаси ҳамда қурилиши, худди шунингдек, унинг воқеликни ўзлаштириш шакл ва воситалари билан боғлиқдир [94, 110-б.]. Билишга йўналганлик, эмоционал ранг-баранглик каби қизиқиш белгилари маънавий эҳтиёжларга ҳам тааллуқлидир. Шунинг учун ҳам кўплаб тадқиқотчилар қизиқиш асосида ҳамма вақт у ёки бу эҳтиёж илдизи мавжуд бўлишини ҳисобга олиб, уларнинг ўзаро алоқадорлигини қайд этиб ўтишган.

Қизиқишлар эҳтиёжлардан объектнинг анланганлик даражаси билан фарқланади: эҳтиёжнинг анланганлик даражаси қанчалик юқори бўлса, у шунчалик кўп қизиқишларни пайдо қилади. Етарлича анланган эҳтиёж қизиқишни ҳосил қилиши мумкин. Бироқ қизиқишлар инсон фаолиятига мос равишда амалга ошириб, ўз навбатида янги эҳтиёжларнинг пайдо бўлишини таъминлайди. Эҳтиёж ва қизиқишларнинг алоқадорлиги билишга эҳтиёж ва қизиқишларни таҳлил этишда янада аниқ намоён бўлади.

Ҳар бир инсонда билиш эҳтиёжлари маълум даражада ривожланган бўлади. Шахснинг ривожланиш мантиғи иштиёқ, интилиш, кейинчалик қизиқишнинг юзага келиш босқичларига боғлиқ. Шахсий билимлар, яъни маълум бир билим соҳаси инсон учун жозиба касб этади (бу ерда индивидуал қобилиятлар, интилиш, турли мотивларнинг таъсири алоҳида аҳамиятга эга): атроф-муҳит билан танишиш жараёнида билиш қобилияти аниқ танловга йўналганлик касб этади.

Эҳтиёжларни қондиришнинг ҳис қилиш билан боғлиқ билиш қувончидан баҳраманд бўлиш туйғуси билишга қизиқишни шакллантириш учун муҳим рағбат вазифасини бажаради, унинг асосида эса, билимга чанқоқлик ётади.

Ўқувчиларнинг мутолаага қизиқиши билишга қизиқишнинг махсус шакллари билан бири ҳисобланади. Билишга қизиқиш ахборотни ўзлаштириш ва қайта ишлашдан иборат. Воқеликлар жараёнига иштирок этишга қизиқиш инсонни бошқа одамларнинг туйғулари билан ҳамроҳ бўлишига имкон беради. Қизиқишнинг мазкур икки тури бадиий асарни ўқиш жараёнида ўзаро уйғун тарзда намоён бўлади.

Мутолаага эҳтиёжни таҳлил этиш асосида Ю.В.Шаров инсоннинг муҳим маданий эҳтиёжларидан бири сифатида унинг китоб ўқишга қизиқиш йўналишини қабул қилишни таклиф этади[113]. Натижада ўқувчилардан бирининг шеърятга, бошқасининг – ижтимоий-маиший роман, илмий-фантастик қисса, учинчисининг – детектив асарларга қизиқишини белгилаб берувчи мутолаа йўналиши шаклланади.

И.И.Тихомирова инсоннинг мутолаага эҳтиёжи ва қизиқиши ўртасидаги диалектик алоқадорлик мавжудлигини таъкидлаб ўтади[97]. Қизиқиш ва мотивациянинг алоқаси ҳақида фикр юритиб, тадқиқотчи мутолаага қизиқиш – бу китобларнинг ўқувчи ички оламига таъсири, яъни интериоризация (ички қабул қилиниши)ни таъминловчи, ўқиш жараёнининг ижодийлигини қўллаб - қувватловчи барча мотивлар бирлиги эканлигини кайд этиб ўтган. Ўқишга қизиқиш – истак кўринишидаги эмас, зарурий мотивация. Ўқувчиларнинг мутолаага қизиқишини тадқиқ этиш асосида С.Р.Прибылых уни инсоннинг туғма билиш эҳтиёжларига асосланган чуқур ички мотивация сифатида талқин қилади[85].

В.А.Бородина мутолаага қизиқишни мавжуд эҳтиёжларнинг анланган шакли, унинг янада аниқлашуви сифатида эътироф этади. Уларни ўқиладиган асар мазмуни, мутолаа эҳтиёжлари бўйича баҳолайди. Яъни, инсоннинг китоб ўқишга хоҳиш-истаги мутолаа эҳтиёжининг предметини ўзида акс эттиради. Ўқишга қизиқиш – бу китоб ўқишга эҳтиёж асосида юзага келадиган ўқувчининг асарларга нисбатан танлов эркинлиги. Бундай танловга асосланган муносабатни тадқиқотчи маълум соҳага доир адабиётни ўқиш жараёнида ўқувчида юзага келувчи эмоционал-эстетик ва билиш-коммуникатив муносабат сифатида талқин қилган[27].

Эмпирик тадқиқотлар асосида ўқувчиларда ўқиш мотивларининг намоён бўлиши қуйидаги тарзда аниқланди (2.1.1-жадвалга қаранг).

2.1.1-жадвал

Ўқиш мотивларининг намоён бўлиши

№	Йиллар	2016	2017	2019
1.	Билимларни эгаллаш учун	38	43	49
2.	Ўзини қизиқтирган саволларга жавоб олиш учун	11	24	17
3.	Дам олиш ва ҳордиқ чиқариш учун	49	48	51
4.	Бўлажак касбий фаолият тўғрисида маълумотга эга бўлиш учун	7	12	9
5.	Баҳо олиш учун	58	41	44

2.1.1-жадвал натижаларидан кўриниб турибдики, 2016 йилда академик лицей ўқувчиларида баҳо олиш ва ҳордиқ чиқариш (51 %; 49 %) учун ўқиш мотиви устунлик қилган, бироқ 2017 ва 2019 йилларда янги билимларни ўзлаштириш мотиви (43%; 49) юқори ўринни эгаллаган. Дам олиш ва ҳордиқ чиқариш мотиви мазкур йилларда ҳам етакчиликни сақлаб қолган. Кам сонли ўқувчилар китоб воситасида ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олиш ва бўлажак касбий фаолият билан танишишга ҳаракат қилишган (24%; 17%; 12%; 9%).

Ўқувчиларнинг мутолаа учун у ёки бу китобни танлашига икки гуруҳ омиллар таъсир кўрсатади. Биринчиси – ижтимоий институтлар ва маданий-маърифий муассасалар: оммавий ахборот воситалари, кутубхона, китоб дўконлари. Иккинчиси – шахслараро омиллар: оила, педагоглар, тенгдошлар.

Шахслараро мулоқот ўқувчи ҳаётида муҳим роль ўйнайди. Бундай мулоқот тури айниқса, шахс шаклланиши даврида алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, бевосита ва икки томонлама характер касб этади.

Ахборот манбалари қаторида ота-оналар тенгдошлар ва адабиёт ўқитувчисидан кейинги учинчи ўринни эгаллаган (16%) (2.1.2-жадвалга қаранг). Миқдор кўрсаткичлари ўқувчиларнинг китоб танлаш жараёнига ота-оналарнинг таъсири пастлигини, бу таъсир бола улғайган сари камайиб бориши ҳақидаги хулосага келиш имконини беради.

Бир томондан ўспирин ёшидаги ўқувчиларда мустақилликнинг намоён бўлиши, китоб ўқиш масаласида ота-оналарнинг таъсирини пасайтиради ва улар кўпроқ тенгдошлари билан ўртоқлашишади, бошқа томондан ота-оналарнинг ҳам болаларининг китоб мутолаасига бефарқ муносабати уларда ўқишга қизиқишни камайтиради. Натижада мутолаа жараёнига оиланинг бундай муносабати унинг ўрнини шахслараро мулоқотнинг бошқа омиллари эгаллашига олиб келади.

Мутолаа учун китоб танлашга таъсир этувчи омиллар (фоиз ҳисобида)

№	Йиллар	2016	2017	2019
1.	Ўзим мустақил танлайман	66	61	54
2.	Адабиёт фани ўқитувчисининг кўрсатмасига асосан	18	24	16
3.	Ота-онам маслаҳат беришади	7	18	13
4.	Фильмни томоша қилганимдан кейин китобини ҳам ўқийман	31	29	21
5.	Ўртоқларимнинг тавсиясига кўра	43	29	22
6.	Кутубхоначининг тавсияси асосида	9	6	10
7.	Бошқа фан ўқитувчиларининг маслаҳати билан	6	3	6
8	Телевизорни томоша қилиб танлайман	-	24	9

Бошқалар билан таққослаганда тенгқурлар ўқувчининг китоб мутолаасига кучли таъсир кўрсатади. Бу эса, биринчи навбатда ўқувчиларнинг ижтимоий алоқаларининг ўзига хослигини, академик лицей ўқувчиларининг катталарга қараганда ўртоқларини кўпроқ эътироф этишга интилишини кўрсатади. Машҳур педагог Януш Корчак шундай деб ёзган эди: “Шуни ёдда тутиш лозимки, болалар ҳаётининг фаровонлиги уларни катталар қандай баҳолашига боғлиқ, бироқ бу тенгқурларининг фикрлари билан барибир тенглаша олмайди” [119, 34-с.].

Ўқувчилар орасида китобнинг оммалашуви, “адабий” урфга кириши ҳамма вақт болалар ва ёшлар мутолааси бўйича тадқиқот олиб борган изланувчиларни ташвишга солган. Бизнинг тадқиқотимиз доирасида ҳам тенгдошларининг маслаҳатини 22% ўқувчи қўллаб-қувватлаган (2.1.2-жадвалга қаранг).

Бирор бир китобнинг ўқувчилар орасида оммалашуви – китобхонлар ўртасидаги ўзаро фаол мулоқот натижасидир. Ён атрофдагиларнинг китобга кучли мотивни ҳосил қилиши унинг кенг оммалашувиغا олиб келади. Ёшликка хос конформизм(лот.ўхшаш, мувофиқ - мавжуд тартибга, ғоя ва фикрларга мослашиш) урфнинг таъсирини кучайтиради. Урфга айланган воқеликнинг ижобий ва салбий жиҳатини фарқлаш лозим. Ёшлар орасида

юксак бадий савияда ёзилган асарларнинг оммалашуви ўз-ўзидан кишини қувонтиради. Бироқ “осмондан тушгандек” урфга айланган асарлар ҳақида ўқувчилар билан жиддий суҳбат ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Китобхон ўқувчини шакллантиришга фан ўқитувчилари ҳам самарали таъсир кўрсатиши лозим. Бироқ синалувчиларнинг атиги 6 фоизи уларнинг кўрсатмалари асосида китоб танлашини маълум қилган (2.1.2-жадвалга қаранг). Сабаби шундаки, ўқитувчининг китоблар ҳақида маълумотга эгалик даражасининг пастлиги, китоблар воситасида ўқувчиларнинг дунёқарашини шакллантиришга етарлича эътибор қаратмаслиги унинг асосий ахборот манбаи бўлмаслигига олиб келган бўлиши мумкин. Китоб танлаш бўйича тавсиялар ўқитилаётган фан билан тўғридан тўғри алоқадорлик касб этиб, ўқувчиларда мутолаа маданиятини ривожлантиришга барча фан ўқитувчиларининг интегратив ёндашуви йўқлигини кўрсатади.

Кутубхоначини ҳам китобхон-ўқувчини ривожлантиришдаги ролининг пастлиги сабабли у ҳам фан ўқитувчилари сингари сўнгги ўринни эгаллаган. Бу эса, академик лицей ўқувчиларининг кўпчилиги кутубхоначи билан доимий алоқада эмаслигини кўрсатади, яъни улар кутубхонага кирмайди, унга китоб танлаш масаласида ёрдам сўраб мурожаат қилмайди. Бошқа томондан эса, кўпчилик кутубхоначиларнинг ўқувчиларда мутолаа маданиятининг ривожланганлиги ҳақида нотўғри фикрга эгаликлари ва уларга эътиборсиз муносабатда бўлишлари 2.1.2-жадвалда кўрсатилган натижага олиб келган.

Ахборотнинг аудиовизуал воситалари имкониятларини уйғунлаштириш, телевидение ва кино бутун мамлакат аҳолиси ўртасида китобларни тарғиб қилишда катта имконият беради. Телевидение китоб танлашда катта имкониятларга эга: бу махсус телеэшиттиришлар, реклама роликлари ва адабий ўйинлар ва бошқалар. Бироқ тадқиқот жараёнида биз сўнгги вақтларда телевидениенинги ўқувчиларнинг мутолаа маданиятини ривожлантиришдаги ўрнининг камайганлигига гувоҳ бўлдик (2.1.2-жадвалга қаранг). Лекин киномотографиянинг таъсири мавжудлигини кўриш мумкин.

Агар бадий асар экран юзини кўрганидан сўнг 2016 йилда бирорта синалувчи асарнинг ўзини ўқишга мурожаат қилмаган бўлса, 2017 йилда 24 фоиз ўқувчи фильмни кўрганидан сўнг китобни ўқиганлигини тасдиқлаган. Бу ерда иккита омилнинг таъсири мавжуд: кинофильмнинг оммалашганлиги ва бирламчи манба билан таққослаш истагининг шахсий идрок этилиши. Одатда, ўқувчилар агар кинофильм уларда ижобий таассурот қолдирган бўлса, ёки унинг маълум бир қисми асосида фильм ишланган бўлса, асарнинг ўзини топиб ўқишга ҳаракат қилишади.

Ўқувчиларнинг кўпчилиги ҳеч қандай ёрдамсиз китобни мустақил танлаб ўқишини маълум қилган (2016 йилда – 66 %, 2019 йилда – 54 %). “Академик лицей” ва “ўзи” учун китоб ўқиш – икки мустақил соҳа. Агар “ўзи учун” ўқиш ҳақида гап борса, ўқиладиган китоблар таркиби дарҳол ўзгаради, яъни ўқувчилар кўпроқ бадий савияси юқори бўлмаган китобларга мурожаат қилишади. Бундай юқори кўрсаткичнинг ана шу сингари хавфини ҳам инкор қилиб бўлмайди. Ўспирин ёшидаги ўғил ва қиз болалар ҳали китобларни мустақил танлашга тўлиқ лаёқатли эмас, уларни кўпроқ китобнинг ёрқин муқоваси, “ажойиб” номга эгаллиги, муаллифнинг машҳурлиги ўзига жалб этади, шунингдек, камроқ даражада тасодифий танлаш ҳолатлари ҳам учрайди. Бу ҳолатда танланган китобнинг бадий қиммати улар учун алоҳида аҳамият касб этмайди.

Уйда ўқувчининг шахсий кутубхонасининг мавжудлиги мутолаа маданиятини ривожлантиришда муҳим ўрин тутди. Ана шу сабабли биз анкета сўровидан ўқувчилардан уйдаги кутубхонаси ҳақида қисқача маълумот беришни сўраган эдик. Ўқувчиларнинг жавоблари уйда катталарнинг мақсадга мувофиқ равишда китобларни тўпламаслиги болаларнинг мутолаа маданиятига салбий таъсир кўрсатиши ҳақидаги бизнинг фикримизни тасдиқлади. Асосан, ўқувчилар китобларнинг сони, уларнинг номларини санаш билан чекланишган. Ўқувчиларнинг жуда кам қисми қандайдир асосларга кўра ўзининг кутубхонасидаги адабиётларни таснифлашга ҳаракат қилишган. Шунингдек, ушбу саволга жавоблардан

ўқувчиларни кўпчилигининг шахсий ва оилавий кутубхонаси йўқлиги маълум бўлди.

Мазкур муаммо доирасида изланишлар олиб борган тадқиқотчилар ўқувчиларнинг китоб ўқиш маданиятига самарали таъсир этувчи ижтимоий-педагогик омилларга оила, кўча, оммавий ахборот воситалари, таълим муассасалари ва академик лицейдан ташқари турли тадбирлар, дўстлари ва тенгдошларини киритишади.

Мутахассислар боланинг ривожланишига, унда китобга қизиқишни шакллантиришга таъсир этувчи омилларни ташқи ва ички деб ажратади.

Ташқи омилларга жамият ва ижтимоий институтлар (академик лицей, кутубхона, дам олиш масканлари) киради.

Ички омиллар бола шахсининг индивидуал хусусиятларидан келиб чиқиб аниқлаштирилади. Боланинг ёш хусусиятлари, қизиқишлари, қобилиятлари, эҳтиёжлари китоб ўқишга қизиқишининг шаклланиш шарт-шароитлари сифатида кўринади.

Олима С.А.Чиниева ўспиринларнинг китобхон бўлиб ўлғайиши оиласининг ўқимишлилик даражасига боғлиқ деб кўрсатади. Унинг фикрича, “Бола китоб ўқишни билган тақдирдагина, китоб уларнинг маънавий ҳаётида муҳим роль уйнайди. Бунинг учун эса китоб боланинг маънавий бойиши учун уни маънавий, ақлий, эстетик ўсишга йўллаши зарур. Бунинг учун дастлабки туртки оилада болага ўқиб берилган биринчи китоб бўлса, иккинчиси бола отаси ва онасининг ўқишини эшитиб, бадиий образлар гўзаллигини ҳис этишидир” [111, 9-б.].

Боланинг китобхон бўлиб ўлғайишида оиланинг, ота-онанинг ўрни беқиёс эканлигини буюк алломаларимиздан бошлаб то бугунги тадқиқотчиларимизгача – барчаси исботлаб берган.

Масалан, олима Б.И.Ганиева болада ўқиш маданиятини тарбиялашда оиланинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат, деб кўрсатади:

1. Ўз фарзандларида барча ахборот манбаларига бўлган қизиқишни уйғотиш.

2. Мавзу жихатидан ранг-баранг, турли-туман манбаларга бой бўлган шахсий оилавий кутубхона ташкил этиш.

3. Оила аъзоларининг ёшига, кизиқишларига, интеллектуал салоҳиятига мос адабиётни танлаб ўқишни ўргатиш.

4. Ўз фарзандларини китоблардан фойдаланиш қоидалари билан таништириб бориш ва бу орқали болалар ўқишини тўғри ташкил этиш, уларнинг бўш вақтларини тақсимлашда фаолликларини ошириш[32, 26-б.].

Оиланинг бола тарбиясидаги ўрнининг ниҳоятда муҳим эканлигини ҳисобга олсак, ҳар бир оилада **шахсий кутубхонанинг** бўлиши мақсадга мувофиқдир. Кичкина бўлса ҳам, китоблар йиғилган жавон ёки шкаф бўлиши, боланинг жуда ёшлигидан китобга қадриятли муносабатди бўлишини тарбиялайди. Чунки китобхонлик биргина китоб ўқиш билангина белгиланмайди. Китобхонлик китоб харид қилиш, уни сақлаш ва китоб билан муомалада юксак маданиятлилик намунасини кўрсатиш кабиларни ҳам ўз ичига оладиган кенг тушунчадир. Улар орасида китобни сақлай билиш, уни “даъволаб”, умрини узайтириш, оқилона фойдалана олиш каби қирралари алоҳида аҳамият касб этади. Китобни ўқиб бўлгандан, уни жойига қўйиш, вақти-вақти билан чангини артиш, тозалаб туриш – бу болаларнинг оиладаги муҳим вазифаси сифатида юклатилиши керак.

Ўқувчиларда китобхонликни ривожланишига таъсир этувчи яна бир муҳим омил – таълим муассасаларидаги кутубхоналардир. Тадқиқот давомида кутубхонанинг болаларни китобхон сифатида тарбиялашдаги имкониятлари хусусида бир қатор кутубхонашунос олимларнинг қарашларини ўргандик. Жумладан, Б.И.Ганиева “кутубхона мустақил равишда китоб танлашни, шу китобдан билим олиш йўлларини, ўқилган нарсалар ҳақида фикр юритишни ва унга танқидий қарашни, шу билан барча китобларни тартибли равишда ўқишни ўргатади” [32, 28-б.], деган ҳақли хулосага келган.

Ўқувчиларда мутолаа маданиятини ривожлантиришга таъсир этувчи омиллардан бири турли маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этишдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Буюк алломалар, адиб ва мутафаккирларимиз ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида ёшлар ўртасида китобхонлик танловларини ташкил этиш тўғрисида”ги 2018 йил 12 майдаги ПҚ-3721-сон Қарори[4] мамлакатимизда китобхонлик ва мутолаа маданияти ривожига катта ижобий таъсир кўрсатди.

Оммавий кутубхоналик ўқишини тиклаш мақсадида “Ёш китобхонлар” республика танловини, академик лицейларда “Дунёдаги ҳамма нарса ҳақида китоблар”, “Афсонавий калейдоскоп”, “Адабий меҳмонхона”, “Ахборот куни”, “Биз сизнинг болалигингизни китоблар билан иситишингизни хоҳлаймиз”, “Севимли китоб”, “Энг кўп ўқийдиган синф”, “Энг кўп ўқийдиган оила”, “Адабиётга эътибор – маънавиятга эътибор”, “Мен севиб ўқиган китоб”, “Энг яхши китобхон” танловларини ўтказиш ўзининг яхши самарасини бермоқда.

Тадқиқот доирасида академик лицей ўқувчиларида мутолаа маданиятини ривожлантиришнинг гендер хусусиятларини ўрганишга ҳам эътибор қаратилди.

“Гендер” атамаси 1968 йилда америкалик психолог олим Столлер томонидан илмий истеъмолга киритилган бўлиб, “жинс” маъносини билдиради. Жинсий муносабатлар илгари ҳам психологияда фаол ўрганилган бўлса-да, янги атаманинг пайдо бўлиши ижтимоий фанларда янги оқимларни юзага келтирди. “Гендер тарихи”, “Гендер психологияси”, “Фалсафанинг гендер томонлари”, “Гендер антропологияси”, “Гендер социологияси”, кейинчалик эса “Гендер педагогикаси” каби фан тармоқлари шаклланди. “Гендер” тушунчаси, аввало, эркак ва аёл, ўғил ва қиз болалар муносабатларининг ижтимоий-психологик ҳамда педагогик томонларини қамраб олади. Мазкур тушунча янги ижтимоий қарашлар ва маданиятга боғлиқдир[33].

Адабиётларда гендер тушунчасининг бир неча хил талқини мавжуд. Жумладан, файласуфлар уни қуйидагича тавсифлайдилар: “Гендер” инглизча сўз бўлиб, жинсга мансубликнинг ижтимоий жиҳатлари маъносини

англатади... Бу тушунча эркеклар ва аёллар ўртасида нафақат биологик фарқни, балки жамиятнинг жинсий тақсимотида ижтимоий ва маданий жиҳатларнинг бутун мажмуини ҳисобга олади. Эркеклар ва аёлларга тегишли ижтимоий боғлиқлик, хулқ-атвор, кутилган натижаларни ифодалайди” [102]. Социологлар эса, гендер тушунчасига қуйидагича ёндашадилар: “Гендер” ижтимоий, биологик ҳолат бўлиб, эркек ва аёлнинг жинсий муносабатлари мажмуаси ҳисобланади”[109]. Психологлар ҳам гендер тушунчасига ўзига хос тарзда ёндашганлар: “Психиканинг гендер асослари жинс ва у билан боғлиқ ижтимоий стереотиплар, шахснинг психологик кўринишидир”[104]. Олимлар орасида бу хусусиятларнинг қайси бири туғма, қайси бири эса таълим ва тарбия жараёнида шакллангани тўғрисида кескин мунозаралар бормоқда. Ўғил ва қиз болаларнинг турли халқ маданиятида ҳар хил тарбияланиши туфайли, улар мактабга келган даврдан бошлаб жинсларнинг психологик фарқлари маълум бўлади. Бу фарқлар орасида психологлар (А.Е.Тарас, 2002) қизлар ўғил болалардан математик ва визуал қобилиятлари билан устунроқ деб таъкидлашади. Ўғил болаларда қизларга қараганда ўзига ишонч ҳисси кучлироқдир. Қиз болалар бир хилликка асосланган қизиқарсиз фаолиятни енгилроқ қабул қилишади. Ўзгарувчан муҳитга тез мослашишади. Ўғил болалар ҳар бир ҳолатни умумий тарзда баҳолашса, қизлар яхшилаб текшириб, ўрганиб, кейин унга баҳо беришади”. Педагогик маънода гендер – ўғил ва қиз болаларнинг мураккаб таълимий социомаданий бирлиги бўлиб, уларнинг хатти-ҳаракати, менталитети ва эмоционал хусусиятлари, ўқув фаолиятидаги ўзаро ўхшаш ва фарқли жиҳатларини ўз ичига олади[81].

Миллий педагогикамизда китобхонликнинг гендер фарқлари масаласига XXI аср бошларида алоҳида эътибор қаратила бошланди.

Шу билан бирга, кўплаб хорижий олимларнинг тадқиқотларида турли жинс вакиллари ҳисобланган китобхонларнинг хулқ-атвор ва дидининг ўзига хосликларини ўрганишга хилма-хил ёндашувлар кўзга ташланади. Жумладан, қиз болалар ўғил болаларга қараганда китобларга мунтазам муурожаат қилади, мутолаага кўп вақт ажратишади. Ж.Гэлланинг қатор

Европа мамлакатларида ўтказган тадқиқотлари шуни кўрсатадики, аёллар эркекларга караганда фаол китобхонлик билан ажралиб туради. Француз тадқиқотчиларнинг маълумотлари бўйича бир йилда бир марта китоб ўқийдиганлар орасида ҳам аёллар етакчилик қилган. Немис олимлари аёлларнинг адабиётга эҳтиёжи юқори эканлигини, эркекларга нисбатан бир ярим баробар кўпроқ ўқиш истагини билдиришини таъкидлаб ўтишган. Улар китобларни фақат совға сифатида сотиб олишни хоҳлашади[29, 31-б.].

Социолог И.А.Бутенко ўзининг “XX аср сўнггида китобхонлар ва ўқиш: социологик жиҳатлар” деб номланган монографиясида нашриётлар фаолияти ва кутубхона ишидаги асосий тенденцияларни тадқиқ этиб, гендер фарқларига кўра, замонавий китобхоннинг ижтимоий-психологик қиёфасини аниқлаштирди. “Умумпсихологик тавсифга эга муҳим статистик маълумотлар аёллар ва эркекларнинг мутолаа ва китобхонлик фаолиятининг ўзига хосликларини ажратиб кўрсатиш имконини беради” [29, 33-б.]. Тадқиқотчи эркеклар ва аёлларнинг мутолаа хусусиятини тадқиқ этиб қуйидаги хулосага келган: китобга мурожаатнинг асосий сабаблари – иш ва ҳордиқ чиқариш. Шунинг учун иш билан боғлиқ мотивлар эркекларга яқин, аёллар кўпинча китобни дам олиш учун ўқишади. “Аёллар учун гедонистик (қадимги юнонча сўз “хурсандчилик”, “завқланиш”) интилиш, эркеклар учун эса прагматиклик (прагматик, прагма – иш, ҳаракат) хосдир” [29, 34-б.].

Шу билан боғлиқликда тадқиқотчи қизиқиш ва ишбоп мотивларнинг нисбати асосида А.С.Павлова томонидан ишлаб чиқилган мутолаа типологиясига эътибор қаратган [75]. Яъни рационал-аёл типи учун баъзан ишга боғлиқ мотивлар билан уйғунликда тарихий асарлар, санъат, шеърят, мумтоз адабиёт, тилшунослик, адабиётшуносликка доир китобларга қизиқиш кучли. Рационал-эркак типи барча адабий-бадий жанрларга муносабатда ишбоп мотивлар асосида ёндашиши билан ажралиб туради, мавзу йўналишига қизиқиш кўрсаткичи ўртачадан паст.

Ўқувчиларнинг мутолаага қизиқишларида гендер-ролли тафовут очик намоён бўлмасда, бироқ тадқиқот жараёнида ўғил ва қиз болалар мутолаа

киладиган китоблар мавзу доирасига кўра бир-биридан фарқ қилиши кузатилди.

Асар мавзуси бўйича қизларда ишқий романлар етакчилик қилади. Бизнинг фикримизча, қизларнинг муҳаббат тарихи ҳақида ўқишга кўпроқ хиёнат, эмоционаллик ва қаҳрамонларнинг шафқатсизлиги, уларнинг эркаклар билан муносабатидаги фожеавий сир-асрорлар, бироқ энг асосийси асар ниҳоясида ҳаётдан яхшилик изловчи, садоқатли, адолатпарвар қаҳрамон голиб бўлиши ва ўз бахтини топиши масаласи қизиқиш уйғотади.

Ўспирин ёшидаги ўғил ва қиз болаларнинг мутолаа йўналиши бўйича гендер хусусиятларининг намоён бўлиши 2.1.3-жадвалда келтириб ўтилган.

2.1.3-жадвал

Ўғил ва қиз болаларнинг мутолаа йўналишлари (фоиз ҳисобида)

№	Мавзу йўналиши	Қиз болалар		Ўғил болалар	
		1 курс	2 курс	1 курс	2 курс
1.	Замонавий	29	35	21	19
2.	Тарихий	23	15	40	36
3.	Иккинчи жаҳон уруши ҳақида	-	2	14	13
4.	Илмий-оммабоп	11	18	25	22
5.	Фантастик	23	14	38	31
6.	Детектив	17	30	14	33
7.	Саргузашт	42	29	47	30
8.	“Кўрқинчли”	34	30	19	36
9.	Шеърят	13	8	7	8
10.	Эртак	19	5	9	5
11.	Севги-муҳаббат	30	42	3	2
12.	Энциклопедик	28	41	27	38

Ишқий романларга мурожаат қилиш ва алоҳида қизиқиш билан қараш ёшга ҳам боғлиқ. Ўспиринлик бошқа жинс вакилига жиддий муносабат ва хис-туйғуларнинг юзага келиш давридир. Романларда тасвирланадиган муҳаббатнинг ишқий-саргузаштли жиҳатлари қиз болаларни қандай тарзда ёқимли бўлишга ҳаракат қилиш, эркак ва аёллар ўртасидаги муносабатларни билиш воситаси сифатида ўзига жалб этади. Тадқиқот жараёнида севги-муҳаббат мавзусига доир китобларни академик лицей 1 курс қизларининг 30 фоизи, 2 курсларнинг 42 фоизи ўқиш истагини билдиришди.

Ишқий романлар билан бирга қизлар ўртасида замонавий ҳаёт билан боғлиқ асарларни ўқиш ҳам оммалашган (1 курсларда – 29 %, 2 курсларда – 35 %). Ўспирин ёшдаги ўғил болалар замонавий ҳаёт акс этган асарларни кам ўқишади, курсдан курсга ўтганда ҳам алоҳида ўзгариш сезилмайди. Қиз болаларнинг замонавийлик билан боғлиқ асарларни ўқишга интилиши ўғил болаларга қараганда даврга хос интуитив муаммолардан хайратланиши, кишилар ўртасидаги шахсий муносабатларга мисоллар ва жавоблар топишга ҳаракат қилиши билан боғлиқ. “Яқин” ўтмишга эътибор қаратиш бугунги куннинг кўплаб муаммоларининг илдизини топишга ёрдам беради. Айнан бу ўғил болаларга кўпроқ қизиқ, буни эса, улар қиз болаларга қараганда тезроқ улғайиши билан боғлаб тушунтириш мумкин.

Ўғил болаларда тарихий мавзудаги китобларни ўқиш биринчи ўринни эгаллади: 1 курсда – 40 %, 2 курсда – 36 %. Мазкур натижа ёш улғайиши билан бундай асарларга нисбатан қизиқиш пасайиб боришини кўрсатади. Иккинчи ўринда эса, саргузашт адабиётлар туради, учинчи позицияни “қўрқинчли” асарлар ва маълумотномалар эгаллади.

Ўспирин ёшдаги ўғил ва қиз болаларнинг сеvimли муаллифлари ва асарларини таққослаш орқали ҳам уларнинг мутолаа йўналишлари ҳақида маълум бир хулосаларга келиш мумкин. Ўғил болалар орасида мустақил ўқиладиган асарлар сифатида Ж.Лондон, Эрнест Хемингуэй, Жоанна Роулинг, Чингиз Айтматов, Пиримкул Қодиров, Тоҳир Малик, Нуриддин Исмоилов, Олимжон Ҳайитларнинг китоблари кенг оммалашган. Қиз болалар эса, Абдулла Қодирий, Тоҳир Малик, Ўткир Ҳошимов, Азамат Қоржовов, Набижон Ҳошимов, Олимжон Ҳайит, Нуриддин Исмоиловларнинг асарларини кўп ўқишлари маълум бўлди (2.1.4-жадвалга қarang).

**Ўқувчилар томонидан мустақил равишда асарлари кўп ўқиладиган
муаллифлар рўйхати**

Ўғил болалар	Қиз болалар
Ж.Лондон, Эрнест Хемингуэй, Жоанна Роулинг, Чингиз Айтматов, Пиримқул Қодиров, Тоҳир Малик, Нуриддин Исмоилов, Олимжон Ҳайит	Абдулла Қодирий, Тоҳир Малик, Ўткир Ҳошимов, Азамат Қоржовов, Набижон Ҳошимов, Олимжон Ҳайит Нуриддин Исмоилов

Шуниси ажабланарлики, ўқувчиларнинг бадиий асарлар мутолаасига йўналганлигининг табақалашув механизмларидан бири асардаги бош қаҳрамоннинг жинсий мансублиги эканлигига гувоҳ бўлинди. Ўғил болалар санаб ўтган асарларнинг барчасида асосий қаҳрамон – эркак киши, қизлар қайд этиб ўтган асарларнинг аксариятида марказий ўринда аёл образи гавдаланган.

Асарлар ва муаллифлар рўйхатини таққослаш олинган маълумотларнинг алоҳида психологик таҳлил йўналишини ҳам белгилаш имконини беради. Агар бадиий асарлар уларда ижтимоий-психологик хулқ-атвор моделларининг намоён бўлиши нуктаи назаридан кўриб чиқилса, қайд этиб ўтилган асарлар ўспирин ёшдаги ўғил ва қиз болаларнинг маълум бир турдаги ижтимоийлашув даражасини акс эттириши мумкинлиги ойдинлашади.

Ўғил болалар томонидан танланган асарларда уч асосий хулқ-атвор моделини кўриш мумкин:

- маълум бир вазиятда юзага келган ҳолатлардан фаол фойдаланишга йўналтирилган хулқ-атвор тури билан боғлиқ авантюра, саргузашт романлардаги анъаналарга асосланган модел;

- иккинчи модел душманларга мардонавор қарши туриш, масъулиятлилик, кадриятларни сақлаб қолиш, ожизларни ҳимоя қилишга йўналтирилган;

- учинчи модел аёлларга олийжаноб инсон сифатида муносабатда бўлиш билан боғлиқ.

Ўғил болалардан фарқли равишда моҳиятан битта модел – хотин-қизлар идеал меъёрларга риоя қилиш орқали эркакларда ўзига нисбатан муҳаббатни пайдо қилишида намоён бўладиган хулқ-атворнинг феминистик тури. Қизлар томонидан кўрсатилган кўпчилик асарларнинг бош қаҳрамони сифатида идеаллашган севги объекти ва ҳақиқий эркакка хос жиҳатларни намоён қиладиган персонажлар акс этади. Шунингдек, қизларда жамиятда катта обрўга эга бўлиш, касбий ютуқларга эришиш ва жозибадорликка интилиш ҳам яққол намоён бўлади.

Ўспирин ёшдаги ўғил ва қиз болаларнинг у ёки бу асарни афзал деб билишида намоён бўладиган мазкур фарқларни бадиий идрокнинг ўзига хосликлари нуқтаи назаридан кўриб чиқсак, гендер фарқнинг мавжудлиги шахсий-бадиий идрок этиш даражасининг пастлиги билан боғлиқлиги ҳақида хулоса қилиш имконини беради. Агар китобхоннинг адабий асарнинг ўзига хосликларини бадиий идрок этиш даражаси юқори бўлса, гендер тафовут аҳамиятли роль ўйнамайди. Асарни бадиий идрок этолмаслик уни ҳаётий далил сифатида маиший даражада қабул қилинишига олиб келади. Айнан санъатни “содда-реалистик” идрок этиш ўқувчиларнинг мутолаа маданиятини ривожлантиришда гендер тафовутнинг сақланиб қолишига олиб келади. Ўғил болаларда қизларга қараганда мазкур тамойил катта роль ўйнайди.

Қиз болалар кўпроқ академик лицей дастуридаги асарларни қайд этиб ўтганлигига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бу эса, уларнинг бадиий китобларга қизиқиши кўпроқ адабиёт дарсларида ўрганилган асарлар доирасидан келиб чиқишини кўрсатади.

Адабиёт дарсларида ўрганилган асарлар билан чекланиш нафақат қизларда, балки ўғил болаларда ҳам учраши уларда шахсий йўналганликнинг шаклланмаганлигини кўрсатади. “Ҳимоя реакцияси” сифатида академик лицей адабиёт дастуридаги асарларнинг номларини санаб ўтиш билан чекланиш индивидуал танловдан ўзини олиб қочиш, деб айтиш мумкин. Бу билан

боғлиқликда шуни алоҳида қайд этиб ўтиш лозимки, адабиёт дастурларига киритилган бадиий асарлар ўғил ва қиз болалар ўртасида тенг ўринни эгаллайди.

Мутолаа маданиятининг ривожланганлик даражаси кўп жиҳатдан китоб танлаш, яхлитликда ўқиш мотивларига боғлиқ. Биз шунга амин бўлдикки, ўғил ва қиз болаларда ҳам баҳо олиш ҳамда хордиқ чиқариш учун китоб ўқиш мотивлари етакчи ўрин тутди (баҳо олиш учун – 54%, дам олиш ва хордиқ чиқариш учун – 51 %).

Шундай қилиб, мутолаа маданиятини ривожлантиришнинг гендер тафовутларини ўрганиш уларнинг мустақил ўқишига раҳбарлик қилишда ўқувчи шахсига йўналтирилган ёндашувни қўллаш, қиз ва ўғил болалар учун алоҳида китоблар рўйхатини тузиш имконини беради. Бундай ёндашув уларнинг ҳар бирининг эҳтиёжларини қондириш, мутолаа маданиятини ривожлантириш ва китобхонлик йўналишини коррекциялашнинг самарали методларини танлаб олишга ёрдам беради.

2.2-§. Адабий таълим жараёнида ўқувчиларда мутолаа маданиятини ривожлантиришнинг педагогик тизими

Мутолаа маданиятини ривожлантириш жараёни китобхон-ўқувчида фанга доир билимларни ўзлаштириш ва қўллаш, уларни ўзлаштиришнинг янги шакллари эгаллаш, шунингдек, китобхонлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишга йўналтирилган фаолликни таркиб топтиришни талаб этади. Ана шундан келиб чиққан ҳолда шундай хулосага келиш мумкинки, ўқувчиларнинг мутолаа маданиятини ривожлантиришнинг етакчи мақсади ва таркибий асоси сифатида махсус ташкил этилган китобхонлик фаолиятини ривожлантириш, асарни идрок этиш ва тушунишга ўргатиш ташкил этади. Шундан келиб чиқиб, ўқувчиларнинг мутолаа маданиятини ривожлантириш мазмуни ва асосий компонентларини; китобхонлик фаолиятининг турларини; ўқилган асарларнинг идрок этишнинг ўзига хосликларини аниқлаштириш мақсадга мувофиқ.

Методист-олимлар исталган маданият турининг тўрт умумий элементини ажратиб кўрсатишади: 1) билимлар захирасига эгалик;

2) фаолиятнинг маълум усулларини амалга ошириш тажрибаси; 3) янги муаммоларни ҳал этиш бўйича ижодий фаолият тажрибаси; 4) ахлоқий-эстетик, ҳиссий-эмоционал тарбияланганлик тизими[51].

И.С.Збарский мутолаа маданиятини “билим, кўникма ва ҳис-туйғулар йиғиндиси” сифатида талқин қилиб, унда уч ўзаро биргаликда ҳаракатланувчи компонент мавжудлигини аниқлаштирган:

1) китобхонлик онги, адабий эрудиция даражаси ўзида бадиий асарлар билан амалий танишиш, адабиёт назарияси ва тарихи бўйича зарур билимлар доирасини эгаллаш, асарлар ва уларнинг жанр хусусиятларини таҳлил қилиш мантиғини ўзлаштириш;

2) китобхонлик туйғуси ўз ичига аниқ бир асарни идрок этишга қобилиятлилик, эстетик дид, яъни маълум мезонлар асосида санъат асарларини баҳолаш қобилияти ва шахсда бадиий-эстетик идеалларнинг мавжудлигини қамраб олади;

3) китобхонликка хос хулқ-атворга эгалик мустақил ўқиш соҳасида билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш даражасида мутолаа маданияти ва инсоннинг амалий фаолиятининг (адабиёт танлаш, унинг устида ишлаш, китобларни тарғиб қилиш) мавжудлиги ва ривожланганлик даражасини белгилаб беради[38].

Тадқиқотчи олим фикр-мулоҳазаларидан келиб чиқиб ўқувчида мутолаа маданиятини ривожлантиришда асосий компонент сифатида, аввало китобхонлик онгини ривожлантириш орқали бадиий асарлар билан амалий танишиш, адабиётшунослик, адабиёт назарияси ва тарихи бўйича зарур билимлар доирасини эгаллаш қобилиятларини, бадиий асарнинг жанр хусусиятларини таҳлил қилиш мантиғини ўзлаштириш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Н.Я.Мещеряков ва Л.Я.Гришин идеал китобхоннинг “психологик портрети”ни ўрганиб, китобхонликка хос сифатларга қуйидагиларни

киритган: тасаввурнинг ривожланганлиги, эмоционал экспрессивлик, сезгирлик ва интеллект[67].

Бадий асарни юксак даражада идрок эта оладиган идеал китобхонда тасаввур ривожланган бўлиши, эмоционал образли хотира, эмпатик қобилиятга эгалик, бадий асарнинг мазмуни билан алоқадорликда бадий шаклларнинг ёрқин ўзига хосликларини кўра олиш каби идрок даражалари бўлиши муҳим саналади.

Е.В.Карсалова ўқувчиларнинг мутолаа маданияти компонентлари сифатидаги қуйидагиларни кўрсатган: эстетик дид, (бадий ижоднинг эмоционал-образли табиатига эътиборлилик, мазмун билан алоқадорликда бадий шаклларнинг ёрқин ўзига хосликларини кўра олиш, уларнинг асар учун хос эмаслиги ва аҳамиятини тушуниш; сўз сеҳрини хис қилиш (кутилмаган вазиятларда сўзни топиб қўллай олиш, унинг аниқлиги, ифодавийлиги, образлилиги, кўп белгига эгалигини тушуниш, ўзига “таниш” сўз орқали мазмунни англай олиш қобилияти; асарнинг бадий тузилишидаги етакчи элементларни кўра олиш, уларнинг асардаги ғоявий-эстетик ролини тушуниш) [51, 8-б.]”.

“Мутолаа маданияти”нинг асосий таркибий қисми сифатида методист-олимлар М.П.Воюшина ва Е.П.Суворова ўқилган асарларни идрок этиш ва библиографик маданиятни ажратиб кўрсатишади[95, 175-б.]

Мазкур соҳада амалга оширилган изланишларга асосланиб, биз тадқиқот ишимизда ўқувчиларнинг мутолаа маданиятининг қуйидаги компонентларини аниқлаштирдик: библиографик билим ва кўникмалар; адабиёт тарихи ва назариясига доир билим ва кўникмаларнинг зарурий даражаси; нутққа доир билим ва кўникмалар; ўқишга барқарор қизиқиш ва китобхонлик мотивациясининг шаклланганлиги; китобхонлик эрудицияси, ўқимишлилик; ифодали ўқиш кўникмаларига эгалик; турли бадий асарларни идрок этишга қобилиятлилик; ўқувчиларнинг адабий-ижодий фаолияти билан боғлиқ кўникмалар.

Таянч адабий билимларнинг тарбиявий йўналтирувчи ва педагогик мослашувчан тизими ва ўқувчиларнинг ижодий фаолият тажрибасига асосланиб, ўқувчиларда мутолаа маданиятини ривожлантиришга хос назарий ва амалий нуктаи назарларни аниқлаштириш мумкин: а) академик лицейдаги адабий таълим мазмуни ва тузилмаси ижтимоий талабларга жавоб бериши ва ўқувчилар учун шахсий аҳамият касб этиши зарур; б) ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида фаол ҳамкорликни таъминлаши лозим; в) ўқувчиларнинг ўқув фани ва сўз санъати сифатида китобга, адабиётга мунтазам ҳамда барқарор кизиқишларини қўллаб-қувватлаш; ўқитиш жараёнида ўқишнинг барча турларини уйғун тарзда амалга ошириш.

“Китобхонлик фаолияти” атамаси психологлар томонидан илмий истеъмолга киритилган ва методик ишларда кенг фойдаланилади. Кўпчилик тадқиқотчилар китобхонлик фаолиятини фақат асарни идрок этишга нисбатан талқин қилишади. Адабий асарни идрок этиш – қатор образли-эмоционал, фикрий, ассоциатив (“ўзъаро боғлиқлик”), мнемоник (юн.”эслаб қолиш”) ҳаракатларни ўз ичига олувчи мураккаб ижодий фаолият. “Эстетик ривожланган ўқувчининг китобхонлик фаолияти унинг эҳтиёжлари даражаси билан боғлиқликда турли даврларда кўпроқ ёки камроқ кўринишда жадал, индивидуалликка эга мунтазам ўз-ўзини ташкиллаштирувчи жараёнлар ва жамиятнинг маданий ривожланиш ҳолатини акс эттиради” [51, 9-б.].

Китобнинг англаниши ижтимоий онгда бадий идрок этиш маданиятининг юқори даражасини қарор топтириш билан белгиланади. Бадий савиянинг пастлиги энг зўр ёзилган бадий асарлар матни ва мазмунини тўлиқ идрок эта олмаслик ва маънавий мулоқот соҳасининг деградациясига олиб келади.


Б.О.Корман қайд этиб ўтганидек, “асарни идрок этиш эстетик реаллик элементи сифатида китобхоннинг шаклланиш жараёнидир” [56, 113-б.]. У.Эконинг фикрича, “ёзувчилик – ҳамма вақт ўзининг идеал ўқувчисини ҳисобга олиб, воқеликни баён қилишдир” [118, 201-б.]. Шунинг учун ҳам реал китобхонга айланиш учун бадий компетентлилик – бадий идрок этиш

маданиятига эга бўлиш зарур. Бу ҳар бир ўқувчига ўзига хос маънавий масъулият юклайди.

Яратилган бадиий асарни идрок этиш ва унда муаллиф ғоясининг англаниши жараёни китобхон-ўқувчи шахсининг кўплаб ўзига хос хусусиятлари билан ўзаро алоқадорлиги асосида амалга ошади. Ўқувчиларни бадиий асарларни идрок этишининг ўзига хосликлари М.Мирқосимова[68], Б.Тўхлиев[99], Қ.Йўлдошев[45], Қ.Ҳусанбоева[125], Р.Ниёзметова[73], О.Мусурмонова[70], С.Камбарова[49], Ш.Хужамбердиева[110], С.П.Лавлинский [60], В.А.Коханова[57], G.Westhoff[127] кабиларнинг изланишларида ёритиб берилган.

С.Камбарова ўринли таъкидлаб ўтганидек, “Бадиий асарни идрок этиш матн мазмунини тушуниш ва англаш жараёни билан узвийликда кечади. Идрок қилиш асосида эстетик ҳис-туйғулар, бадиий тафаккур шаклланади, тасаввурлар ҳосил бўлади. Натижада ўқувчилар тафаккури воқеликка яқинлашади. Ўқувчи ўрганилаётган асар моҳиятини қанчалик тез, тўла ва аниқ идрок қилса, ақлан ва руҳан бойишига замин яратилади. Идрок қилиш йўли билан ҳосил қилинган билим, бадиий образ ёки образли умумлашмалар хотирада узоқ вақт сақланиб қолишига эришилади[49, 11-б.]


Ўқувчиларда бадиий асарларни идрок этиш малакасини шакллантириш ва ривожлантириш соҳасида амалга оширилган тадқиқотларни ўрганиш асосида биз бадиий асарларни идрок этиш тузилмасини аниқлаштирдик. Бадиий асарларни идрок этиш тузилмаси 2.2.1-расмда келтирилган.



2.2.1-расм. Ўқувчиларнинг бадиий асарларни идрок этиш жараёни тузилмаси

Адабиёт ўқитувчисининг асосий вазифаси бадиий идрокдек мураккаб фаолиятга хос сифатларни (кузатувчанлик, бадиий сўзни идрок этиш, эмоционал ва образли хотира, ижодий тасаввур, эмпатик қобилиятга эгаллик) белгилаб берувчи психик жараёнларни ривожлантиришдан иборат. Ўқувчиларнинг идрок этиш қобилиятини ривожлантириш ўқилган асарни таҳлил қилиш ва баҳолаш, унга шахсий муносабатини билдириш ва зарур тарихий-адабий, назарий-адабий билимларни ўзлаштириш жараёнида амалга ошади. Бадиий асарни тўлақонли идрок этиш қонунини ҳисобга олиш идрок этиш ва таҳлил қилиш, дастлабки идрокнинг ролини ошириш, китобхонликка муносабатда ўз-ўзини англаш эҳтиёжини шакллантиришга нисбатан анъанавий ёндашувни ўзгартиришни талаб этади. Шу билан боғлиқликда ўқувчиларнинг идрок этиш жараёнининг қуйидаги босқичларини ажратиб кўрсатиш мумкин: бирламчи (дастлабки идрок этиш босқичи), бадиий деталларни ҳаётга алоқа ва муносабатларда қайта жонлантириш (таҳлил

босқичи), кейин мутолаа жараёнида юзага келган фикр янада аниқлашган, чуқурлашган ҳолда янги даражадаги умумий нуқтаи назарга олиб келади (умумлаштириш босқичи). Ўқувчиларнинг асарни идрок этиш жараёни босқичлари 2.2.2-расмда келтириб ўтилган.



2.2.2-расм. Ўқувчиларнинг бадиий асарни идрок этиш жараёни

Бизнингча, методист-олимларнинг “асарни ўқишга қўшимча рағбат ҳосил қиладиган ва ўқувчилар онгида унинг дастлабки англанишига имкон берадиган” асарни ўрганишнинг муҳим босқичи сифатида китобхонлик таассуротларининг алмашинуви (дастлабки мутолаа жараёнидаги мулоқот) ҳақидаги таклифи ҳақиқаттан мақсадга мувофиқ.

Адабий таълим жараёнида бадиий асарларни ўқиб-ўрганиш самарадорлиги мақсад ва вазифаларни аниқлаштириш, мазкур жараён тамойиллари, шарт-шароитлари, мезонларини белгилаш, дидактик таъминотни ишлаб чиқиш, кутиладиган натижаларни ойданлаштиришни талаб этади. Ана шу сабабли тадқиқот доирасида адабий таълим жараёнида ўқувчиларда мутолаа маданиятини ривожлантиришнинг педагогик тизими ишлаб чиқилди (2.2.1-жадвалга қаранг).

2.2.1-жадвал

Адабий таълим жараёнида ўқувчиларда мутолаа маданиятини ривожлантиришнинг педагогик тизими

Мақсад: сўз санъатини бадиий идрок этиш орқали мулоқот, ўз-ўзини англашга қобилияти ва маънавий етук, мутолаа маданиятига эга китобхон-ўқувчини ривожлантириш				
Вазифалар: 1) тез ўзгарувчан шароитларда ўқувчининг муваффақиятли мослашувини таъминлашнинг самарали йўллари излаб топиш; 2) ўқувчиларнинг бадиий образларни яратиш ва талқин қилиш усуллари ҳақидаги билимларини кенгайтириш; 3) бадиий матн билан ишлаш жараёнида ўқувчиларда шахсий тасаввур ва нуктаи назарни қарор топтириш учун зарур методик шарт-шароит яратиш; 4) ўқувчиларнинг билиш фаоллигини рағбатлантириш.				
Тамойиллари				
Диалогик муносабатлар маданиятининг ривожланганлиги	Китобхон-ўқувчи шахсига йўналганлик	Бадиий асарни идрок этиш ва тушунишга лаёқатлилиқ	Таълимнинг коммуникатив ва фаолиятга йўналтирилганлиги	
Шарт-шароит				
Муаллиф – матн – китобхон учлигида кўпдаражали диалогни ташкил этиш	Ўқиш орқали ўз-ўзини намоён этишга ички эҳтиёжни қарор топтириш	Лексик таҳлилни визуал элементлар билан уйғун қўллаш орқали фойдаланиш	Ўқувчиларда мустақил лойиҳвий фаолиятга мотивацияни шакллантириш	
Мезонлари				
Билиш фаоллиги	Фанни “чуқур” ўрганиш	Билимларнинг тизимга солинганлиги	Ўқувчиларнинг дарсга эмоционал муносабати	Ижодий фаолиятни амалга оширишга интилиш
Дидактик таъминот				
Таълимнинг вербал (суҳбат, таҳлил ва ҳ.к.) ва визуал (визуаллашган моделлар ва чизмалар) вариантларини қўллаш	Адабиёт дарсларида индивидуал ва гуруҳларда ишлаш технологияси		Ижодий ва лойиҳавий топшириқлар тизими, бадиий асар матнлари билан ишлаш, иллюстратив материаллар	
Натижалар				
1) фикрлаш жараёнлари фаоллашади ҳамда аналитик қобилият ривожланади; 2) матнни идрок этишнинг барча босқичларида ўқиш ва тушуниш сифати ошади; 3) умумлаштириш, шахсий нуктаи назарни англаш ва асослаш, ўқув ахборотини индивидуал идрок этиш ва қайта ишлаш малакалари ривожланади; 4) қўйилган вазифаларни бажаришда изланишга доир фаолият даражаси кенгайди, мустақиллик ривожланади; ўқувчиларнинг билишга қизиқиши, эмоционал ривожланиш соҳаси, бадиий-ижодий қобилиятлари ортади.				

Педагогик тизимни самарали татбиқ этишда адабий таълим жараёнининг тил таълими билан интеграциялаш асосида қуйидаги жиҳатларни ҳисобга олиш лозимлиги аниқланди:

- бадиий асардаги матн ўқилиб, дастлабки савол-жавоблардан сўнг мужассам топшириқлар бажарилиши, шунингдек, қайта ҳикоя қилишга ўтилган дарслар натижасида нутқ ўстиришнинг қайси жиҳатлари таъминланиши;

- матн ўқилиб, нотаниш сўзлар тушунтирилгач, матн мазмуни қайта ҳикоя қилдирилган дарслар натижасида ёзма ва оғзаки нутқ ўстиришнинг қайси жиҳатлари таъминланишини.

Мутолаа асосида ўқувчилар нутқини ўстириш бўйича олиб борилган тажриба-синов ишларида ифодали ва тез ўқиш, асар матни устида ишлаш яхши самара беради. Сўз ва сўз шакллари грамматик воситалар талаффузи ва имлосини ўзлаштириш ўқувчининг сўз бойлигини оширишга ва бу бойликни фаоллаштиришга, гап тузиш, матн яратиш малакасини ривожлантиришга қаратилади.

Маълумки, бадиий асарларни идрок этиш ундаги образлар тизимини англаш ва қабул қилишга бориб тақалади. Мутолаа жараёнини ташкил этишда тренинглари, семинарлар муҳим аҳамиятга эга. Бунда ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлиги ҳал қилувчи омилдир. Ана шу омил ишга тўлиқ тушсагина, ўқувчи шахсида ғоявий, ахлоқий-маънавий, эстетик ривожланиш содир бўлади.

Бадиий асар ўқиш ҳақидаги ўз талқинларини давом эттириб, олим ижодий ўқишга алоҳида урғу беради. Бундан ташқари ифодали ва шарҳли ўқиш, ўқитувчи ва ўқувчининг сўзи, ўқувчилар билан суҳбат, бадиий асар ва ҳаётий кузатишлар асосида топшириқларни муҳокама қилиш, савол ва режалар тузиш мутолаа маданиятини ташхислашда асосий омилдир. Ижодий ўқиш методи адабиёт фани учун янгилик эмас. Адабиёт дарсларида ижодий ўқишга, ифодали ўқишга, пьесалардан айрим сахналарни актёрларнинг ўқишига тез-тез мурожаат этиб турилади. Янгилиги, ўқувчиларни ифодали

ўқишга ўргатиш, ўқитувчининг бадиий матнни шарҳлаб ўргатиши (изоҳли ўқиш) ҳамда уларнинг асарнинг чуқурроқ эмоционал идрок этишини таъминлаши назарда тутилади

Методист олима М.Мирқосимова кўрсатиб ўтганидай: ”Адабий таҳлил шеър ёки насрий асарни ифодали ўқишдан бошланади. Ўқиш давомида ижодкор яратган тафаккур тизими англанади, ўзлаштирилади, муҳокама қилинади, китобхон кўз ўнгида яратилган поэтик манзарани яратишда шоир ёки ёзувчи қўллаган тасвирий воситаларга сиртдан аҳамият берилмайди, асосий эътибор ўқиш жараёнида мазмунга, образнинг ички маъноларига жалб этилади. Аммо таҳлил жараёнида ана шу маъноларни ифода этишга сафарбар қилинган барча воситалар ўрганилади[68, 18-б.].

Бадиий асарнинг синфда таъсирчан қилиб бадиий ўқилиши ўқувчиларни ҳеч қачон лоқайд қолдирмаслиги, уларнинг руҳиятига кириб бориб, ижобий таассурот ҳосил қилиши, бу эса асарга қизиқиш кучайтириши кўплаб тажрибалар билан далилланган. Хусусан, синфда бадиий ифода билан ўқилган асарлар ўқувчилар эътиборини ўзига тортишдан ташқари, санъаткорлик билан ўқиётган устозга эҳтиром ҳиссини тарбиялайди, уларнинг ҳар бирида асарни худди шундай ўқишга ҳавас уйғотади.

Методист олима Р.Ниёзметова ўқувчиларга ўқитувчи берадиган изоҳ ва шарҳлар ҳақида гапириб, ўқувчидан унинг шахсий, кўпинча тушунтириб бўлмайдиган ҳолатларидан, баъзида эса “ғалати” саволларидан келиб чиқиш лозимлигини уқтиради[73, 98-б.].

Шарҳлаб ўрганиш нотаниш сўз ва сўз бирикмалари, ибора ва мураккаб танбеҳларни, тарихий жой номлари ҳамда баъзи адабий қаҳрамон тимсолларини изоҳланишини англантибгина қолмай, асарнинг ғоявий-бадиий хусусиятларини адабий эстетик таҳлил воситасида ўрганишни ҳам ўз ичига олади. Академик лицейнинг 1-курсларида Жек Лондоннинг “Ҳаётга муҳаббат” ҳикоясидан парча ўрганилади. Ҳикоядан олинган парча асосида ўқувчиларга шарҳлаб ўрганиш юзасидан топшириқлар бериш мумкин:

ўрганилаётган матндан бадиий асар моҳияти ва қаҳрамон табиати акс этган асосий таянч сўзларни топади ва танлайди, уларни изоҳлайди;

бош қаҳрамоннинг психологик портретини яратади ва унинг хатти-харакатлари сабабини аниқлайди, изоҳлайди;

асардаги бош ва иккинчи даражали қаҳрамонларнинг хатти - харакатлари ва ўйларини турли чизма, график восита ва жадваллар воситасида кўрсатмали акс эттиради;

матндан инсон ва табиат муносабати тасвирланган эпизодларни қайта ўқиб, шарҳлайди.

Савол ва топшириқлар бадиий асарни, асар матнини ўрганишнинг энг тўғри йўлларини белгилаб беради. Савол ва топшириқлар тизимини яратишда бадиий асарни бир бутунича таҳлил қилиш асосий қоидалар сифатида қаралади. Шунга кўра, асардаги образ персонаж характерини англашга йўналтирилган савол ва топшириқлардан кенг фойдаланиш, бир туркум савол-топшириқлар орқали ўқувчини бадиий асар тилини ўрганишга сафарбар этиш, шунингдек ўрганилаётган асарнинг жанр хусусиятини ҳисобга олиш зарур.

Маълумки, адабий таълим жараёнида ўқилган бадиий асарлар юзасидан семинар-тренинглари, конференциялар ўтказиш, машқлар бажариш ўқувчининг олган билимларини янада мустаҳкамлайди. Семинар ва тренингларида ўқитувчи синфдагига нисбатан, ҳар бир ўқувчи билан кўпроқ муносабатда бўлади, ўқувчиларнинг ижодкорлик қобилиятини ҳисобга олган ҳолда, маъруза билан бирга, машғулоти тадқиқот усулида уюштилади. Тадқиқот усулининг қўлланилиши уларда тадқиқотчилик кўникмасини ўстилади. Тренинг машғулотида уюштирилладиган суҳбат, мунозара турли характерда бўлиши, баъзан маърузанинг узвий қисми сифатида ўтказилиши мумкин.

Суҳбатда изланиш (эвристик) усулидан фойдаланиб, ўқувчиларга муаммоли топшириқ бериш орқали уларнинг изланишли фаолияти, билиш қобилияти ривожлантирилади ва шу йўл билан ўқилган бадиий асарнинг

самарали ўзлаштирилишига эришилади. Тренинг машғулотлардаги амалий ишлар, ўрганилганларини такрорлаш характерида бўлиб, ўқувчиларнинг аввал эгаллаган билимлари такрорланади, умумлаштирилади ва мустақамланади. Машғулот давомида ўқувчилар кичик ҳажмдаги мустақил ишларни ҳам бажарадилар. Бу жараёнда улар бадиий асарни таҳлил қилиш, бадиий асар матни, танқидий мақола ва илмий адабиётлар устида ишлайдилар, библиографиялар тузадилар. Бу эса, ўз навбатида уларда бадиий асар устида ишлаш, адабиётлардан фойдаланиш усулларини эгаллаб боришларига ёрдам беради.

Семинар машғулотларида амалий ишлар ўқувчилар гуруҳи ва якка ўқувчи билан амалга оширилади. Машғулотларда ҳар бир масала аниқ мақсад асосида ҳал қилинади. Семинар машғулотлари ўқувчиларда мустақил фикрлаш кўникмасини ўстиради, уларнинг ўзаро фикр алмашуви учун қулай шароит яратади. Семинар машғулотларида ўқувчилар рефератлар ёзадилар, маъруза қиладилар, уни ўзаро муҳокама қиладилар, айрим муҳим муаммолар ҳақида суҳбатлашадилар, ўқитувчи кириш ёки якунловчи фикрни баён этади. Маслаҳат, йўл-йўриқ шаклидаги семинар эса, масалани ҳал қилиш, англаб олиш, аниқса, маъруза қиладиган ўқувчиларга катта ёрдам беради. Факультатив машғулотларда олиб бориладиган барча иш турларида, асосан, ўқувчиларнинг ишни мустақил бажаришлари ва мустақил фикрлашларига эътибор берилади. Бу эса, ўз навбатида, таълимни индивидуаллаштиришни тақозо этади. Ўқитувчининг раҳбарлик роли ва масъулият ҳиссини ҳам оширади. Ўқувчилар бажарадиган мустақил ишнинг самарали бўлиши учун ўқитувчидан ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўриш талаб этилади. Ўқитувчи факультатив машғулотларда суҳбат ва мунозаралар уюштиришдан олдин уларнинг мавзусини белгилайди, режасини, ўқувчиларга берадиган савол ва топшириқларни тузади, бажариладиган амалий ишларни аниқлаб олади, суҳбат ва мунозара мавзусига доир адабиётларни кўрсатиб, уларни ўқишни тавсия қилади, шу билан бирга, ўқувчиларнинг илмий-танқидий манбалар билан мустақил ишлаш кўникмаларини эгаллашлари учун

маслаҳат, йўл-йўриқ беради. Бу маслаҳатдан асосий мақсад – суҳбат ва тренингларда ўқувчиларга ўқиган китоб ва мақолаларининг библиографиясини тузиш, улардан кўчирмалар олиш қодаларини, кутубхоналарда каталог, маълумотномалардан фойдаланиш, керакли китобларни танлаш, улардан конспект олиш, карточкалар тайёрлаш, маъруза матнларини ёзиш йўллариини тушунтиришдан иборат бўлади. Ўқувчилар тайёрлаган ишлар кўриб чиқилади, мақсадга мувофиқлари маъқулланади, камчилиги бор бўлган иш эгаларига маслаҳат берилади. Шу йўл билан ўқувчиларда бу ишлар ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилинади, китоб билан ишлаш, ундан фойдаланиш кўникмаси ўстириб борилади. Тренинг машғулотида ҳам одатдаги дарслар каби асосий эътибор бадиий асарга, уни таҳлил қилишга, яратилиш тарихига, образлар тизимига, тасвир воситаларига қаратилади, кўргазмали воситалардан фойдаланилади. Тренинг машғулотидида қатнашувчиларнинг билими синф машғулотидидаги каби баҳоланмайди. Уларнинг билими, фаолиятига қўйиладиган баҳо, бу – ўқитувчи ва ўртоқларининг у тайёрлаган ва қилган маърузалари, мавзуларни ўрганишда, мунозара ва суҳбатларда фаол иштироки учун билдирган самимий қутловлари ва табрик сўзларидир. Мавзуни мустаҳкамлаш учун савол -топшириқлар устида ишлайдилар.

Мутолаа жараёнини самарадорлигини оширишнинг қуйидаги жиҳатларини келтириш мумкин:

1. Берилган асарни қайта ҳикоя қилиш орқали асар сюжетини таҳлил қилиш. Бу машқни бажариш пайтида ўқувчилар аввал асар матни билан танишиб чиқадилар, сўнгра ўқитувчи ўқувчиларга саволлар бериб, уларнинг диққатини суҳбатнинг мазмунига қаратади. Бунда у асосий эътиборни мулоқот иштирокчиларининг мақсадларини тушунтиришга қаратади. Бундан ташқари, ўқитувчи суҳбатдошларнинг ана шу мақсадларни амалга ошириш учун нутқни қандай тарзда тузишларига ҳам ўқувчиларнинг диққатини тортишга ҳаракат қилади. Асарнинг мазмунини таҳлил қилишни маълум даражада енгиллаштириш учун бундай машқни бошлаш олдидан ана шу

сухбат қандай вазиятда юзага келишини тушунтириб бериш мақсадга мувофиқ бўлади.

2. Ўзгалар нутқини кузатиш ва таҳлил қилиш асосида қайта ҳикоя қилиш. Бу машқни ташкил этишда замонавий овозни ёзиб олиш воситалари, жумладан, мобил телефонлардан фойдаланиш мумкин. Дарсда ўқитилиши керак бўлган матн санаб ўтилган аудио воситаларга ёзиб олинади ва ўқувчиларга эшиттирилади. Матн бевосита ўқитувчи томонидан ҳам ифодали ўқиб берилиши мумкин. Бундай материаллар асосида ўтказиладиган машқ олдидан болаларга нутқни кузатиш, унинг мазмуни ва шаклини таҳлил қилишга қаратилган махсус топшириқларни бериш лозим.

3. Ролли ўйинлар орқали қайта ҳикоя қилишни ташкил этиш. Ўрганилган матн сахналаштирилади. Бу машқ қуйидаги тартибда ўтказилади. Ўқувчилар матн мазмуни билан танишадилар. Ҳар бир ролни ижро этувчи ўқувчи танланади ва уларга йўриқномалар берилади. Шунинг учун машқ олдидан ўқитувчи қисқача кириш сўзи ёрдамида ўқувчиларга умумий вазиятни, мулоқот ташкил этиладиган шарт-шароитни, мулоқот иштирокчиларини тасвирлаб бериши лозим. Аммо ўйинни ўтказиш учун бундай кириш сўзининг ўзи кифоя қилмайди. Зеро, машқ жараёнида ҳар бир ўқувчи ўзининг ролини тўғри ижро этишини таъминлаш учун ўқувчиларга персонажлар ҳақида батафсил маълумот бериш ва асарни ўқиган бўлиши керак бўлади. Адабий таълим методикаси илмининг бугунги замонавий талаблари бўйича ўқувчи у ёки бу хилдаги бадиий асарни ўқиш, тушуниш орқали мустақил фикр юритиш, мулоҳаза қилишга кундан-кун ўрганиб боради. Бу ўз-ўзидан амалга ошмайди, албатта. Бола асар устида ишлашни билиши керак. Шунда унинг мустақил нуқтаи назари шаклланади. Ўз-ўзидан маълумки, бу фазилат ўзгаларнинг ташқаридан берган маслаҳати маҳсули эмас, ўқувчининг кўп китоб мутолаа қилиши, мутолаанинг самараси ўлароқ ўз шахсий фикри, мустақил ўйлаши ва бир қарорга келишининг натижаси бўлади.

Китоб мутолааси ҳар бир инсон учун ҳаётини зарурият эканлигини

Ўқувчи онгида шакллантиришда адабиёт ўқитувчисидан катта маҳорат талаб этилади. Китоб – инсон маънавиятини бойитадиган сирли восита. Ўқувчилар қалбида китобга меҳр уйғотишга адабиёт дарслари муҳим аҳамиятга эга. Дарсда бадиий асарларни ўрганиб бўлгач, ўқувчиларга бир қатор вазифалар топшириб, улар томонидан ўқилган асарлар тақдиротини ўтказиш мумкин.

- асар қаҳрамонларига ёки асар муаллифига мактуб ёзиш;
- ўқилган асар таъсирида шеър ёзиш.

Бу усуллар ўз самарасини беради ва натижада ўқувчида ўша китобга эътибор янада кучаяди.

Ўқувчиларнинг адабиётга қизиқишини ошириш мақсадида дарс ёки суҳбат жараёнида бирор асарнинг мазмунини қисқача сўзлаб бериб, қизик жойига келганда ҳикояни тўхтатиб туриш ва ўқувчиларга асарни тўлиқ ўқиб келиш топшириғини бериш мумкин.

Ўқувчи бадиий асар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиши, ундаги образларни ҳар томонлама таҳлил этиш малакасига эга бўлишида тўғаракларнинг роли катта. Бир сўз билан айтганда, ўқувчининг китобхонлик малакаси ошишига ёрдам беради. Адабиёт дарси ўқувчилар учун энг яхши китобхонлик дарсидир. Ўқувчилар бадиий асарларни синчковлик ва қизиқиш билан ўқиб чиқиши учун турли усуллардан фойдаланиш мумкин.

Энг аввало, ўқувчига бадиий асар ҳақидаги аннотацияни ўқиб бериш ва шу асосда асарда қандай воқеалар борлигини тахминий қоралашни таклиф этиш мумкин. Қораламалар тайёр бўлгач, олдин ўқитиб кўриб, сўнгра ўқувчилардан ёзувчи айтмоқчи бўлган фикрлар билан солиштириб чиқиш топширилади.

Тоҳир Маликнинг “Алвидо болалик” асарини ўқиш учун муддат белгилаб, тўғарак дарсларида асар таҳлилини ўтказиш, ўқувчиларга асар юзасидан ўз аннотацияларини ёздириб олиш мумкин.

Хўш, бугунги кун ўқувчисини қандай қилиб бадиий асарларни ўқиш, идрок этишга жалб этиш мумкин? Қандай методик усуллар қўлланса, адабий таълимдан кўзланган мақсадга эришилади?

Ана шундай методик усуллардан “**дидактик**” таҳлил ҳам яхши самара беради. Бадиий асарнинг дидактик таҳлилига **аналитик ёндашув** адабий таълимни модернизациялашнинг муҳим омилларидан биридир.

Аналитик тафаккур – воқеликни теран таҳлиллаш, идрок этиш қобилиятидир. Фалсафа таълимида аналитика – муҳокама, исботлаш демакдир[105, 12-б.].

Академик лицейнинг 1-курсларида Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романидан парча ўрганилади. Романдан олинган бадиий парчанинг дидактик таҳлилига аналитик ёндашув ўқувчиларнинг интегратив билиш даражасини юксалтиради, уларни мустақил фикр юритишга ўргатади. Асардаги Раззоқ сўфининг шахсий сифатларини тавсифловчи саҳифалар ўқилгандан сўнг синф доскасига куйидаги бадиий парча ёзиб қўйилди.

Эшон аввал:

- Сўфи ўзи қани? - деб сўради.

Сўфининг акаси:

- Уйда қолди... Сал тиши оғрибди... деди.

Эшон кулди:

Тиши оғрибдими? - деди. Бай-бай! Тиш оғриғи ёмон нарса...

“Кеча ва кундуз” асаридан олинган бадиий парчанинг дидактик таҳлили жараёнида ўқувчилар аналитик тафаккур юритиши орқали куйидаги фикрларни илгари суришди:

- Бадиий парчада Раззоқ сўфи эътиқод қўйган, Қурвонбиби эри воситасида улуғ инсон деб билган сўфининг акаси нажот илинжи билан арз қилган Эшон бобонинг уларга нисбатан беписандлиги, бепарволиги тасвирланган (эшон бобонинг сўфининг акаси томонидан қилинган арзга муносабат билдирмагани, кинояли, захарханда кулиши).

- Раззоқ сўфи учун беназир инсон эшон (Қурвонбиби сўфининг акасига эшонга боришни маслаҳат бергани, сўфининг ўз эътирофлари ёки хотини ва қизининг сўфи ҳақидаги фикрлари – мантиқий далил).

Бадиий асарга аналитик тафаккур асосида ёндашув жараёнида ўқувчи ўзини гўё детектив асар воқеаларининг гирдобига тушиб қолгандек ҳис қилади. Юз берган сирли жинойтларнинг моҳир изқувари, топқир сифатида ўзида катта имкониятга эгалликни туяди. Ўқувчини “Нима?” “Ким?” “Қачон?” “Қандай?” “Нима учун?” “Нега?” каби қатор саволлар ўз оғушига олади. Бу ўқувчининг фикрлаш қувватини янада оширади, уни энг янги бадиий, ҳаётий топилмалар топишга, нодир фикрлар асосида мақбул қарорлар қабул қилишга ундайди ва ўргатади.

Адабиёт дарсларида бадиий асарларни мутолаа қилиш натижасида ўқувчилар қуйидаги натижаларга эришадилар:

- шеърӣ, насрий, драматик асарларни таҳлили асосида мустақил, эркин фикрлашни;
- танқидий фикр билдиришни, ўз фикрида собит туришни;
- ўрганилган асарлар юзасидан тақриз, аннотация, мақола, эркин мавзуда иншо ёки ҳикоя ёзиш кўникмалари ривожланади;
- кичик ҳажмли асарлар ёки улардан олинган парчаларни ифодали ўқиш ва ёд олишни;
- эпик асарларни қисқартириб, шахсини ўзгартириб, режа асосида қайта ҳикоялашни.

Маълумки, ҳар бир ўқитувчи дарс мақсадига эришиш учун энг илғор методик усулларни излаб топмоғи зарур. Адабиёт дарслари қанчалик янгиликлар асосида ўтилса, ўқувчиларнинг фанга, китобга бўлган қизиқишлари шунчалик ортади. Бунда ўқитувчи дарсни тўғри ташкил қилиб, таълимнинг хилма-хил усуллари қўллаши, синфда ўқувчиларнинг фаоллигини ошириши, уларда эзгу фазилатларни таркиб топтириши зарур.

“Ортиқча образ”, “Ўйла, изла, топ – бу айнан сен боп”, “Мен китобхон” ролли ўйини, “Асар юзасидан эссе ёзиш” усуллари орқали ўқувчилар орасида яхшигина китобхонликни юзага келтириш мумкин.

Академик лицейнинг 1-босқич адабиёт дарси режасида Ўткир Ҳошимовнинг “Икки эшик ораси” романи берилган (2-иловага қаранг).

Ўқувчиларга асарни ўқитишда “Ортиқча образ” ўйинини қўллаш мумкин. Бунинг учун ўқувчиларнинг барчасига шу асардаги ўзи ортиқча ҳисоблаган бир образни (бу ўринда киши ёки бирон предмет ҳам бўлиши) олиб ташлаши, воқеалар ривожини тасаввур қилиб кўриш тавсия қилинди. Шу усулни ўқувчилар ўртасида ўтказганимизда, уларнинг қуйидаги жавоблари диққатимизни тортди:

Ўқувчи: Умар Закунчини йўқ деб тасаввур қилдим.

Ўқитувчи: хўш, кейинчи?

Ўқувчи: Умар Закунчи бўлмаганида, Шомуроднинг хотини Раъно эрига хиёнат қилмасди, ўғли Музаффар онасиз қолмасди. Укасининг оилавий ташвишлари Қора амманинг елкасига тушмасди. Робиянинг тақдири ҳам бадбахтликка бориб тақалмасди, ўзи ада деб катта бўлган Шомуродга хотин бўлмасди. Робия бахтли бўлиши мумкин эди.

Асарнинг шундай ўринларида адиб бу дунёнинг кайфу-сафосига учмасдан, ҳар ким ўз қалбига назар солиб, инсоф билан яшамоғи керак, деган таълим- тарбияни бераётгандек туюлади, деб ўйлайман.

Суҳбат шу зайлда давом этаркан, синфда, дарсда бефарқ ўтирган ўқувчи тўсатдан шундай деди:

- Робияни тақдирнинг аччиқ қисматига иложсиз қолмаслиги, Кимсан билан бахтли бўлиши учун уруш бўлмаслиги керак эди. Шунинг учун романда тасвирланган воқеа-ҳодисаларни ўзимиз яшаб турган давр билан ҳаёлан қиёслаб, бугунги тинч-осойишта кунимизга шукрона айтаман, - деди.

Шундай қилиб, “Икки эшик ораси” романи бўйича машғулот шунчалик қизгин тус олдики, асарни ўқимаган ўқувчилар ҳам машғулотга берилиб кетишди. Натижа шу бўлдики, ўқувчилар ўзлари мустақил ўқиган бошқа асрларидан ҳам маълум образлар олиб ташланса, воқеалар ривожини қай томонга ўзгариб кетиши ҳақида баҳс-мунозара қилишади, яъни уларда бадиий тасаввур шаклланади.

Дарс давомида “Ўйла, изла, топ – бу айнан сен боп” ўйинини қўллаш ҳам яхши самара берди. Ўқувчиларга уч дақиқа мобайнида асар

қахрамонлари рўйхатини шакллантириш топшириғи берилди. Бунда ҳар бир ўқувчи асар қахрамонлари рўйхатини ўз дафтарига ёзди. Масалан: Робия, Хусанбой Дума, Қора амма, Кимсан ака, Комил табиб, қора амманинг укаси Шомурод, Ориф оқсоқол...

Топшириқ ниҳоясига етгач, ўқитувчи экранда асар қахрамонлари рўйхатини намойиш қилди. Ўқувчилар уни ўзлари ёзган рўйхат билан солиштиришди ва ўзлари ёзган образларга тавсиф беришди.

“...Қора амма – меҳрибон, содда, бардошли, жафокаш аёл. Унинг образида уруш давридаги ўзбек оналарининг сиймоси мужассам топган. У бошига тушган барча кўргуликларни сабр- бардош билан енгиб, ўзига яшашга куч-қудрат топади...”.

“...Робия – унга ҳам тақдир кулиб бокмаган, онасидан етим қолиб, отаси тарбиясида бўлган. Софдил, меҳнаткаш, садоқатли қиз. Уруш туфайли севгилиси Кимсан қайтмади. Робия уни йиллар давомида кутди. Уруш тугаганига бир неча йил бўлсада, уни садоқат билан кутишдан чарчамади...”

Дарсинг кейинги босқичида “Адибнинг сўз сандиғи” усулидан фойдаланилди. Бунда сандиқча ичида “Икки эшик ораси” асари қахрамонлари характерига хос бўлган сўзлар тақдим этилди. Сўзлар орқаси елимли қоғозларда ёпиштирилди. Доскада эса, ўқувчилар томонидан чизилган асар қахрамонларининг расмлари илинди. Ўқувчилар сандиқчадан сўз олишди. Ҳар бир ўқувчи ўзига берилган образнинг атрофига ўша образга хос бўлган сўзни ёпиштириб боради. Агар образга мос сўз чиқмаса, сандиқчадан бошқа сўз олинди. Шунинг ўқитувчи сўзларни образлар сонига тенг миқдорда тайёрлаши керак.

Бундан ташқари “Мен китобхон” ролли ўйинида ўқувчиларнинг китобга қизиқишини ошириш мақсадида “Мутолаа кундалиги”ни тутиш, ўқиган асарлари юзасидан “Китобхон кундалиги” виртуал гуруҳини ташкил этиш ўзининг ижобий самарасини берди.

Ўқитувчи томонидан ўқувчиларнинг бадиий асарларни ўқишга қизиқишларини ошириш мақсадида ижтимоий тармоқлар орқали

китобларнинг аудио ва андроид вариантларини тақдим этиб бориш ҳам кутилган натижани берди.

“Китобхон кундалиги” чизмаси намунаси:

Муаллифнинг ИФО	Китобнинг сарлавҳаси	Мутолаа қилинган вақт	Асарнинг асосий ғояси	Асарнинг муҳим жиҳатлари
-----------------	----------------------	-----------------------	-----------------------	--------------------------

Шунингдек, адабиёт дарсларида ўқувчиларни гуруҳларга бўлиб, ўқилган асар юзасидан шахсий маълумотлар базасини ишлаб чиқишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Шу билан бирга, замонавий дарс турларига таянган ҳолда ўқувчиларни мутолаа малакасига доир ўзини-ўзи баҳолаш жараёнининг ҳам мукамал ўрганиб боришига алоҳида эътибор қаратилди. Мана шундай интерфаол усуллардан бири “ўқув портфолиоси”дир*.

Портфолио – ҳужжатлар ёки муҳаррирлик портфели, ютуқлар жамланмаси, ўзини-ўзи баҳолаш усули сифатида ўқувчиларнинг имкониятларини белгилаш, ижодий фаолиятини баҳолаш, ўқиш ва ижоддаги ривожланиш динамикасини кузатиш қобилиятларини намоён қилиш воситасидир. Портфолио яратиш маълум вақт талаб қиладиган мураккаб жараён бўлиб, ўқувчини ўз ютуқлари, қизиқишлари, истикболдаги режаларини ҳикоя қилишга йўналтирилган. Портфолионинг бир қанча турлари бор. Бизнинг тадқиқотимиз доирасида ўқувчиларда мутолаа маданиятини ривожлантиришга хизмат қилувчи мавзули портфолиони ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилди.

Аслида “Китобхон кундалиги” портфолионинг замонавий ва такомиллашган кўринишидир. Портфолиони яратишнинг биринчи босқичида ўқувчиларга портфолионинг афзалликлари, уни яратишдан кўзланган мақсад, портфолионинг турлари ҳақида маълумот берилди. Сўнгра портфолионинг тузилиши билан таништирилди.

* Ўқув портфолиосини қўллашда С.Камбарова томонидан тақлиф этилган методикадан фойдаланилди.

Портфолиолар ўзининг шахсий муваффақиятини баҳолашнинг кўп функцияли воситаси бўлиб, индивидуал муваффақиятлар мониторингини амалга ошириш ёки имтиҳоннинг муқобил шакли сифатида ўқувчининг таълимий ва истиқболли имконияти, қобилиятларини кўрсатиб, ижодий салоҳиятини очиб беради. Қуйида тадқиқот доирасида қўлланилган айрим портфолиоларнинг намуналарини келтириб ўтамиз.

“Ютуқлар” портфолиоси (“Китобхон кундалиги”).

Ўқув портфолиоси турларидан бири ютуқлар портфолиоси деб юритилади. Бундай портфолио “Нуктаи назар”, “Эътироф”, “Муносабат”, “Китоб ҳақидаги ўйларим” каби бўлимлардан иборат бўлади.

“Нуктаи назар” бўлимида ўқувчининг ўқиган бадиий асари юзасидан иншо, тақриз, аннотация, мақолалар ва қисқа маърузалар шаклидаги ижодкорлик ҳамда тадқиқотчилик фаолиятини кўрсатадиган ишлар ўрин олди. Эришилган ютуқларнинг сифат жиҳати акс этган ушбу бўлимида ўқувчининг ижодий фаоллиги динамикаси, қизиқиш доираси ёрқин намоён бўлди.

“Эътироф” бўлимида ўзбек ва бошқа халқлар адибларининг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги ижодий мулоҳазалар ёритилишига эътибор қаратилди. Ушбу бўлимда ўқувчининг мустақил фикрлаш маданиятини таркиб топтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

“Муносабат” бўлимида ўқилган бадиий асарининг тўлиқ ёки маълум бўлим услуби, образлар тизимининг характер хусусиятларини ўрганиш натижалари акс этди.

“Китоб ҳақидаги ўйларим”. Мазкур саҳифада ўқувчининг асарнинг ғоявий бадиий мақсади, эстетик таъсирчанлиги, образларнинг умумлашмаллиги, асардаги чуқур драматизм, миллийлик, умуминсонийлик, асарнинг ўткир сюжети, турли характерлар ҳақидаги қарашлари баёни акс этди.

Адабиёт дарсларида бундай турдаги ўқув портфолиоларини яратиш ўқувчидан ижодкорликни, кўп китоб ўқишни, ўз устида тинимсиз меҳнат

қилишни, бадий ижодкорликни шакллантиради ва дарсда кўзланган мақсадга эриштиради. Ҳар бир ўзлаштирилган дарс, ўқилган бадий асар, албатта ўқувчиларда мутолаа маданиятини ривожлантиришга катта ёрдам беради.

Юқоридаги фикрларимиз асосида, адабиёт дарсларида ўқувчиларда мутолаа маданиятини ривожлантиришга доир қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

- бадий асар аннотацияси юқори савияда бўлмоғи зарур, зеро, ўқитувчи аннотацияни ўқиб берар экан, ўқувчида мазкур асар мутолаасига бўлган иштиёқ ҳаддан ташқари юқори даражада бўлмоғига эришиш аксар ҳолатларда, ижобий самара манбаидир;

- мутолаа қилинаётган асарларнинг ғоявий-бадий хусусиятлари долзарб муаммолар билан қиёслаб ўрганилиши зарур: таълимнинг реал ҳаёт билан боғлиқ ҳолда амалга оширилиши ҳамини ижобий натижа берган. Бундан китобхонлик маданиятини шакллантириш жараёни ҳам мустасно эмас;

- мутолаа жараёнида асар персонажларининг рухий дунёсига ўзига хос ва мос тарзда ёндашиш йўлга қўйилиши зарур; қаҳрамонларнинг рухий дунёсига турлича ёндашув ўқувчиларнинг туйғуларини кўркамлаштиради, ҳаётий тасаввурларини бойитади, эстетик дидини шакллантиради. Китобхонлик орқали ўқувчиларнинг адабиётга қизиқиши ортади. Адабиёт дарсларидаги мутолаа орқали китобхонлик савияси юксалади.

2.3-§. Ўқувчиларда мустақил мутолаа маданиятини ривожлантириш технологияси

Маълумки, академик лицейларда “Адабиёт” фани умумтаълим фани сифатида ўқитилади. Ҳозирги вақтда академик лицейларда “Адабиёт” фани 1-2 курсларда жами 230 соат ҳажмида ўқитилади. Шундан 170 соати аудиторияда

амалга оширилади: 120 соат назарий, 50 соат амалий. Мустақил иш учун эса, 60 соат ажратилган.

Маълумки, адабиёт дарсларида ўрганилаётган асарга нисбатан ўқувчиларда қизиқиш ва мотивация ҳосил қилиниб, мустақил мутолаа жараёнида асарни тўлиқ ўқиб-ўрганиш ва адабий таҳлил малакаларини шакллантиришга эришилади. Академик лицейларнинг “Адабиёт” фани бўйича намунавий ва ишчи ўқув дастурини таҳлил этиш жараёнида мустақил иш учун ажратилган 60 соатлик юклама учун бажарилиши кўзда тутилган топшириқлар ҳам кўпроқ назарий тавсифга эга бўлиб, ўқувчиларда амалий кўникма, малака ва компетенцияларни таркиб топтиришга тўлиқ хизмат қилмаслигига гувоҳ бўлинди. Буни айрим мустақил иш учун тавсия этилган мавзулар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин: “Зарбулмасаладаги мақол ва масаллар”, “Бобурнома – мемуар асар”, “Адибнинг кулги яратиш маҳорати ҳақида маълумот бериш”, “Огаҳийнинг тарихий асарлари ҳақида маълумот”, “Маърифатпарварлик адабиёти ҳақида реферат”, “Навоий” романининг бадиийлик даражаси”, “А.Қаҳҳор сўз устаси” ва ҳ.к. Ана шу сабабли тадқиқот доирасида инновацион ёндашувлар, шу жумладан ўқувчиларни лойиҳавий фаолиятга жалб этиш асосида уларда мустақил мутолаа маданиятини ривожлантиришга доир таълимий тажриба-синов ишларини ўтказиш асосий мақсад сифатида белгиланди.

Академик лицей ўқувчиларининг мутолаа маданиятини ривожлантириш уларнинг мустақил ўқиш фаолиятини ва фан бўйича синфдан ташқари ишларини ташкил этмасдан самарали амалга ошмайди. Дарс билан алоқадорлик, узвийлик мазкур турдаги ишларни ташкил этишнинг асосий тамойилларидан биридир. Бироқ синф ва таълим муассасасидан ташқари ишлар дарс билан боғлиқликда амалга оширилсада, уларнинг ўзига хосликлари ҳам мавжудлиги қайд этиб ўтиш лозим.

Биринчиси синф ва таълим муассасасидан ташқари фаолиятда ўқувчиларнинг ихтиёрий иштирок этишидир. Улар ўзлари учун сеvimли ишни мустақил танлаши, ташаббускорлик, мустақиллик, фаолликни намоён этиши

мумкин. Адабиёт фани бўйича ушбу турдаги машғулотларнинг самарадорлиги ўқувчиларнинг фаоллигига боғлиқдир.

Мазкур турдаги ишларнинг иккинчи ўзига хослиги – унинг кўнгил очар ва ижодий тавсифга эга эканлиги. Унда ўйин элементларидан кенг фойдаланилади. Фақат кўнгил очишга йўналганлик асосий мақсад эмас, бу ўқувчиларнинг қизиқишини ошириш воситасидир.

Адабиёт фани бўйича синф ва таълим муассасасидан ташқари иш турларига адабий тўғарак, адабий зал, адабий ўйин, адабий хордик, адабий альманах, кўргазма зали, адабий ярмарка, аукцион, адабий тарғибот гуруҳи, китобхон ҳафталиги, оммавий тадбирлар кабиларни киритиш мумкин (иловага каранг).

Адабий тўғарак: аудиторияда ўрганилган билимларни тизимлаштириш ва чуқурлаштиришга ҳисса қўшади. Ўқувчилар аудиторияда билимларни ўзлаштириш ва ижодий фаолият юритиш, ўқиш талабларига эга.

Китоб мутолаасига қизиқишни ошириш мақсадида синфдан ташқари ўқиш дарсларини, адабиёт тўғаракларини намунали ташкил этишнинг аҳамияти катта. Ижодий ва драма тўғаракларининг ҳам бу ўринда муҳимлигини алоҳида таъкидлаш керак. Албатта, ўқувчи санъаткорларга тақлид қилишни ёқтиради. Бу қизиқиш академик лицей саҳнасида ижобий томонга йўналтирилса, ўқувчи жамоа олдида ҳаяжонланмай ўз ролини ижро этишга ўрганади. Драма тўғараклари ўқувчиларда театр маданиятини, томошабин масъулиятини, ижро маҳоратини шакллантиради.

Шунингдек, ўқувчилар 1-курсни тамомлаётган вақтда, 2-курсда ўқилиши лозим бўлган адабиётлар рўйхати бериб қўйилди. Ўқув йили якунида “**Ёзги мутолаа**”, қишки таътилда “**Қишки мутолаа**” ўқишлари ташкил этилди. Унда таътил давомида ўқувчиларга ўқилиши керак бўлган бадий асарлар рўйхатини тузиб, болаларга ўқиш учун топширилди. Ўқув жараёни бошланганда ўқувчилар ўзлари ўқиган бадий асарларини синфдан ташқари машғулотларда, тўғаракларда “**Мен китобхон**”, “**Мен сайёҳ**”, “**Мен**

ёзувчи” усуллари орқали тақдим этишди. Тўғаракка аъзо бўлишни хоҳлайдиган ўқувчилар ўқув йили давомида келиб туришди.

Адабий зал: драматик ҳаракатлар, мусиқа ва қўшиқларни, адабий ўйинни, китоб қаҳрамонлари билан мулоқотни уйғунлаштирадиган ҳар қандай, ҳатто энг жасур ғояни энг юқори даражага кўтариш имконини берадиган жой.

Адабий ўйин: у ўйин фаолияти асосида амалга оширилади, бу асар жанрининг хусусиятларини аниқлаш, асарнинг таркибий қисмларини кўриш, ўқиш матнини тасаввур қилишингиз, муаллифнинг ниятини тушуниш ва ўз позициясини аниқлаш учун қўлланади. Бу адабий ўйинда “Нега”, “Исботла” ўйини ташкил этилади. Ўқитувчи томонидан бир неча саволлар берилади. Нега бу асар шундай номланди?, Нега фикрингизни шундай изоҳлаяпсиз? Ўқувчилардан жавобларини далиллар билан исботлаши сўралади. “Асар матнини ўқиш ва тасаввур қилиш”. Тўртта талабага бир хил матн берилади ва ўқувчилар ўзларига тушган карточкалар бўйича матнни ўқиши сўралади. Бу карточкаларда “Қувонч”, “Ғам”, “Мусиқа”, “Эртак” сўзлари ёзилган бўлади. “Қувонч” усулида ўқувчи матнни худди қувончли хабар эшитгандек ўқийди.

Ўқувчиларнинг қизиқишларини ўрганиш турли хил адабий ўйинлар орқали амалга оширилади: китобни драматизация, викториналар, чарадес, кроссвордлар, жумбоқлар, адабий ўйин-сафар, адабий мавзулардаги ўйин шаклида, концепцияларни ассимиляция қилиш бўйича интеллектуал ўйинлар, ўқувчиларнинг фикрини кенгайтириш учун ўйинлар, асарнинг асосий тасаввурига, ўқиш тажрибасини бойитишга қаратилган ўйинларга, санъат асарларини чуқур инъикос этишга қаратилган ўйинларга қаратилган.

Адабий ўйиннинг мақсади китобнинг мавжуд матнини ўзгартириш ёки янги, ижодий адабий маҳсулотни яратишдир.

Ўқувчиларнинг индивидуаллигига қараб, адабий ўйинлар репродуктив, когнитив-изланишлар, ижодий фаолият бўлиши мумкин. Ўйинлар ўқитувчи

томонидан таклиф этилади ёки ўқувчилар томонидан яратилади, бу айниқса қимматлидир.

Адабий ҳордиқ: кўлга киритилган кўникмаларни чуқурлаштирадиган, халқ ижодиёти ва ёзувчиларга бўлган қизиқиш ва муҳаббатни кучайтирадиган, ўқув-машғулотдан ташқари турли тадбирлар, янги таассурот қолдиради, қувончли кайфиятни яратади. Адабий байрамлар бадиий адабиётлар мазмунини тузатади ва умумлаштиради, янги таассуротлар яратади. Бундай байрамларда ўқувчилар монолог ўқиш, рол ўйнаш, ҳикоя қилиш, тинглаш, китоб мазмуни қўшиқ ва рақс билан тўлдирилиб, китобни кино адаптацияси қисмларини томоша қилишлари мумкин.

Адабий альманах: мавзули, жанр ёки бошқа сабабларга кўра бирлаштирилган китоблар, асарлар, муаллифлар ҳақидаги тадбир. Альманах тематик бўлиши мумкин, кейин китобларни бир мавзу бўйича: ҳарбий, тарихий, фантастика, табиат, эртак, шеърлар ва бошқалар билан бирлаштиради. Адабий альманахларнинг яратилиши – ўқувчиларни китоб билан таништириш ва унга эътибор беришнинг энг самарали усуллари билан биридир.

Адабий кўргазма: адабиёт оламида янги маҳсулотларни рағбатлантиришга қаратилган акция. Китоб кўргазмалари ўқувчиларнинг ёшига қараб ташкил этилган. Адабий кўргазманинг ўзига хос хусусияти – кўргазма мавзусига бағишланган тадбирлар ҳар хил бўлиб чиққани учун ҳар бир ҳодисанинг адабий мазмуни мажбурийдир.

Адабий ярмарка: адабий фестивални ташкил этишнинг анъанавий бўлмаган шакллари билан бири, шу жумладан, бир вақтнинг ўзида кичик, турли хил адабий тадбирлар мажмуаси. Ярмарка давомида адабий викториналар ва танловлар, қизиқарли кишилар билан учрашувлар ўтказиш мумкин. Ярмаркада ўқувчи ўзи хоҳлаган китобни сотиб олади.

Аукцион: ўқувчиларнинг ўқиш қизиқишини оширишга мўлжалланган шакл. Аукцион тематик ва универсал бўлиши мумкин, аммо вазифалар ҳар доим турли хил таркибдаги китобларга бағишланган. Аукционда ўқувчилар,

Ўқитувчилар ва ота-оналарнинг қўллари билан чиқарилган адабиёт қаҳрамонлари ёки уларга тегишли бирор нарса бўлиши мумкин. Адабий ким ошди савдоси бошқа шаклда ўтказилиши мумкин. Ҳар бир синф олдиндан ўқиган китобнинг мазмунини тақдим этади, шунинг учун улар ўқишни ишташади.

Адабий тарғибот гуруҳи: китобларни, уларнинг белгиларини ва мазмунини реклама қилувчи, одатда битта аудиториядан бошқасига кўчирадиган кичик гуруҳ ва ўқувчилар.

Ўтказилган педагогик кузатишлар натижалари шуни кўрсатадики, ўқувчиларнинг китобхонлик маданиятини шакллантиришда **“Китоб ҳафталиги”** ўтказиш ҳам яхши натижалар бермоқда. Ҳафталик комплекс тадбир бўлиб, бунда янги ёки бирор мавзуга оид китоб-кўрик кўرғазмалар ташкил этилади, адабиётлар таҳлили ўтказилади. Ёзувчилар, шоирлар билан учрашувлар ва адабий кечалар ташкил қилиниши ҳам мумкин. Бу тадбир ҳафта мобайнида ўтказилади ва бу даврда мактабдаги барча таълим-тарбиявий ишлар шу тадбирга қаратилган бўлиб, уни байрам руҳида ўтказиш тавсия этилади.

Академик лицей кутубхонасида ўтказиладиган **оммавий тадбирлар** ўқувчиларнинг мутолаа маданиятини ривожлантиради, дунёқарашини кенгайтиради, уларнинг ахлоқий-эстетик сифатларини қарор топтиради. Тадбирлар ўқувчиларда ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, ўз миллати, аждодлари яратган маданий-маърифий бойликлар билан фахрланиш ҳиссини уйғотди. Тадбирлар мунтазам равишда, ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, кутубхоначи ва мактаб ўқитувчиларининг ҳамкорлигида ташкил этилсагина ўз самарасини беради.

Адабиёт фанини ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг мустақил ўқиш фаолиятини ташкил этишнинг анъанавий турлари билан бирга, унинг янги ва самарали усулларини қўллаш методикасини такомиллаштиришга алоҳида эҳтиёж сезилмоқда. Академик лицей ўқувчиларининг мустақил ўқиш фаолиятини ташкил этишнинг самарали усуллари билан бири – лойиҳавий фаолиятдир.

Ўқув лойиҳаси – бу ўрганилган мавзу ёки бўлимни янада, чуқурроқ ўрганишга йўналтирилган, таълим жараёнига тажриба, фаолият асосида ёндашувга имкон берувчи, тадқиқотчилик ва изланишга доир методлардан фойдаланишни талаб этувчи таълимни ташкил этиш шакли[107, 194-б.].

Лойиҳа (design) – баъзи мураккаб ишланмаларни яратиш бўйича хужжатлар йиғиндиси. Лойиҳа (project) тушунчаси кенгроқ маънода маълум натижа (лойиҳанинг беқиёс маҳсули)га эга мақсадли фаолиятни ташкил этиш учун бирор-бир ташкилий шаклни белгилаш учун фойдаланилади[28, 56-б.].

Лойиҳалаштириш – реал натижага олиб келувчи, қатъий тартибга солинган ҳаракатлар изчиллигини ўз ичига олувчи муаммони ўзгартирувчи фаолиятни англатади.

Б.Ходжаевнинг фикрича, таълимий характердаги лойиҳалаштириш ўқитувчи томонидан ўқувчининг муаммони излаш, уни ҳал этиш бўйича фаолиятини режалаштириш ва ташкил этишдан то (интеллектуал ёки моддий маҳсулотни) оммавий баҳолаш учун уни ҳал этиш усулини тақдим этишгача мустақил ҳаракат қилишини таъминловчи махсус ташкил этилган мақсадли ўқув фаолиятидир[107, 195-б.].

“Ўқув лойиҳаси” тушунчаси кенг қамровга эга бўлиб, қуйидаги мазмунга эга: муайян истеъмолчига мўлжалланган, муаммоларни излаш, тадқиқот қилиш ва ечиш, натижани ноёб (моддий ёки интеллектуал) маҳсулот кўринишида расмийлаштиришга қаратилган ўқувчиларнинг мустақил ўқув фаолиятини ташкил қилиш усули; назарий билимлар орқали амалий вазифаларни ечишга қаратилган ўқув воситалари ва қуроллари; ривожлантирувчи, таълим ва тарбия ҳамда билимларни кенгайтириш, чуқурлаштириш ва малакаларни шакллантиришга қаратилган дидактик восита[114, 62-б.].

Шуни қайд этиб ўтиш лозимки, лойиҳа нафақат бир фан (масалан, адабиёт) доирасида, балки фанлараро (бир қанча фанларнинг мавзулари интеграцияси асосида) шаклда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Н.Ю.Пахомова ўқув лойиҳасини лойиҳавий фаолиятга доир махсус кўникма ва малакаларни таркиб топтиришга имкон берадиган таълим, тарбия, ривожлантиришнинг интегратив дидактик воситаси сифатида талқин қилади:

- мақсадни белгилаш ва фаолиятни режалаштириш;
- зарур ахборотларни излаб топиш, танлаш ва ахборот оламидаги керакли билимларни ўзлаштириш;
- тадқиқот ўтказиш (анализ, синтез, фаразларни илгари суриш, деталлаштириш ва умумлаштириш);
- фаолият натижалари юзасидан тақдимот ўтказиш;
- ўз-ўзини таҳлил қилиш ва рефлексия[110].

Лойиҳа методи технологиянинг таркибий қисми сифатида бир нечта фаолият босқичларига эга. Бизнинг тадқиқот предметимизга татбиқан метод куйидаги босқичларни ўз ичига олади: тайёрлов (мақсадни аниқлаштириш), манбаларни танлаш, материалларини ўрганиш ва режалаштириш, бажариш, тақдимот ва рефлексия. Бизнинг тажрибавий лойиҳамизнинг боришини баён қилишдан аввал шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, Ш.Хужамбердиева томонидан умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синф адабиёт дарсларида ўқув лойиҳасини қўллаш тажрибаси ёритиб берилган. Шунинг учун биз ўзимиз ишлаб чиққан лойиҳа таҳлилини унинг тажрибаси билан таққослаймиз. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, агар Ш.Хужамбердиева адабиёт дарслари жараёнида лойиҳа таълим технологиясидан фойдаланган бўлса, биз аудиториядан ташқари машғулотлар жараёнида мазкур технологиядан фойдаланишга ҳаракат қилдик.

Биринчи босқич – тайёрлов. Бу жуда қисқа, бироқ жуда масъулиятли босқич. Ўқитувчи ўқувчиларда лойиҳа мавзусига қизиқишни ҳосил қилади, муаммони шакллантиради. Натижада муаммодан келиб чиқиб, мақсад ва вазифа аниқлаштирилади. Ш.Хужамбердиеванинг қайд этишича, шундай мавзуларни тақлиф этиш лозимки, биринчидан қизиқ ва долзарб бўлсин. Биз мазкур фикрга

қўшилган ҳолда, мавзу танлашда яна бир мезонни қўшишни истар эдик: адабий материалнинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи имкониятлари.

Ш.Хужамбердиева қайд этиб ўтганидек, 9-синфда “Эркин Воҳидовнинг ҳаёти ва ижоди” мавзуси ўтилади. Лойиҳани ишлаб чиқиш учун синфдаги ўқувчилар етти гуруҳга ажратилган. Ўқитувчи ўзининг ўқувчилари билан биргаликда ўз олдига қуйидаги мақсадларни қўйишган: 1) ўқувчиларни қизиқарли интеллектуал фаолиятга жалб этиш; 2) ўрганилаётган материални тушуниш ва чуқур таҳлил қилиш.

Биз тадқиқот доирасида амалга оширилган “Жонли асар” лойиҳаси доирасида кичик лойиҳани “Шеърый альманах” деб номладик. Мазкур мавзу тасодифий танланмади. Мониторинг жараёнида биз замонавий ўқувчилар деярли шеър ўқишмаслигини аниқладик (биринчи курсларда – 15 %, иккинчи курсларда 8 % ўқувчи шеър ўқишини маълум қилган). Шунинг учун биз академик лицей ўқувчилари орасида шеърятга қизиқишни уйғотиш мақсадида мазкур мавзунини танладик.

Адабий кечани тайёрлаш бир ойда амалга оширилади. Биз ўқувчиларни фаоллаштириш учун бутун гуруҳни лойиҳани бажаришга жалб қилдик. Шунини қайд этиш керакки, мазкур босқичда ўқувчиларнинг фаолияти ташкил этилади, яъни гуруҳ шакллантирилади. Шунинг учун мавзулардан бирини танлаб ўқувчилар ихтиёрий равишда гуруҳларга бирлашишди. Учта гуруҳ шакллантирилди.

Академик лицей ўқувчиларига қуйидаги мавзулар таклиф этилди: “Фалокатли уруш йиллар” (“Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб”); “Ватан нимадан бошланади?”; “Бизни бунча қийнама, севги!”.

Шунини қайд этиш керакки, биз ўз олдимизга қуйидаги педагогик мақсадларни қўйдик: биринчидан, ўқувчиларнинг китобхонликка доир қарашларини кенгайтириш, шеърый асарларни ўқишга қизиқиш ҳосил қилиш; иккинчидан, қўшимча манбалар билан ишлаш малакаларини ривожлантириш; учинчидан, ўқувчиларни интеллектуал фаолиятга жалб этиш; тўртинчидан, нутқий, шу жумладан, омма олдида чиқиш қилиш кўникмаларини рағбатлаш.

Мавзу, мақсад эълон қилиниб, гуруҳ шакллантириб олинганидан сўнг, ўқувчилар лойиҳанинг иккинчи босқичига ўтишди – манбаларни танлаш. Ўқувчиларга барча гуруҳларнинг ишига тегишли ва ҳар бир танланган мавзуга бевосита тааллуқли адабиётлар рўйхати тақдим этилди. Тавсия этилган манбаларни танлашда ёднома ҳамда хат, нома шаклида ёзилган асарларга алоҳида эътибор берилди. Бунда таклиф этилган манбаларнинг академик лицей кутубхонасида мавжудлиги ҳам ҳисобга олинди.

Лойиҳанинг учинчи босқичи ўзида материални ўрганиш ва режалаштиришни акс эттирди. У ўз ичига “ишни бажариш режасини тузиш, лойиҳанинг ўзини тизимлаштириш”ни қамраб олди. Ш.Хужамбердиева ҳар бир лойиҳа аъзоси учун индивидуал иш режаси ва бажариш муддатларини тузган, шунингдек, материални танлаш жараёнини назорат қилиб борган. Бизнинг вазиятда гуруҳ дастлаб материални ўрганишга киришди. Яъни ўқувчилар академик лицей кутубхонасига боришди, таклиф этилган материални излашди, шунингдек, қўшимча манбаларни танлашди. Гуруҳий маслаҳатларда лойиҳа аъзолари ўқувчиларга танланган ва қайта ишланган материалларни кўрсатиб олишди, кейин навбатдаги бажариладиган ишлар учун режа тузишди, яъни материални яхлит кўринишда бирлаштириш, ишни расмийлаштириш, тақдимот қилиш вариантларини аниқлаш, ишни яқунлаш, шунингдек, вазифани бажаришнинг тахминий вақтини кўрсатишди. Шунини айтиб ўтиш керакки, ишнинг мазкур босқичида биз айрим ўқувчиларнинг зарур маълумотни конспект қила олмаслигига дуч келдик. Бизнинг вазифамиз танланган материалларни кўриб чиқиш ва унинг асосий жиҳатларини ажратиш, изоҳловчи саволлар бериш орқали ўқувчиларга ёрдам беришдан иборат бўлди. Мазкур босқичда ўқитувчининг иштироки ўқувчиларда мустақил ишлаш кўникма ва малакаларининг ривожланганлиги билан боғлиқликда турлича бўлиши мумкин.

Лойиҳавий фаолиятнинг тўртинчи босқичи ишни бажаришдир. Мазкур жараёнда лойиҳани ўқувчининг мустақил ўзи бажаришини назорат қилиш лозим, бу тадқиқотчилик фаолиятининг муҳим таркибий қисмларидан биридир. Мазур босқичда ўқувчиларнинг фаоллиги юқори даражада бўлади.

Н.Ю.Пахомова қайд этиб ўтганидек: “бу ерда ўқитувчи иштирок этмайди”, яъни “оддий кузатувчи”га айланади[77, 40-б.]. Бироқ ўқувчиларнинг қобилияти билан боғлиқликда ўқитувчи мазкур босқичда сўнгги ўринни эгалламайди, у кийинчиликларга дуч келган алоҳида ўқувчилар ёки гуруҳ учун маслаҳатчи ролини бажаради. Лойиҳани бажариш икки босқичда амалга ошади: 1) ишни ўзини ёзиш; 2) лойиҳани расмийлаштириш.

Лойиҳанинг бешинчи босқичи – ҳимоя. Бу лойиҳавий фаолиятнинг асосий мақсадларидан биридир. У ишни якунлаш, бошқалар томонидан ва ўз-ўзини баҳолаш учун зарур. Бир қарашда бутун иш жараёни лойиҳанинг сўнгги вариантни ёзишга йўналтирилгандек кўринади. Бироқ ҳимояда нафақат кўлёманинг ўзи, лойиҳалаш жараёни, фаолиятнинг амалга оширилиши – бу ўқувчиларнинг интеллектуал фаоллиги, уларнинг ижодкорлиги ва мустақиллиги ҳам баҳоланади. Яъни лойиҳа устида ишлаш натижалари фикрий фаолият жараёни, маълумотларни тўплаш, мавжуд билимларни қўллаш олиш, муаммони ҳал этиш ва ишнинг якуний вариантини ишлаб чиқиш кўринишида намоён бўлади.

Лойиҳани ҳимоя қилиш учун Ш.Хужамбердиева ўқув йилининг охирида алоҳида дарс ажратган, бундан ташқари методист-олиманинг қайд этишича, лойиҳавий гуруҳнинг тадқиқотчилик фаолияти гуруҳ ва академик лицейдаги иш билан параллел олиб борилган.

Бизнинг тадқиқотимизда лойиҳалар ҳимояси синфдан ташқари вақтда ўтказилди ва назорат гуруҳи ҳам иштирок этди.

Адабий кеча бошланишидан аввал хона махсус жиҳозлар билан безатилди. Бунинг учун Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Зулфия, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Ҳалима Худойбердиева, Муҳаммад Юсуф, Ойдин Ҳожиёва, Усмон Азим, Хуршид Даврон, Маҳмуд Тоир, Сирожиддин Саййид, Иқбол Мирзоларнинг портретлари; ўқувчилар чизган расмлардан фойдаланилди.

Гуруҳларнинг тақдироти билан “Фалокатли уруш йиллари” кичик лойиҳаси ҳимояси бошланади. Кўрғазмали восита сифатида уруш йилларига

доир фотосуратлар, расмлар, портретлардан тузилган газета-коллаждан фойдаланилди.

- Бугун биздан жуда ҳам оғир кечган Иккинчи жаҳон уруши йиллари йироқ, бу фожеанинг тирик иштирокчилари ҳам кам қолмоқда. Бироқ биз ХХІ асрда яшаётган одамлар улар ҳақида унутмаслигимиз лозим. Биз қандай йўқотишлар ҳисобига ғалабага эришилганлигини доим эсда сақлашимиз лозим. 9 майни Хотира ва Қадрлаш куни тарзида умумхалқ байрами сифатида нишонлаб келаётганимиз замирида ҳам айнан ана шу эзгу мақсад ётибди.

Ҳамон орамизда қанчадан-қанча уруш қатнашчилари, фронт ортида меҳнат-машаққат чекканлар бор. Ўтганларни хотирлаш, сафимизда юрганларнинг эса қадрига етиш керак.

“Лазги” қўшиғи янгради, гуруҳ аъзолари рақга тушишни бошлади. Тўсатдан экранда портлаган овоз эшитилди. Рақсга тушаётганлар жойларида қотиб қолишди. Мусиқа овози ўчди. Қуйидаги эълон берилди: “Бугун тонгги соат 4.00 да гитлер Германияси СССРга хиёнаткорона ҳужум қилди. Чегарани босиб ўтиб, шаҳарларни бомбардимон қила бошлади”. Иштирокчилар сахнадан шошиб чиқиб кетишди ва қайтадан ҳарбий кийимларда кириб келиб, сафланишди. Озода Нурсаидова ижросида “Битсин уруш” қўшиғи янгради. Сержант пайдо бўлди. Саф қадамига риоя қилган ҳолда юриб ўтди ва шеренгани бошида тўхтади.

Сержант: ўртоқ, “аскар”лар! Рақам бўйича сананг ва ўзингизни таништиринг!

Биринчи: Рахимов Фарход. Иккинчи: Азизова Фазилат. Учинчи: Исмоилов Отабек. Тўртинчи: Тўраев Қаҳрамон. Бешинчи: Умаралиева Зебинисо. Учинчи рақамдаги “аскар” ҳарбийча салом бериш, сафдан чиқиш, бошлиқ олдига келиш машқини бажарди. Қолган “аскарлар” ҳам навбати билан машқни бажаришди.

Сўнг гуруҳ аъзолари навбати билан халқимиз қалбида келажакка умид ва ишонч уйғотган, уруш майдонларида қон кечиб, жон бериб жанг қилган

азамат ўзбек йигитларини жасоратини куйлаган шоирларнинг унутилмас сатрларини ёдга олишди:

Ойбек. “Йиғи келмайди сира”*.

Йиғи келмайди сира,
Ғазабдан қақраган кўз.
Бу йўлларнинг яхидан
Лабимда қотипти сўз.
Қошлар, киприклар қиров,
Юраман хушсиз, ҳайрон.
Қорним оч, эсга келмас
Халтамдаги ғиштдек нон.

Ҳамид Олимжон. “Кўлингга қурол ол!”

Ҳаёт қайнаб тонг туманида,
Кўз илғамас эл ўрмонида,
Зўр ўлканинг қайноқ қонида
Ҳукм сурар сафарбар бир ҳол:
Кўлингга қурол ол!
Кўрсин десанг жаҳонни кўзим,
Ўссин десанг боғимда узум,
Умид билан ўстирган қизим
Десанг агар бўлмасин увол:
Кўлингга қурол ол!...

Ғафур Ғулум. “Сен етим эмассан” (Улуғ Ватан урушининг ота-онасиз қолган гўдакларга).

Сен етим эмассан,
Тинчлан, жигарим.
Қуёшдай меҳрибон
Ватанинг-онанг,
Заминдай вазмину
Меҳнатқаш, мушфиқ
Истаган нарсангни тайерлагувчи
Халқ бор- отанг бор.

Абдулла Орипов. “Аёл”

Йигитлар мактубин битганда қондан,
Келинлар фироқдан чекканда ёҳу,
Унинг ҳам паноҳи қайтмади жангдан,
Ўн тўққиз ёшида бева қолди у.

* Лойихавий фаолиятга асосланган адабий кеча сценарийсини ёзишда ўқувчилар шеърларни Хуршид Давроннинг kh-davron.uz/ электрон кутубхонасидаги тайёр вариантларидан фойдаланишган.

Севгидан етиму умрдан ярим,
Қуриган кўксида ёлғиз беланчак.
Абадий фироқни, ҳайҳот, дўстларим,
Абадий висол деб билди келинчак.

Шеърӣй парчалар ўқиб бўлинганидан сўнг, гуруҳ аъзолари сахнани тарк этишди. Шундан сўнг, “Тинчлик учун” кўшиғи куйи оҳиста янграй бошлади. Унинг мусикаси остида ўқувчилар билан викторина ўтказилди. Ҳар бир тўғри жавобни баҳолаш учун “танкча”лардан (ўқувчиларнинг ўзлари қўлда чизган) фойдаланилди:

1. Иккинчи жаҳон уруши нечанчи йилда бошланган?
2. Фашистлар собиқ Совет Иттифоқига нечанчи йилда ҳужум қилишган?
3. Жанг майдонларида ҳалок бўлганларнинг рўйхатини ўз ичига олган қандай китоб яратилган?
4. Урушда қанча ўзбеклар иштирок этган?
5. Уруш олови ичида қолган ҳудудлардан юртимизга қанча нафар киши кўчириб келтирилди?
6. Брест қалъаси ҳимоясида ватандошларимиздан кимлар иштирок этган?
7. Ҳамза Зарипов ротаси ҳақида нима биласиз?
8. “Темир, метин генерал” деб аталган ўзбек қўмондони ким?
9. Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 75 йиллиги муносабати билан қандай боғ барпо этила бошланди?
10. Кимлар уруш йилларида 14 болани фарзандликка олган эди?

Кейин иккинчи – “Ватан нимадан бошланади?” номли кичик лойиҳанинг тақдимоти ўтказилди. Ўқувчилар Севара Назархон ижросидаги “Улуғимсан Ватаним” кўшиғини хор бўлиб ижро этиб сахнага чиқиб келишди. Кейин “Ватан” сўзига ўзлари биргаликда ёзган шеърӣй таърифларни ўқиб беришди. Сўнгра уйда ҳар бири укаси, синглиси ёки жияни билан бирга ўқиган Ватан ҳақидаги шеърлардан тайёрлаган кичик роликларини намойиш этишди. Кичик гуруҳ раҳбари бошловчи сифатида

Ўқувчилар ўртасида Ватан ҳақидаги шеърлар бўйича баҳру байт ўтказди. Ўқувчилар Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Ҳалима Худойбердиева, Муҳаммад Юсупов, Ойдин Ҳожиева, Усмон Азимлар билан бирга Хуршид Даврон, Махмуд Тойир, Сирожиддин Саййид, Иқбол Мирзоларнинг ҳам шеърларидан парчалар ўқигани бизни қувонтирди.

Хуршид Даврон. “Ватан” шеъри.

Дилингизда бўлсин қувончи ғами,
Китобларда эмас, қоғозда эмас.
Бўзда яшайсизми, Бухородами,
Сиз билан баробар у олсин нафас.

Болангизни белаб кўйинг туш пайти,
Толлар беланчакни учирсин кўкка.
Аммо сиз бошида аллалар айтинг,
Ватан туйғусини солинг юракка...

Махмуд Тоир. “Момо ер” шеъри.

Шамолларнинг шокиласи дарахтларнинг бўйнидадир,
Тоғлар тошин дил изҳори ирмоқларнинг ўйнидадир,
Ошиқ булбул сир, хандаси ғунчаларнинг кўйнидадир,
Айтар сўзим сувратини, Момо ерим, ўзинг бердинг.
Майсаларинг шивирлашди, тизлар чўкдим, кулоқ бердим,
Билмай босиб чумолини гуноҳимга сўроқ бердим.

Сирожиддин Саййид. “Ватан қолар экан, ватан абадий” шеъри.

Шабнам-шабнам тонгларда
Жайронларга айланган,
Онани сувлар сепганда
Райҳонларга айланган,
Бир кечада соғинчинг
Осмонларга айланган,
Соғинчларингдай зангор
Осмонлари Ватандир.

Иқбол Мирзо. “Қўшиқ” шеъри.

Олисидаги маҳмадана, эй эски олчоқ,
Менга қадам ташламоқни ўргатмагин сен!
Ўзингга боқ, кейин, майли, ноғорангни қоқ,
Менга қандай яшамоқни ўргатмагин сен!

Тинчлик дея юрак бағри куйик элдир бу,
Яратганнинг қошида энг суюк элдир бу,

Ўтмиши ҳам, эртаси ҳам буюк элдир бу,
Менга қандай яшамокни ўргатмагин сен!

“Ватан нимадан бошланади?” кичик лойиҳаси иштирокчилари ўз тақдимотини ёш шоира Дилрабо Норқулова шеъри билан айтилган Озода Нурсаидованинг “Аждодлар” кўшиғини гитара чалган ҳолда жонли ижро қилиш билан яқунлашди.

Учинчи гуруҳ ўқувчилари “Бизни бунча қийнама, севги!” мавзусидаги кичик лойиҳа билан иштирок этишди. Гуруҳ таркибини фақат ўғил болалар ташкил этди, бу эса кутилмаган бўлди. Нима учун мазкур мавзунини танлаганликлари ҳақида сўралганида ўқувчилар шундай жавоб беришди: “Охири йўқ уруш, ўлим ва бахтсизлик ҳақида эмас, севги ҳақида ёзишни маъқул кўрдик”, деб жавоб беришди. Ўқувчилар лойиҳани тайёрлашга жуда масъулиятли ёндашишганига гувоҳ бўлдик. Тавсия этилган адабиётларни чуқур ўрганишган, катта юрак кўринишида коллаж тайёрлашган ва унинг ичига шеърлар, шоирларнинг портретлари, расмларни жойлаштиришган. Ўқувчилар шеърларни танлаб олишда ҳам юксак бадиий дид билан ёндашганлиги улар ўқиган парчалардан аниқ билинди:

Эркин Воҳидов. “Севги” шеъри.
Ўн саккизга кирмаган ким бор,
Боғингдан гул термаган ким бор.
Сен ҳақингда ёзиб тўрт сатр,
Сирдошига аста кўрсатиб,
Кўшни кизга бермаган ким бор.

Дастлаб ҳар ким қалам олган он
Ёниб сени куйлар бегумон.
Маскан куриб ҳар бир кўнгилдан,
Ошиқларни қолдириб тилдан,
Шоирларни қилурсан бийрон.

Махмуд Тоир. “Халқона” шеъри.

Қат-қатгина қатлама,
Қатларида ёғи кўп.
Ким севишни билмаса,

Юрагида доғи кўп.
Ош икликдан ор қилган,
Оро йўлда оввора.
Муҳаббатни хор қилган,
Яшар абад дилпора.

Иқбол Мирзо. “Мактуб” шеъри.

Сендан мактуб олдим: бўм-бўш бир варақ,
Юрак сенсиз бўм-бўш деганингми бу?
Ёки оқ ниятга ёзувсиз бир шарҳ,
Ёки бўш кўнглимга тутдингми кўзгу?

Ёки муз ўлкасин эслатиб шундоқ
Ёдга солмоқчисан қиш-қаҳратонни?
Ёки совуганман дедингми мутлоқ,
Беҳуда ўтларга солма деб жонни.

Лойиҳа технологиясининг сўнгги босқичи – рефлексия ёки ўз-ўзини баҳолаш. Мазкур босқичда ўқувчилар лойиҳавий фаолият бўйича таассуротлари асосида кичик эссе ёзишди. Қуйида биз тажриба ва назорат гуруҳи ўқувчиларнинг эсселаридан айримларини намуна (услубий тузатишларсиз) сифатида келтирамиз:

- “Менга бундай иш тури жуда ёқди: биз ҳаммамиз битта команда бўлиб меҳнат қилдик, ҳеч ким ишсиз қолмади. Мен бундай адабий кечалар кўпроқ бўлишини хоҳлар эдим. Унга тайёрланиш жараёнида биз китоблар билан ишлашни ўргандик, ўзимизнинг дунёқарашимиз, сўз бойлигимиз ошди. Менимча, бажарилган иш ҳаётимизда, ўқишда бизга ёрдам беради” (Г.Отахонова).

- “Қачонки, мен ишлайдиган гуруҳ аниқ бўлганда менинг хаёлимдан ҳар доимгидек, ҳаммамиз ўзимизча ишлаймиз деган фикр ўтди, бироқ ҳаммаси бу сафар бошқача бўлди. Биз дарсдан кейин қолиб, топшириқларни тақсимладик, сценарий ёзиш, газетани расмийлаштириш ҳақида келишиб олдик, бир-биримизнинг ўқиганларимизни тингладик. Бу бизга нафақат яхши тайёргарлик кўриш, балки бир-биримизни янада яқиндан билиш имконини берди. Энди мен кимга кўпроқ суянишни, кимда нимага қизиқиш ва интилиш

кучли эканлигини биламан. Менга гуруҳ билан ишлаш жуда ёқди” (М.Ибодов).

- “Менга лойиҳа устида ишлаш жуда ёқди. Ҳар биримиз ўзимиз танлаган шоир ҳақида маълумотлар излаб топдик. Ҳамма ўз ишига қизиқиб ёндашди, ҳеч ким бекор қолмади. Гуруҳда ишлаш дўстликка ўргатади, қизиқишни оширади, меҳнат қилишга одатлантиради. Шунини гувоҳи бўлдимки, айрим болалар биринчи марта омма олдида шеърни ёддан ва ифодали ўқишга ҳаракат қилишди, кутубхонага ҳам ўзлари хоҳлаб боришди. Кутубхоначи уларни биринчи марта кўриб, ҳайрон қолди. Менинг фикримча, лойиҳа технологиясидан академик лицейда кўпроқ фойдаланиш керак, чунки бундай иш шакли бизга кўп ёрдам беради” (М.Аскархўжаева).

- “Шеърят мени ҳеч қачон ўзига қизиқтирмаган. Бироқ менга Интернетдан замонавий ўзбек шеърляти ҳақида маълумотлар топишни айтишганда, очиғи бу ишни қилишни ёқтирмай бошладим. Шунини ҳам англадимки, шеърлар асарлар берилган сайтларга одамлар кам кирар экан. Интернетдан Хуршид Давроннинг электрон кутубхонасини топганимдан кейин фикрим ижобий томонга ўзгарди. Унинг кутубхонасида ҳар бир шоирнинг туғилган куни муносабати билан аввал жуда таъсирчан фикрлар орқали ижодига таъриф берилиб, кейин шеърларидан намуналар берилган. Ўртоқларимга ҳам шоир кутубхонасидан фойдаланишни ўргатдим. Шунинг учун биз шеърларга тавсиф беришда ҳам қийналмадик” (Ж.Хўҷамов).

- “Мен бундай адабий кечага биринчи марта қатнашдим. Мен бу гуруҳдаги кўп болаларни биламан. Лекин ҳеч қачон шу ўғил болалар севги-муҳаббат ҳақида шундай яхши гапира олади, деб ўйламасдим. Кўриниб турибди ҳамма болалар яхши тайёргарлик кўришган ва ҳаракат қилишган. Мен шоирлар ҳақида кўп нарса билиб олдим, менга бир қанча шеърлар жуда ёқди. Гулсанам Мамазоитова ижро қилган “Менга қандай яшамокни ўргатмагин сен” шеърининг муаллифи Иқбол Мирзо эканлигини бугун билдим. Бугунги кунги кеча менга шеърятнинг ҳали номаълум бўлган

томонларини очиб берди, энди кўпроқ шеърӣ сайланмаларни очиб ўқийман” (А.Менглиева).

Адабий кеча сўнггида химояда иштирок этган назорат гуруҳи ўқувчиларига ҳамма шеърӣятга ошно бўлиши учун академик лицейнинг иккинчи қаватидаги даҳлизда газета-коллажларни илиб қўйиш топширилди, ўқувчилар ишлаб чиққан сценарийлар эса, тўплам кўринишида бирлаштирилди ва академик лицей кутубхонасига топширилди.

Шундай қилиб, ўқувчиларнинг мустақил мутолаа маданиятини ривожлантиришда лойиҳа технологиясидан фойдаланиш комплекс таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи вазифаларни ҳал этиш имконини берди: интеллектуал ва амалий фаолият жараёнида мустақил ишлаш малакаларини ривожлантириш; шахсга йўналтирилган таълимни фаол қўллаш; фаолиятга йўналтирилган ва компетенциявий ёндашувларни татбиқ этиш; ўқувчиларнинг гуруҳий ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этиш.

Иккинчи боб бўйича хулоса

1. Ўспирин китобга турли-туман, у ёки бу сабаблар таъсири остида муружаат қилади. Мутолаа маданияти даражасини кўп жиҳатдан китоб танлаш, яхлитликда ўқиш мотивлари белгилаб беради. Мутолаага эҳтиёж, мотивация ва қизиқишнинг мустаҳкам ўзаро алоқадорлигини таъминлаш ёш китобхонни шакллантириш ва ривожлантиришнинг зарурий шарти бўлиб хизмат қилади.

2. Ўқувчиларнинг мутолаага қизиқиши қизиқишнинг махсус шаклларида бирини акс эттиради. Билишга қизиқиш ахборотни ўзлаштириш ва қайта ишлашдан иборат. Воқеликлар жараёнига иштирок этишга қизиқиш инсонни бошқа одамларнинг туйғулари билан ҳамроҳ бўлишига имкон беради. Қизиқишнинг мазкур икки тури бадиий асарни ўқиш жараёнида ўзаро уйғун тарзда намоён бўлади.

3. Ўқувчиларда мутолаа маданиятини ривожлантиришнинг устувор тамойили сифатида гендер тафовутларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Мустақил ўқишни ташкил этишда шахсга йўналтирилган ёндашувни қўллаш гендер тафовутларни ҳам ҳисобга олиш тақозо этади.

4. Муаммо доирасида ўрганилган махсус адабиётлар таҳлили ўқувчининг китобга қизиқишини шакллантиришга қўплаб ижтимоий-педагогик омиллар таъсир этиши кўрсатди. Уларнинг орасидаги энг муҳим омиллар қўйидагилар: жамиятда китобхонлик ва мутолаа маданиятининг кенг тарғиб қилиниши; оммавий ахборот воситалари (телевидение, Интернет); шахсни тарбиялаш ва ривожлантиришнинг ижтимоий-маданий муҳити сифатида оила; академик лицей ва ижтимоий институтлар; таълим муассасалари кутубхоналари ва болалар кутубхоналари; тенгдошлари, дўстлари, ўртоқлари; оммавий ўқишни ташкил этиш бўйича ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирлар.

5. Мутолаа маданиятини ривожлантириш жараёни китобхон-ўқувчида фанга доир билимларни ўзлаштириш ва қўллаш, уларни ўзлаштиришнинг янги шакллари эгаллаш, шунингдек, китобхонлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишга йўналтирилган фаолликни таркиб топтиришни талаб этади. Ана шундан келиб чиққан ҳолда шундай хулосага келиш мумкинки, ўқувчиларнинг мутолаа маданиятини ривожлантиришнинг етакчи мақсади ва таркибий асоси сифатида махсус ташкил этилган китобхонлик фаолиятини ривожлантириш, асарни идрок этиш ва тушунишга ўргатиш ташкил этади.

6. Адабий таълим жараёнида бадиий асарларни ўқиб-ўрганиш самарадорлиги мақсад ва вазифаларни аниқлаштириш, мазкур жараён тамойиллари, шарт-шароитлари, мезонларини белгилаш, дидактик таъминотни ишлаб чиқиш, кутиладиган натижаларни ойданлаштиришни талаб этади. Ана шу сабабли тадқиқот доирасида адабий таълим жараёнида ўқувчиларда мутолаа маданиятини ривожлантиришнинг педагогик тизими ишлаб чиқилди.

7. Адабиёт фанини ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг мустақил ўқиш фаолиятини ташкил этишнинг анъанавий турлари билан бирга, унинг янги ва самарали усуллари қўллаш методикасини такомиллаштиришга алоҳида эҳтиёж сезилмоқда. Академик лицей ўқувчиларининг мустақил ўқиш фаолиятини ташкил этишнинг самарали усуллари билан бири – лойихавий фаолиятдир.

8. Лойиҳа методи ўқувчиларда мутолаа маданиятини ривожлантириш технологиясининг таркибий қисми сифатида бир нечта фаолият босқичларига эга. Бизнинг тадқиқот предметимизга татбиқан мазкур метод қуйидаги босқичларни ўз ичига олди: тайёрлов (мақсадни аниқлаштириш), манбаларни танлаш, материалларини ўрганиш ва режалаштириш, бажариш, тақдирот ва рефлексия.

III БОБ. АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ЎҚУВЧИЛАРИДА МУТОЛАА МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ САМАРАДОРЛИГИ

3.1-§. Ўқувчиларда мутолаа маданиятини ривожлантиришга доир шакллантирувчи тажриба-синов ишлари натижалари

Шакллантирувчи тажриба-синов ишлари адабий таълим жараёнида аудитория ва аудиториядан ташқари машғулотларда ўқувчиларнинг мутолаа маданиятини ривожлантириш уларнинг китобхонликка қизиқишларини ошириш, бадиий адабиётга шахсий муносабатини қарор топтиришга имкон берди.

Шакллантирувчи тажриба-синов ишлари дастури қуйидаги бўлимларни ўз ичига қамраб олди:

- тажриба-синов босқичларини аниқлаштириш;
- тажриба-синовни ўтказиш учун назарий маълумотлар, мавзулар, матнларни танлаш;
- адабий мавзуларни ўрганиш тизимида тажрибавий дарсларнинг ўрнини аниқлаш;
- мақбул иш метод ва воситаларини танлаб олиш;
- натижалар мониторинги.

Тажриба-синов ишларини ташкил этишда биз қуйидаги тамойилларга асосландик:

- тадқиқот муддатининг давомийлиги;
- турли тадқиқот натижаларини таққослаш;
- алоҳида ҳолатларда тажриба-синов ишларининг ташкил этилишига мунтазам тузатишлар киритиб бориш.

Ўқувчиларнинг мутолаа маданиятини ривожлантиришнинг яқуний босқичида китобхонликка қизиқишларини шакллантиришга психологик-педагогик ёндашув асосида тадқиқот методлари аниқлаштирилди. Тажриба-синов ишларини ташкил этишда асосий метод сифатида педагогик

эксперимент белгиланди. Бундан ташқари қуйидаги методлардан ҳам фойдаланилди:

- тажриба ва назорат гуруҳлари ўқувчиларида китобхонлик компетенцияларининг шаклланганлик даражасини таққослашга имкон берадиган қиёсий таҳлил методи;

- аудиториядан ташқари жараёнда ўқувчиларнинг мустақил ўқишини ташкил этиш жараёнини моделлаштириш;

- анкета;

- кузатиш;

- ташхис;

- суҳбатлар.

Тажриба ишлари табиий шароитларда, яъни ўқув жараёнининг боришига таъсир кўрсатмасдан одатдаги дарс шаклида ўтказилди.

Бадиий асарларни ўрганишга доир назарий хулосаларга доир тажрибавий назоратни ташкил этиш асосида тадқиқотнинг мақсади ва аниқ вазибалари аниқлаштирилди.

Тадқиқотнинг мақсади илмий изланиш асосини ташкил этувчи фарозларни (ўқувчиларнинг гендер хусусиятларини ҳисобга олиш асосида ўқувчиларнинг мутолаа йўналиши ва мотивларини аниқлаш учун мунтазам мониторингини ўқатиш; мустақил ўқиш дарсларида замонавий таълимий технологияларидан (лойиҳавий фаолият) фойдаланиш; ўқувчилардаги кадриятлар тизимини ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда мустақил ўқиш учун замонавий бадиий асарларнинг тавсиявий рўйхатини оқилона танлаш) текширишдан иборат этиб белгиланди. Биз асосий эътиборни ўқувчиларда китобхонликка қизиқишни таркиб топтириш орқали мутолаа маданиятини ривожлантиришга қаратдик. Ана шу мақсад билан тажриба-синов учун боғлиқликда адабий ва умумий ривожланиш даражаси бир хил академик лицей ўқувчилари танланди. Бири тажриба ва иккинчиси назорат гуруҳи сифатида белгиланди, замонавий ўқувчининг китобхон сифатида шаклланиш тизими текширилди.

Гуруҳларни тайёрлашда асосий фарқ сифатида биринчидан, тажриба гуруҳларида адабиёт бўйича мустақил ўқиш машғулоти мазмунига тузатишлар киритилди; иккинчидан, ўқувчиларнинг адабиётга шахсий муносабатини ривожлантириш мақсадида мақсадга йўналтирилган ишларни ташкил этиш аниқ белгилаб олинди. Назорат гуруҳларида анъанавий ўқитиш амалга оширилди. Тажрибанинг вариатив объекти сифатида ўқув материали мазмуни ва ҳажми, таълим технологияси белгилаб олинди. Бир хил шарт-шароитга эга ўқув жараёнини ташкил этишга ўзгартириш киритилмади. Дарсларнинг бориши ва ўқувчиларнинг ишлари тизимли равишда қайд этиб борилди.

Тажриба-синов ишлари натижалари ўспирин-китобхоннинг диди ва ёши билан боғлиқ нуқтаи назарларининг мураккабланишини ҳисобга олиб, адабиёт ўқитувчиси унинг учун юқори ўринда турувчи ахлоқий-эстетик эҳтиёжларни ривожлантириш лозимлигини кўрсатди. Мазкур жараёнда ўспиринлар учун адабиётларни танлашда қуйидаги муҳим жиҳатлар: уларда ўқиладиган асарларнинг мавзуси, услубиёти, анъанавий сюжетли-композицион ечимларининг янгиланишига ёрдам беради, бадиий асарларни юксак даражада идрок этиш малакасини таркиб топтиради.

Тажриба-синов ишларининг якуний босқичида тадқиқот натижалари таҳлил қилинди ва тизимлаштирилди. Тажриба-синов ишлари сўнггида ўқувчиларда адабий малакаларни ривожлантириш, бадиий асарларни идрок этиш даражасининг якуний натижаси тақдим этилди. Тажрибавий таълимнинг алоҳида бўғинларига тузатишлар киритилди.

Якуний натижаларни математик қайта ишлаш ёрдамида қуйидаги натижалар қўлга киритилди:

- ўқувчиларда мутолаа маданиятини ривожланганлигининг бошланғич ва якуний даражалари, уларни ривожлантиришнинг ижобий динамикаси ҳақидаги маълумотлар;

- 2 курсларда ўтказилган адабиёт фани бўйича ёзма имтиҳон натижалари.

Тажриба ва назорат гуруҳлари ўқувчиларида мутолаа маданиятининг ривожланганлик даражасини аниқлаш учун қайта мониторинг ўтказилди. Тажриба-синов ишлари жараёнида қўлланилган анкета саволлари диссертациянинг 1.3-параграфида келтириб ўтилган.

Агар 1 курс тажриба ва назорат гуруҳи ўқувчиларида мутолаа йўналишлари таққосланганда бир хил кўрсаткичлар кўзга ташланса, 2 курс тажриба гуруҳи ўқувчиларида замонавий ўзбек ёзувчилари ва шоирларининг асарларини ўқишга қизиқиш юқори эканлигига гувоҳ бўлиш мумкин (3.1.1-жадвалга қаранг).

3.1.1-жадвал

Тажриба бошида ўқувчиларнинг мутолаа йўналишлари (фоиз ҳисобида)

Мутолаа йўналишлари	Тажриба гуруҳи (1 курс)	Назорат гуруҳи (1 курс)
Мумтоз адабиёт	21%	18%
XIX аср чет эл адабиёти	19%	17%
XX аср ўзбек адабиёти	28%	26%
Жаҳон адабиёти	17%	14%
Замонавий адабиёт	37%	29%

3.1.2-жадвал

Тажриба сўнгида ўқувчиларнинг мутолаа йўналишлари (фоиз ҳисобида)

Мутолаа йўналишлари	Тажриба гуруҳи (2 курс)	Назорат гуруҳи (2 курс)
Мумтоз адабиёт	34%	19%
XIX аср чет эл адабиёти	32%	18%
XX аср ўзбек адабиёти	42%	27%
Жаҳон адабиёти	29%	15%
Замонавий адабиёт	51%	30%

Асар муаллифларини танлашда ҳам назорат гуруҳлари билан таққосланганда тажриба гуруҳларида сезиларли ўзгариш кўзга ташланади. 1-ва 2-курс ўқувчилари XIX-XX адибларидан Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Саид Аҳмад кабиларнинг асарларини ўқиганликларини қайд этиб ўтишган. 2 курс тажриба ўқувчилари мутолаа қилган асарлар орасида замонавий ўзбек ёзувчилари ва шоирлари

номлари кўпчиликини ташкил этади: Тоҳир Малик, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Муҳаммад Юсуф, Ўткир Ҳошимов, Сирожиддин Саййид, Улуғбек Ҳамдам, Иқбол Мирзо ва ҳ.к.

Тажриба ва назорат гуруҳи ўқувчиларининг қўшимча адабий билимларни эгаллаганлик даражасини аниқлаш учун Улуғбек Ҳамдамнинг “Мувозанат” романига кенгайтирилган тақриз ёзиш топшириғи берилди ҳамда бадиий матнни таҳлил ва талқин қилиш учун қуйидаги мезонлар белгилаб олинди:

- жанр хусусиятларининг ўзига хослигини белгилай олиш;
- муаллифлик нуқтаи назари ва унинг ифодавий усуллари аниқлаш;
- композициянинг ўзига хосликларини ажратиш;
- романга умумий баҳо бериш ва ҳ.к.

3.1.3-жадвал натижалари қўшимча адабий билимлар ва мутолаа кўникмаларини эгаллаганлик даражасини акс эттиради. Натижалар таҳлили бадиий асарнинг жанр хусусиятларини аниқлаш кўникмаси назорат гуруҳига караганда тажриба гуруҳида юқори эканлигини кўрсатади (88,5% ва 57,7%). Муаллифлик нуқтаи назари ва романга умумий баҳо бериш масалалари бўйича ҳам ўсиш кўрсаткичлари яққол кўзга ташланади (76,9% ва 30,8%; 61,4% ва 29,2%). Бу эса тадқиқот давомида тажриба гуруҳларида билимларни мустаҳкамлаш, кўникма ва топшириқлар тизимини такомиллаштириш бўйича мақсадга йўналтирилган ишларни ташкил этиш имконини берди.

3.1.3-жадвал

Мутолаа кўникмаларининг шаклланганлик даражаси (фоиз ҳисобида)

Мутолаа кўникмалари	Тажриба гуруҳи	Назорат гуруҳи
Композициянинг ўзига хосликларини ажратиш	69,2%	58,3%
Муаллифлик нуқтаи назари ва унинг ифодавий усуллари аниқлаш	76,9%	30,8%
Жанр хусусиятларининг ўзига хослигини белгилай олиш	88,5%	57,7%
Романга умумий баҳо бериш	61,4%	29,2%

Гувоҳи бўлганимиздек, тажриба гуруҳи ўқувчилари кўпроқ замонавийлик билан боғлиқ мавзуларни танлашади, назорат гуруҳларига қараганда ёзган ишларининг кириш ва хулоса қисмида улардан намуна сифатида фойдаланишади.

Биз томонимиздан танланган методиканинг академик лицейда адабий таълимнинг якуний босқичида ўқувчиларнинг мутолаа маданиятини ривожлантириш жараёнида китоб ўқишга кадриятли муносабатни таркиб топтиришга имкон беришига ишонч ҳосил қилиш мақсадида тажриба ва назорат гуруҳларида ўтказилган ёзма имтиҳон (иншо) натижалари қиёсий таҳлил этилди (3.1.4-жадвалга қаранг).

3.1.4-жадвал

Адабиёт фанидан ўтказилган ёзма имтиҳон натижалари

Гуруҳлар	Ўқувчилар сони	2 курс			
		“5”	“4”	“3”	“2”
Тажриба	175 – 100 %	45,5	154	106,75	0
		26	88	61	0
Назорат	155 – 100 %	15,75	70	176,75	8,75
		9	40	101	5

Олинган натижаларни умумлаштириш мақсадида қуйидаги мезонлар бўйича тажриба ва назорат гуруҳининг ўзлаштириш кўрсаткичлари таҳлил этилди (3.1.5-жадвалга қаранг).

3.1.5-жадвал

Ўқувчиларда мутолаа маданиятини ривожланганлигининг мезон кўрсаткичлари

Мезонлар	Асословчи босқич		Назорат босқичи	
	ТГ*	НГ**	ТГ*	НГ**
Билиш фаоллиги	47%	39%	67%	55%
Асарни чуқур ўрганиш	45%	37%	72%	56%
Билимларни тизимлилиги	55%	48%	74%	57%
Эмоционал муносабат	59%	51%	81%	59%
Ижодкорликка интилиш	63%	55%	90%	60%
Оғзаки ва ёзма баён қилиш қобилияти	56%	54%	86%	61%

Изоҳ: ТГ* – тажриба гуруҳи; НГ** – назорат гуруҳи.

Олинган натижалар асосида хулоса қилиш мумкинки, агар тажрибагача адабий билимлар тизимга солинмаган, эпизодик характер касб этди, тажриба-синовдан сўнг ўқувчиларнинг ўзлаштириш кўрсаткичи сезиларли даражада ўсди. Бу эса, таянч ва қўшимча адабий билимлар ривожда ижобий тенденцияларнинг мавжудлигидан гувоҳ беради. Тадқиқот жараёнида асосий кўзга кўринадиган қуйидаги тенденция кузатилди: тажриба гуруҳларида махсус тадқиқотни ўтказиш орқали ўқувчиларнинг қўшимча адабий билимларни ўзлаштириш даражаси ўсди, билиш фаоллиги ошди, назарий билимлар ва амалий тажрибани ўзлаштиришнинг юқори даражасига эришилди.

Тажриба гуруҳи ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаси ва сифатига таъсир кўрсатувчи сабаблар орасидан қуйидагиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:

- аудиториядан ташқари ўқиш дарсларига жалб этиш ва замонавий муаллифларнинг асарларини мустақил ўқишга тавсиялар бериш;
- аудиториядан ташқари машғулотларда ноанъанавий технологиялар ва қўшимча адабий таълим шаклларида самарали фойдаланиш;
- тажрибавий таълим шароитида ўқитишни ташкил этилиши ва китобхонлик учун қулай муҳитнинг яратилганлиги.

3.2-§. Тажриба-синов ишларининг статистик таҳлили

Педагогик тадқиқотларда тажриба синов ишларида олинган натижаларнинг ҳаққонийлиги ва самарадорлиги текшириш мақсадида математик статистика усулларида фойдаланилади. Шунинг учун биз тадқиқот ишимиздаги натижаларни текшириш мақсадида статистик усуллардан бири Фишер критериясидан фойдаланиб статистик таҳлилни ўтказдик. Бунинг учун қуйидаги статистик формулалардан фойдаланилди:

Фишер критериясининг эмпирик қийматини ҳисобловчи формуласи:

$$\varphi_{\text{эмп}} = |2\arcsin\sqrt{p_1} - 2\arcsin\sqrt{p_2}| \cdot \sqrt{\frac{n_1 \cdot n_2}{n_1 + n_2}}$$

Бу ерда p_1, p_2 ўзлаштириш кўрсаткичлари, n_1, n_2 лар мос равишда назорат ва тажриба гуруҳидаги талабалар сони, $\varphi_{\text{крит}}(0,05) = 1,67$

Ушбу мезон асосида қуйидаги статистик гипотезани илгари сурамиз.

H_0 гипотеза сифатида $\varphi_{\text{эмп}} < \varphi_{\text{крит}}$ яъни олинган натижаларда фарқ йук,
 H_1 гипотеза сифатида эса $\varphi_{\text{эмп}} > \varphi_{\text{крит}}$ яъни олинган натижаларда фарқ мавжуд ва у самарадорликка эга деб оламиз.

Олинган натижалар фарқини ва самарадорликнинг ҳаққонийлигини текшириш мақсадида иккинчи педагогик гипотезани илгари сурамиз. Яъни танланган гуруҳларда қайд этилган ўртача қиймат кўрсаткичлари $X=Y$ ёки $X<Y$ деб H_0 гипотеза илгарги сурилади, яъни тажриба гуруҳидаги ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи назорат гуруҳларидаги ўртача ўзлартириш кўрсаткичларида ҳеч қандай фарқ йўқ. H_1 гипотеза сифатида $X>Y$ деб олиниб, тажриба гуруҳларида назорат гуруҳларидаги ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари ўзлартириш кўрсаткичларидан катта, улар самарадорликка эгаллиги ва унинг коэффиценти аниқланади. Бу гипотезани текшириш мақсадида Фишернинг критик ва эприк қийматлари ҳам таққосланади. Агар $\Phi(t_{\text{кр}}) > \Phi_{\text{эмп}}$ бўлса H_0 гипотеза, акс ҳолда H_1 гипотеза қабул қилинади. Бу ерда $\Phi(t_{\text{кр}}) = \frac{1-2\alpha}{2}$ Лаплас функцияси статистика учун критик нуқта $t_{\text{кр}}$ ҳисобланади. Статистик аломатларни қийматдорлик даражасини $\alpha=0,05$ деб қабул қилиш ананасига кўра Лаплас функцияси жадвалидан статистик таҳлил учун критик нуқта ($t_{\text{кр}}$) ушбу тенглама билан аниқланади:

$$\Phi(t_{\text{кр}}) = \frac{1-2\alpha}{2} = \frac{1-2*0,05}{2} = 0,45$$

У ҳолда, $t_{кр} = 1,67$ га тенг бўлади. Фишернинг эмприк қиймати

$\Phi_{эмп} = \frac{\bar{X} - \bar{Y}}{\sqrt{\frac{D_m}{M} + \frac{D_n}{N}}}$ формула орқали ҳисобланади. Юқоридаги гипотезага

нисбатан эмприк қийматни ҳисоблашда $X > Y$ бўлиши талаб этилади.

$$\bar{X} = \frac{1}{m} \sum_{i=1}^{n=4} n_i x_i \quad \bar{Y} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^{n=4} n_i y_i$$

Бу формулада D_m ва D_n танланма дисперция ҳисобланиб у қуйидаги формулалар асосида ҳисобланади

$$D_m = \left(\sqrt{\sum_{i=1}^m m_i (x_i - \bar{x})^2 / m - 1} \right) \quad D_n = \left(\sqrt{\sum_{i=1}^n n_i (y_i - \bar{y})^2 / n - 1} \right)$$

Самарадорликни аниқловчи формула $\eta = \frac{\bar{X}}{\bar{Y}}$ дан фойдаланади.

Ўртача қийматларнинг ишонч оралиғи эса:

Статистик текшириш учун қийматдорлик даражасини $1 - \alpha = 0,95$ деб олсак, $\alpha = 0,05$ ишончлилик билан математик кутилишни баҳолаш учун ишончлилик орлиғини топамиз.

$$\bar{X} - t_{кр} \cdot \frac{D_m}{\sqrt{m}} \leq a_x \leq \bar{X} + t_{кр} \cdot \frac{D_m}{\sqrt{m}} ;$$

$$\bar{Y} - t_{кр} \cdot \frac{D_n}{\sqrt{n}} \leq a_y \leq \bar{Y} + t_{кр} \cdot \frac{D_n}{\sqrt{n}}$$

Юқоридаги жадваллардан математик-статистик таҳлилни ўтказиш учун ўртача умумлашган кўрсаткичлар олинди.

3.1.1-жадвал асосида тажриба бошида ўқувчиларнинг мутолаа йўналишлари (фоиз ҳисобида) олинган натижаларнинг статистик таҳлигини келтирамыз.

Фишер критериясининг эмприк қийматини ҳисобловчи формуласи асосида XIX аср мумтоз адабиётидан олинган натижаларда $p_1 = 21\%$, $p_2 = 18\%$ ўзлаштириш кўрсаткичлари, $n_1 = 175$, $n_2 = 155$ лар мос равишда назорат ва тажриба гуруҳидаги талабалар сони, $\varphi_{крит}(0,05) = 1,67$

$$\varphi_{\text{ЭМП}} = |2\arcsin\sqrt{0,21} - 2\arcsin\sqrt{0,8}| \cdot \sqrt{\frac{175 \cdot 155}{175+155}} = 0,69$$

$$\varphi_{\text{ЭМП}} = 0,69 < \varphi_{\text{крит}} = 1,67 \text{ бўлгани учун } H_0 \text{ гипотеза қабул қилинади,}$$


яъни тажриба ва назорат гуруҳларида олинган натижаларда фарқ йук, Бундан кўринидаки тажриба бошидаги тажриба ва назорат гуруҳларидаги ўқувчиларнинг билим даражаси бир хил.

Мутолаа йўналишлари бўйича ҳисоб жадвалини келтирамиз (3.2.1-жадвалга қаранг).

3.2.1-жадвал

Мутолаа йўналишлари бўйича ҳисоб жадвали (тажриба аввалида)

Мезонлар	Тажриба гуруҳи	Назорат гуруҳи	$\varphi_{\text{ЭМП}}$	$\varphi_{\text{крит}}$	Критерий хулосаси
Мумтоз адабиёт	21,0%	18,0%	0,69	1,67	H_0
XIX аср чет эл адабиёти	19,0%	17,0%	0,47	1,67	H_0
XX аср ўзбек адабиёти	28,0%	26,0%	0,41	1,67	H_0
Жаҳон адабиёти	17,0%	14,0%	0,75	1,67	H_0
Замонавий адабиёт	37,0%	29,0%	1,55	1,67	H_0




3.2.1-расм. Тажриба аввалидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари (фоиз ҳисобида)

3.1.2-жадвал асосида тажриба сўнгида ўқувчиларнинг мутолаа йўналишлари (фоиз ҳисобида) олинган натижаларининг статистик жадвалини ва диаграммасини келтирамиз (3.2.2-жадвалга қаранг).

3.2.2-жадвал

Мутолаа йўналишлари бўйича ҳисоб жадвали (тажриба сўнгида)

Мезонлар	Тажриба гуруҳи	Назорат гуруҳи	$\varphi_{\text{эмп}}$	$\varphi_{\text{крит}}$	Критерия хулосаси
Мумтоз адабиёти	34%	19%	3,11	1,67	H_1
XIX аср чет эл адабиёти	32%	18%	2,96	1,67	H_1
XX аср ўзбек адабиёти	42%	27%	2,88	1,67	H_1
Жаҳон адабиёти	29%	15%	3,10	1,67	H_1
Замонавий адабиёт	51%	30%	3,91	1,67	H_1




3.2.2-расм. Тажриба сўнгида ўқувчиларнинг мутолаа йўналишлари (фоиз ҳисобида)


3.1.3-жадвал асосида мутолаа кўникмаларини эгаллаганлик даражаси (фоиз ҳисобида) келтирилган натижалар асосида статистик ҳисоб жадвалини келтирамиз (3.2.3-жадвалга қаранг).

Мезонлар бўйича ўқувчиларда мутолаа кўникмаларининг шаклланганлик даражаси

Мезонлар	Асословчи босқич					Назорат босқичи				
	Ўзлаштириш кўрсаткичи (%)		эмприк киймат	критик киймат	Критерий хулосаси	Ўзлаштириш кўрсаткичи (%)		эмприк киймат	критик киймат	Критерий хулосаси
	ТГ	НГ				ТГ	НГ			
Билиш фаоллиги	0,47	0,39	1,47	1,67	H_0	0,67	0,55	2,24	1,67	H_1
Асарни чуқур ўрганиш	0,45	0,37	1,48	1,67	H_0	0,72	0,56	3,04	1,67	H_1
Билимларни тизимлилиги	0,55	0,48	1,27	1,67	H_0	0,74	0,57	3,27	1,67	H_1
Эмоционал муносабат	0,59	0,51	1,46	1,67	H_0	0,81	0,59	4,42	1,67	H_1
Ижодкорликка интилиш	0,63	0,55	1,48	1,67	H_0	0,9	0,6	6,58	1,67	H_1
Оғзаки ва ёзма баён қилиш қобилияти	0,56	0,54	0,36	1,67	H_0	0,86	0,61	5,28	1,67	H_1



3.2.3-расм. Асословчи тажриба натижалари диаграммаси




3.2.4.-расм. Назорат босқичи натижалари диаграммаси

3.1.4-жадвалдаги ўқувчиларда мутолаа маданиятини ривожланганлиги мезон кўрсаткичлари асосида олинган натижаларнинг статистик ҳисоб жадвали ва диаграммаси қуйидаги кўринишга эга бўлди (3.2.4-жадвалга қarang).

3.2.4-жадвал
Ўқувчиларда мутолаа маданиятини ривожланганлиги мезонлари бўйича статистик жадвал

Мезонлар	Назорат гуруҳи	Тажриба гуруҳи	$\varphi_{\text{ЭМП}}$	$\varphi_{\text{КРИТ}}$	Критерия хулосаси
	Ўзлаштириш кўрсаткичи (%)	Ўзлаштириш кўрсаткичи (%)			
	ТГ	НГ			
Композициянинг ўзига хосликларини ажратиш	69,2%	58,3%	1,92	1,67	H_1
Муаллифлик нуқтаи назари ва унинг ифодавий усуллари аниқлаш	76,9%	30,8%	3,40	1,67	H_1
Жанр хусусиятларининг ўзига хослигини белгилай олиш	88,5%	57,7%	2,56	1,67	H_1
Романга умумий баҳо бериш	61,4%	29,2%	2,33	1,67	H_1



3.2.5-расм. Ўқувчиларда мутолаа маданиятини ривожланганлигининг диаграмма кўриниши

3.1.5 -жадвалда адабиёт фанидан ўтказилган ёзма имтиҳон натижалари келтирилган бўлиб уларнинг статистик таҳлилни Фишер мезони асосида ҳисоблаш ишларини бажарамиз.

Энди педагогик тажриба-синов якунидаги адабиёт фанидан ўтказилган ёзма имтиҳон натижаларига кўра статистик таҳлилни ва сифат кўрсаткичларини кўриб чиқамиз.

$$X = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n n_i x_i = \frac{2 \cdot 0 + 3 \cdot 61 + 4 \cdot 88 + 5 \cdot 26}{175} = 3,80;$$

$$Y = \frac{1}{n} \sum_{j=1}^n n_j y_j = \frac{2 \cdot 5 + 3 \cdot 101 + 4 \cdot 40 + 5 \cdot 9}{155} = 3,34.$$

Демак, тажриба гуруҳида ўртача ўзлаштириш назорат гуруҳидагидан катта экан: $X > Y$

Танланма дисперциялар стандарт хатолиги:

$$D_m = \left(\sqrt{\sum_{i=1}^n m_i (x_i - \bar{x})^2 / m - 1} \right) = \sqrt{\frac{0(2-3,80)^2 + 61(3-3,80)^2 + 88(4-3,80)^2 + 26(5-3,80)^2}{174}} \approx 0,68$$

$$D_n = \sqrt{\sum_{i=1}^n n_i (y_i - \bar{y})^2 / m - 1} = \sqrt{\frac{5(2-3,34)^2 + 101(3-3,34)^2 + 40(4-3,34)^2 + 9(5-3,34)^2}{154}} \approx 0,64$$

Фаразларнинг ҳаққонийлиги

$$\Phi_{\text{эмн}} = \frac{X - Y}{\sqrt{\frac{D_m^2}{m} + \frac{D_n^2}{n}}} = \frac{3,80 - 3,34}{\sqrt{\frac{0,46}{175} + \frac{0,41}{155}}} \approx 6,33$$

статистикага асосланди. Қийматдорлик даражаси $\alpha = 0,05$ га ва $t_{\text{кр}} = 1,67$ га тенг.

$\Phi_{\text{эмн}} = 6,33 > t_{\text{кр}} = 1,67$ бўлгани учун H_1 гипотеза қабул қилинади. Булардан тажриба ва назорат гуруҳлари ўртача қиймат, танланма дисперция ва стандарт хатоликлари асосида ҳар иккала гуруҳларнинг ишончли четланишларини топсак:

$$\delta_{\tau} = 1,67 \cdot \frac{0,68}{\sqrt{175-1}} \approx 0,08; \quad \delta_{\eta} = 1,97 \cdot \frac{0,64}{\sqrt{155-1}} \approx 0,07.$$

Статистик текшириш учун қийматдорлик даражасини $1-\alpha=0,95$ деб олсак $\alpha=0,05$ ишончлилик билан математик кутилишни баҳолаш учун ишончлилик оралиғини топамиз.

Тажриба гуруҳида


$$X - t_{\text{кр}} \cdot \frac{D_m}{\sqrt{m}} = 3,80 - 1,67 \cdot \frac{0,68}{\sqrt{175}} = 3,70, \quad X + t_{\text{кр}} \cdot \frac{D_m}{\sqrt{m}} = 3,80 + 1,67 \cdot \frac{0,68}{\sqrt{175}} = 3,90.$$


демак, $3,70 \leq a_x \leq 3,90$

Назорат гуруҳларида ишончлилик оралиғи

$$3,24 \leq a_y \leq 3,44.$$

Геометрик тасвирласак, қуйидагича бўлади:





3.2.6-расм. Адабиёт фанидан ўтказилган ёзма имтихон натижалари даграммаси

Демак, $\alpha=0,05$ қийматдорлик даражаси билан айтиш мумкинки, тажриба гуруҳида ўртача баҳо назорат гуруҳидаги ўртача баҳодан юқори бўлар экан.

Самарадорликни аниқловчи формула дан $\eta = \frac{\bar{X}}{\bar{Y}} = \frac{3,80}{3,34} = 1,14$ эканлиги

аниқланди.

Олинган натижаларнинг статистик тахлилига кўра самарадорлик мавжуд бўлиб уларнинг хулосаларига кўра H_1 гипотезанинг қабул қилиниши тажриба якунидаги олинган натижаларга кўра умумий самарадорлик 1,14 баробарга, яни 14% га юқори эканлиги статистик усуллар билан исботланди.

Учинчи боб бўйича хулоса

1. Амалга оширилган тажриба-синов иши қуйидаги натижаларни қайд этиш имконини берди:

- биз томонимиздан таклиф этилган академик лицей ўқувчиларининг замонавий ўзбек адабиётини ўрганиши тажрибавий таълим давомида назоратга олинди;

- ўқувчиларда мутолаа маданиятини ривожлантириш жараёнида мустақил ўқиш дастурларига ўзгартириш киритишга асосланди;

- академик лицей ўқувчиларнинг бадиий идрок этиш жараёнининг бошланғич ва якуний даражалари аниқлаштирилди;

- тажрибавий таълим назорат гуруҳлари билан таққослаганда тажриба гуруҳи ўқувчиларининг махсус кўшимча кўникмаларни эгаллашига имкон берди, шунингдек, уларнинг оғзаки ва ёзма нутқини такомиллаштиришга ёрдам берди;

- тажриба-синов давомида қуйидаги қонуният аниқланди: технологик ёндашув билан таққослаганда, анъанавий таълимга асосланган адабий таълим жараёнида ўқувчиларнинг асосий билим ва кўникмаларининг ривожланганлик кўрсаткичлари паст бўлади;

- шахсга йўналтирилган ёндашувни амалга оширишда ноанъанавий технологиялардан фойдаланиш ўқувчиларнинг мустақил фикрлашини ривожлантириш, адабиётга ҳис-туйғу, чуқур идрок ва кечинмадошлилик билан муносабатда бўлиш қобилиятини шакллантиришга имкон берди.

2. Академик лицей адабиёт дастурлари кўшимча адабий таълим шакллари билан ўзаро мустаҳкам уйғунликда ишлаб чиқилиши лозим. Кўшимча адабий таълим шаклларини ташкил этишда ўқувчиларда қизиқиш уйғотадиган изланишли тавсифдаги топшириқларга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Адабий кечани ўтказиш бўйича бизнинг тажрибамиз мазкур жараёнда лойиҳавий фаолият элементларини қўллаш мақсадга мувофиқлигини тасдиқлайди.

ХУЛОСА

Адабий таълим жараёнида академик лицей ўқувчиларида мутолаа маданиятини ривожлантириш технологияси бўйича тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Ўқувчиларда мутолаа маданиятини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш муаммоси нафақат унинг ижтимоий аҳамияти, балки назарий асослари ва амалий шарт-шароитларига ҳам боғлиқ. Ижтимоий шарт-шароитлар ўқувчи-ёшлар ўртасида китоб ўқишга қизиқиш даражасининг сезиларли равишда камайганлиги, жамият ривожининг маълум объектив сабаблари билан алоқадордир. Назарий асосларга эса, ёш ва педагогик психология, бадиий идрок этиш ва бадиий ижодкорлик психологиясига доир тадқиқотлар, таълимда китобнинг роли, адабий таълим ривожи билан боғлиқ муаммоларни киритиш мумкин.

2. Академик лицей ўқувчиларида мутолаа маданиятини ривожлантириш муаммосининг долзарблиги айнан мазкур ёш даврида санъатга, адабиётга эстетик муносабатнинг мустақамланиши, ўспиринлик ёшининг адабий ривожланишга ижобий таъсири билан боғлиқдир.

3. Психологлар, социологлар, педагоглар ва методистлар мазкур муаммонинг турли жиҳатларини тадқиқ этиб ўтишмоқда: ўқувчиларнинг мутолаа маданиятини ривожлантириш – бу мақсадга йўналтирилган жараён бўлиб, ўзида бир қанча босқичларни, шу жумладан, ўқишга раҳбарлик қилишнинг пухта ўйланган ва асосланган тизимини талаб этади. Мазкур тизим қуйидаги босқичларни ўз ичига олади: китобхонлик қизиқишларини ўрганиш (мониторинг); дастлабки режалаштириш; китобларни тавсия қилиш; ўқувчиларнинг мустақил ўқишини назорат қилиш, синфдан ташқари ўқиш, синфдан ташқари ўқиш материаллари бўйича ёзма ишлар; синфдан ташқари ўқишнинг турли шаклларида фойдаланиш.

4. Мақсадга мувофиқ тарзда кузатувлар олиб бориш замонавий ўқувчиларнинг эҳтиёжларига кўпроқ жавоб берувчи тадқиқот методи сифатида мониторингни танлаш имконини берди. Мазкур шакл ўқувчиларнинг мутолаа

йўналишларини миқдор ва сифат жиҳатдан таҳлилни ўтказиш ва қуйидаги хулосаларга келиш имконини берди: ўқувчиларнинг мутолаа йўналишлари яхлит олганда кўпроқ адабиёт дастуридаги мавзулар билан боғлиқ; ўспирин ёшдаги ўқувчилар ўқишни афзал кўрадиган китоблар орасида бадиий савияси паст асарлар мавжуд; мутолаа йўналишини танлашга таъсир этувчи омиллар орасида баъзан мазкур фаолиятни шубҳа остига қўядиган тенгдошлар жамоаси устунлик қилади; аввалги йилларга қиёслаганда ҳозирги вақтда баҳо олиш учун ўқиш хоҳишининг ўрнини янги билимларни ўзлаштириш учун мутолаа қилиш истаги эгаллаган.

5. Гендер тафовутларни ўрганиш тадқиқотнинг янги аспектини ўзида акс эттирди. Гендер тафовут ўқувчиларнинг китоб ўқишга қизиқишларига ҳам тааллуқли бўлиб, тадқиқот жараёнида ўспирин ёшдаги ўғил ва қиз болалар ўқишни афзал деб билган китобларни танлашда сезиларли фарқлар кузатилди.

6. Китобхонлик қизиқишларидаги гендер фарқларни ўрганиш ўқувчиларга шахсга йўналтирилган ёндашув муаммосини ҳал этиш орқали уларнинг мустақил ўқиш жараёнларига раҳбарлик қилиш, ўғил ва қиз болалар учун алоҳида ўқиш тавсия этиладиган китоблар рўйхатини тузиш, мутолаа йўналишини ривожлантиришнинг самарали воситаси сифатида уларнинг эҳтиёжларини қондириш имконини беради.

7. Таълимни модернизациялаш билан боғлиқликда ўқувчиларни адабиётга ошно этиш масаласи сўнгги йилларда алоҳида долзарблик касб этмоқда. Бу эса адабий таълим жараёнини ташкил этишда инновацион технологияларини қўллашнинг методик шарт-шароитларини аниқлаштиришни талаб этади. Қўйилган мақсадга эришиш йўлларида бири сифатида изланишли-тадқиқотчилик фаолиятини йўлга қўйиш, муаммоли вазиятларни ҳал этиш орқали ўқув жараёнини амалга ошириш имконини берадиган лойиҳа технологиясини қўллаш кўзда тутилган. Таълимда лойиҳа технологиясини қўллаш ўқитувчига ўқувчиларнинг билиш фаоллигини ошириш ва бир пайтнинг ўзида маълум бир шахсий сифатларни ривожлантириш имконини беради.

8. Шахсга йўналтирилган ёндашувни амалга ошириш доирасида янги

таълим технологияларидан фойдаланиш ўқувчиларнинг мустақил фикрлашини ривожлантириш, адабиётга ҳис-туйғу, чуқур идрок ва кечинмадошлилик билан муносабатда бўлиш қобилиятини шакллантиришга имкон беради.

9. Тадқиқот натижаларидан академик лицей ва умумий ўрта таълим мактабларининг 10-11 синф ўқувчиларида мутолаа маданиятини ривожлантиришнинг назарий асосланган ва амалий йўналтирилган концепцияси сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижалари асосида қуйидаги илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилди:

1) ўспиринларнинг ёш хусусиятлари, уларнинг фикрлаши ва эмоционаллигини ривожлантиришга хизмат қилувчи адабий таълимнинг анъанавий, визуал ва вербал воситаларининг уйғунлигининг таъминланишига эришиш лозим;

2) мутолаа маданиятини ривожлантириш бўйича ишларни амалга оширишда унинг касбий йўналтирилганлигига ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарур. Касбга йўналганлик қобилиятининг самарадорлиги ўқувчиларнинг саводхонлиги, тиришқоқлиги ва унинг мутолаа маданиятини эгаллаганлик даражасига боғлиқ;

3) мутолаа маданиятининг муҳим компонентларидан бири ҳисобланган техник талабларни ўзлаштириш учун ўқувчилар бадий манбалар билан кўпроқ таниш бўлиши лозим. Бунинг учун ўқувчи мутолаа мақсади, усуллари, матн билан ишлаш босқичларини мустақил аниқлай олиши лозим;

4) адабий таълим жараёнида ўқувчиларнинг мутолаанинг интеграл алгоритминини (матннинг мазмунга доир, маълумот берувчи қисмларини ажратиш: номланиши, муаллифи; нашрга доир маълумотлар, асосий ғояси, мавзуси; асосий далилловчи маълумотлар; ўрганилаётган материалнинг янгилиги ва ундан фойдаланиш имконияти) ўзлаштиришига эришиш зарур;

5) мустақил билим олиш (зарур адабиётни танлаш, ундан керакли ўринларни конспект қилиш ва ҳ.к.) усули сифатида ўқувчиларда мутолаа жараёнига онгли муносабатни қарор топтириш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017. 6-сон, 70-модда.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги Фармойиши / “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил 13 январь.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги Қарори / “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил 13 сентябрь.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Буюк алломалар, адиб ва мутафаккирларимиз ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида ёшлар ўртасида китобхонлик танловларини ташкил этиш тўғрисида”ги 2018 йил 12 майдаги ПҚ-3721-сон Қарори / “Халқ сўзи” газетаси, 2018 йил 15 май.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сонли қарори.

6. Узлуксиз маънавий тарбия Концепцияси / Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари

тўғрисида”ги 1059-сон Қарори 1-илоvasи / Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.01.2020 й., 09/20/1059/4265-сон.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 июндаги “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш тўғрисида” ПҚ-4354-сон Қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.06.2019 й., 07/19/4354/3275-сон.

8. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.

II. Монография, диссертация, автореферат, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар

9. Абдулазизов А. Академик лицей ва касб-хунар коллежларида мутолаа маданиятини шакллантириш жараёнининг социологик таҳлили: соц.фан.ном. ... дисс. Автореф. – Тошкент, 2010. – 30 б.

10. Абдуллаев А. Мутолаа маданияти интеллектуал салоҳиятни белгилаб беради // <https://kun.uz/13172148>.

11. Adabiyot [Matn]: darslik-majmua. I qism. / В.То‘хлиев [va boshq.], – Toshkent: «O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi» Davlat ilmiy nashriyoti, 2017. – 184 b.

12. Adabiyot [Matn]: darslik-majmua. II qism. / В.То‘хлиев [va boshq.], – Toshkent: «O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi» Davlat ilmiy nashriyoti, 2017. – 184 b.

13. Adabiyot [Matn]: darslik-majmua. I qism. / В.То‘хлиев [va boshq.], – Toshkent: «O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi» Davlat ilmiy nashriyoti, 2018 – 200 b.

14. Adabiyot [Matn]: darslik-majmua. II qism. / В.То‘хлиев [va boshq.], – Toshkent: «O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi» Davlat ilmiy nashriyoti, 2018 – 200 b.

15. Амалий конференцияда китобхон эҳтиёжини кондирिश борасида таклиф ва тавсиялар берилди // <https://m.kun.uz/news/2018/11/16/amalij-konferenciada-kitobhon-etiezini-kondiris-borasida-taklif-va-tavsialar-berildi>.

16. Amanda Lenhart. Writing, Technology and Teens. – Washington: Pew Internet and American Life Project, 2008. – 180 p.

17. Асмус В.Ф. Чтение как труд и творчество // Вопросы теории и истории эстетики. – М., 1999. – С.62-72.

18. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 160 б.

19. Бахтин М.М. Вопросы литературы и эстетики. – Москва: Наука, 1995. – 504 с.

20. Бебаҳо хазина. Методик-библиографик қўлланма. Тузувчи Н.Алаутдинова. – Тошкент: Алишер Навоий номли Ўзбекистон Миллий кутубнаси нашриёти, 2007. – 40 б.

21. Бектурсынова Л. Х. Педагогик фасилитация воситасида талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини такомиллаштириш. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy). ...дисс. – Нукус, 2019. – 165 б.

22. Бек У. Бугунги болалар – эртанги кун халқининг китобхонлик маданияти қандай? // <http://qalampir.uz/news/bugungi-bolalar-28094-ertangi-kun-xalqining-kitobxonlik-madaniyati-qanday-12485>.

23. Бодрова Н.А. Методика организации и проведения уроков внеклассного чтения по литературе в старших классах средней школы. – Москва: Просвещение, 1991. – 353 с.

24. *Божович Л. И. Личность и ее формирование в детском возрасте.* – СПб.: Питер, 2008. – 398 с.

25. Болибеков А.А. Адабий таълим орқали ўқувчилар ахлоқий фазилатларини такомиллаштиришда ҳадислардан фойдаланиш. Педагогика фанлари номзоди. ...дисс. – Тошкент, 2008. – 156 б.

26. “Болаларсиз” болалар кутубхонаси // <https://kun.uz/news/2019/01/21/bolalarsiz-bolalar-kutubxonasi>.
27. Бородина В. А., Бородин С. М. Мотивация в структуре чтения // Чтение детей и подростков: мотивы и потребности: сб. статей и учеб.метод. материалов. – СПб.: ЛЕМА, 2005. – С. 39-45.
28. Бухаркина М.Ю. Разработка учебного проекта. – Москва, 2003. – 146 с.
29. Бутенко И.А. Читатели и чтение на исходе 20 века: социологические аспекты. – Москва: Наука, 1997. – 132 с.
30. Вилюнас В.К. Психология эмоциональных явлений. – Москва: Изд. МГУ, 1996. – 366 с.
31. Тафаккур гулшани. Тўпловчи Воронцов В. Ватандош ҳамда хорижий алломаларнинг афоризмлари ва ҳикматли сўзлари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1999. – 242 б.
32. Ганиева Б.И. Кутубхоналарда болалар ўқиш маданиятини тарбиялашнинг педагогик имкониятлари. Педагогика фанлари номзоди. ...дисс. – Тошкент, 2008. – 160 б.
33. Гендер тадқиқоти асослари курси хрестоматияси. (Рус тилидан қисқар. Таржима). Олий ўқув юртлари учун. – Тошкент: Ўзбекистон, 2003. – 411 б.
34. Герцен. Без чтения нет настоящего образования, нет и не может быть ни вкуса, ни слога, ни многосторонней шири понимания; Гете и Шекспир равняются целому университету. Чтением человек переживает века... [Изоматериал]: [плакат] / худож. С. А. Бройдо, Д. Г. Цирин. – Москва: Книга, 1991. – 1 л.
35. Гофман И. Представление себя другим в повседневной жизни / Пер. с англ. и вступ. Статья А.Д. Ковалева. – Москва: «КАНОН-пресс-Ц», «Кучково поле», 2000. – 304 с.
36. Гуревич С.А. Организация чтения учащихся старших классов. – Москва: Просвещение, 1994. – 206 с.

37. Денисова С.А. Родители о детском чтении и роли библиотек // Ж. Родительское собрание по детскому чтению. – 2008. – С. 30-32.
38. Збарский И. С. Внеклассная работа по литературе (IV–VIII): пособие для учителя / И. С. Збарский, В. П. Полухина. – М.: Просвещение, 1991. – 208 с.
39. Збаровская Н.В. Формирование культуры чтения в общедоступных библиотеках: Дисс...канд.пед.наук. – СПб.: 1997. – С. 156.
40. Ибрат. Ажзий. Сўфизода. – Тошкент: Шарқ, 1999. – 38 б.
41. Иванова С.В. Формирование у учащихся эмоционально-ценностного отношения к творчеству А.С. Пушкина // Сборник «Материалы Международной научной конференции «А. С. Пушкин и мировая культура». – Москва: МГУ им. М.В.Ломоносова, 1999. – С. 263-265.
42. Иқбол Мирзо. Китобсиз келажак йўқ! / Turkiston. 2017. - 28-iyun.
43. Йоханн Петер Эккерман. Гёте билан гурунглам // Жаҳон адабиёти. – Тошкент, 2012. – №12. – Б.68-93.
44. Йўлдошев Қ. Адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 192 б.
45. Йўлдошев Қ. Янгиланган педагогик тафаккур ва умумтаълим мактабларида адабиёт ўқитишнинг илмий-методик асослари. Пед. фан. докт. ... дисс. – Тошкент, 1997. – 256 б.
46. Йўлдошев Қ. “Адабиёт ўқитиш методикаси” фанидан маърузалар матни. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий университети, 2010. – 120 б.
47. Йўлдошев Э. Кутубхонада болалар ўқишига раҳбарлик қилиш. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – 128 б.
48. Йўлдошев Э. Кутубхона ва ёш китобхон. – Тошкент: Ўзбекистон, 2003. – 200 б.
49. Камбарова С.И. Умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларнинг мустақил мутолаа маданиятини шакллантириш технологияси. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). ...дисс. Автореф. – Самарқанд, 2019. – 52 б.

50. Каптан Т.Н. Формирование духовных потребностей старшеклассников в процессе урочной и внеурочной деятельности (На опыте изучения литературы): Дис. ...канд. пед. наук. – Москва, 1995. – 173 с.

51. Карсалова Е.В. Методические основы руководства читательской деятельностью школьников на уроках литературы в средних и старших классах: автореф. дис. ... д-ра пед. наук. – Москва, 1991. – 41 с.

52. Китоб ўқишнинг 21 фойдаси // <https://zamin.uz/life-style/14196-kitob-oqishning-21-foydasi.html>.

53. Китоб ўқимаган халқ жоҳилликка маҳкум // <http://ufq.uz/2017/11/13/548>.

54. Китобхонлик: анъана ва замон уйғунлиги // <https://soglom.uz/nigoh/kitobxonlik-anana-va-zamon-uugunligi>.

55. Китобхонлик маданияти // <http://navoiy-uni.uz/uz-k/content/kitobxonlik-madaniyati>.

56. Корман Б. О. Избранные труды по теории и истории литературы / Б. О. Корман. – Ижевск: Изд-во Удм. ун-та, 1992. – 235 с.

57. Коханова В.А. Технологии и методики обучения литературе: учеб. пособие для бакалавров / ред.: В.А. Коханова. 2-е изд., стер. – Москва: ФЛИНТА, 2016. – 249 с.

58. Kristin Merga M. How to get teenagers to read? // <https://theconversation.com/how-to-get-teenagers-to-read-42757>.

59. Леонтьев А.Н. К теории развития психики ребенка// Хрестоматия по возрастной психологии. – Москва: ИПП, 1996. – 700 с.

60. Лавлинский С.П. Технология литературного образования. Коммуникативно-деятельностный подход: Учеб. пос. для студентов-филологов. М.: Прогресс-Традиция; ИНФРА-М, 2003. – 384 с.

61. Лессинг Д. Золотая тетрадь. – СПб.: Амфора, 2009. – 734 с.

62. Макарова И.А. Формирование духовных потребностей у старшеклассников (На материале уроков литературы): Дис. ... канд. пед. наук. – Волгоград, 2003. – 200 с.

63. Матчон Сафо. Китоб ўқишни биласизми? – Тошкент: Ўқитувчи, 1993. – 140 б.
64. Мокина М. Чтение – основа грамотности // Этносфера. – Москва: 2008. – № 12. – С. 21-22.
65. Мейлах Б.С. Процесс творчества и художественное восприятие. – Москва: Наука, 1995. – 480 с.
66. Маслоу А. Психология бытия. Пер. с англ. О.О. Чистякова. Рефл-бук, Ваклер, 1997. – 304 с.
67. Мещерякова, Н. Я. О формировании читательских умений на уроках литературы (К постановке вопроса) / Н. Я. Мещерякова, Л. Я. Гришина. Литература в школе. – 1991. – № 3. – С. 29–42.
68. Мирқосимова М. Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш асослари. – Тошкент: Фан, 2006. – 112 б.
69. Moyer E. Jessica. “Teens Today Don’t Read Books Anymore”: A Study of Differences in Interest and Comprehension Based on Reading Modalities: Part 1, Introduction and Methodology // <http://www.yalsa.ala.org/jrly/2010/11/comprehension-based-on-reading-modalities-part-1-introduction-and-methodology>
70. Мусурмонова О. Юқори синф ўқувчилари маънавий маданиятини шакллантиришнинг педагогик асослари: Педагогика фанлари док. дисс... – Тошкент, 1993. – 364 б.
71. Мутолаа мўъжизаси китобхонлик маданияти – маданиятлар мағзидир/<http://betakrorbuxoro.uz/uz/2018/07/06/otvolodiev-suhbatlashdi>.
72. Ниёзметова Р.Ҳ. Узлуксиз таълим тизимида ўзбек адабиётини ўрганиш методикаси. – Тошкент: Фан., 2007. – 215 б.
73. Ниёзметова Р.Х. Узлуксиз таълим тизимида ўзбек адабиётини ўрганишнинг назарий методик асослари: пед. фан. док. дисс... – Тошкент, 2007. – Б.14-51.

74. Орлова Э.А. Рекомендации по повышению уровня читательской компетенции в рамках Национальной программы поддержки и развития чтения http://ifapcom.ru/files/publications/rekomend_obr_1.pdf.

75. Павлова А.С. Мотивы чтения в типологизации читателей // Психология чтения и проблемы типологии читателей: сборник науч. трудов. – Ленинград, 1994. – С. 69-75.

76. Павлова Т.Л. Ценностные ориентации старшеклассников // Личность в мире ценностей. Тезисы докладов. — Новосибирск, НГПИ, 1994. – С. 34-36

77. Пахомова Н.Ю. Метод учебного проекта в образовательном учреждении: Пособие для учителей и студентов педвузов. – Москва: АРКТИ, 2003. – 112 с.

78. Педагогика: Большая современная энциклопедия / сост. Е.Ц. Рапацевич. – Минск: Современное слово, 2005. – 719 с.

79. Педагогический энциклопедический словарь / Гл. ред. Б.М. Бим-Бад. – Научное изд-во Большая Российская энциклопедия. – Москва: *Большая российская энциклопедия*, 2002. – 527 с.

80. Perrin A. Book Reading – 2016 // <https://www.pewinternet.org/2016/09/01/book-reading-2016>.

81. Педагогик атамалар луғати. – Тошкент: Фан, 2008. – 195 б.

82. Плотников С.Н. Читательская культура в России//Ното legens: памяти С.Н. Плотникова: сб.науч.тр. – Москва, 1999. – С. 46-58.

83. Полонский В.М. Словарь по образованию и педагогике. – Москва: Высшая школа, 2004. – 512 с.

84. Прозоров В.В. Читатель и литературный процесс. – Саратов, 1995. – 140 с.

85. Прибылых С.Р. Формирование читательских интересов учащихся старших классов в процессе преподавания литературы: Дис. ... канд. пед. наук. – Якутск, 2004. – 173 с.

86. Roberts D. F., Foehr U. G., Rideout V. Generation M: Media in the Lives of 8 to 18 Year Olds. – Washington: Menlo Park, CA, 2005. – P. 3-4.
87. Реан А.А., Баранов А.А. Факторы стресса устойчивости учителей // Вопросы психологии. – Москва, 1997, №1. – С. 45-55.
88. Rokeach M. The role of values in public opinion research // The Public Opinion Quarterly. Vol. 32. No. 4. – P. 547-559.
89. Рощеня Д.Н. Не заставить, а привить любовь к чтению // <https://azbyka.ru/deti/ne-zastavit-a-privit-lyubov-k-chteniyu>.
90. Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии. – СПб.: Питер, 2010. – 713 с.
91. Саййид С. Китобсиз келажак йўқ // <http://uza.uz/oz/society/kitobsiz-kelajak-y-16-01-2017>.
92. Салиева З.Т. Педагогика коллежи ўқувчиларининг маънавий-ахлоқий фазилатларини шакллантириш – касбий ижтимоийлаштириш омили сифатида: педагогика фанлари номзоди. ...дисс. – Тошкент, 2010. – 146 б.
93. Собкин В.С., Писарский П.С. Изучение круга чтения у старшеклассников // Вопросы психологии. – Москва, 1994. - № 5. – С. 43-57.
94. Словарь по социальной педагогике: Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений / Авт.-сост. Л.В. Мардахаев. – Москва: Академия, 2002. – 368 с.
95. Суворова Е.П. Формирование интеллектуально-речевой и читательской культуры школьников: междисциплинарный подход: науч.-метод. пособие / Е. П. Суворова, М. П. Воюшина, Е. А. Купирова. – СПб.: ООО «Книжный Дом», 2008. – 248 с.
96. Тўхтабоев Х. Болалар адабиётига чанқоқлик // Болалар олами: Тўплам. К.2. – Тошкент, 1989. – Б. 20-25.
97. Тихомирова И.И. Великое переселение в мир духовности // Библиотека. – Москва, 2002. – № 2. – С.41-43.
98. Толстой Л.Н. Круг чтения. Афоризмы и наставления. – Москва: Академия, 2013. – 980 с.

99. Тўхлиев Б. Адабиёт ўқитиш методикаси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. – 157 б.
100. Умаров А.О. Ижтимоий-маданий тараққиётни таъминлаш ва комил инсон шахсини шакллантиришда мутолаанинг роли. Социология фанлари доктори диссертация автореферати. – Тошкент, 2005. – 56 б.
101. Умаров А. Мутолаа маданияти – тараққиёт омили // Бетгер ўқишлари – 2003: “Кутубхона устуворлиги” давра суҳбати материаллари. – Тошкент: Миллий кутубхона, 2003. – Б. 14-22.
102. Фалсафа қисқача изоҳли луғат /Муаллифлар: М.Н.Абдуллаева, М.Абдурашидов, У.Абилов ва бошқ. Масъул муҳаррир: А.Жалолов. – Тошкент, Шарқ, 2004. – 384 б.
103. Фоломкина С. К. Аналитическое чтение,1997. Электрон манба: https://methodological_terms.academic.ru
104. Фрейд З. Энциклопедия психоанализа. – Москва, 1996. – 402 с.
105. Хасанов Ш. Бадий асарнинг ўқув таҳлилида аналитик ёндашув // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 2017 – №12-сон. – Б.9-12.
106. Хафизов Д.М. Социокультурные практики повышения читательской активности молодежи: стимулирующие возможности моды: Автореф.дис... канд.наук. культурологии. – Челябинск: 2017. – 27 с.
107. Ходжаев Б.Х. Умумтаълим мактаби ўқувчиларида тарихий тафаккурни модернизациялашган дидактик таъминот воситасида ривожлантириш: педагогика фанлари доктори. ... дисс. – Тошкент, 2016. – 314 б.
108. Ходжаев Б.Х. Умумтаълим мактаби ўқувчиларининг мустақил фикрлашини ривожлантиришнинг дидактик асослари (5-7 синф тарих дарслари мисолида). педагогика фанлари номзоди. ... дисс. – Тошкент, 2009. – 172 б.
109. Хрестоматия по курсу «Основы гендерных исследований» / Ред. О.А.Воронина. – Москва, 2000. – 216 с.

110. Хужамбердиева Ш.К. Таълим босқичларида Эркин Воҳидов ижоди ва ҳаётини ўргатиш усуллари: педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). ...дисс. – Наманган, 2019. – 163 б.
111. Чиниева С.А. Ўзбек оилаларида китобхонлик воситасида ўсмирлар маданиятини шакллантириш. – Тошкент, 2006. – 26 б.
112. Чтение. 10 советов, как привить ребёнку любовь к чтению и книгам // https://mel.fm/chteniye/9635178-to_like_to_read.
113. Шаров Ю.В. Осознание учащимися значимости знаний — условие формирования их познавательных потребностей // Формирование духовных потребностей школьников: сборник статей / под редакцией Ю.В. Шарова. — Новосибирск: НГПИ, 1996. – С.19-29.
114. Шапиро В.Д. и др. Управление проектами. – СПб.: «Два Три», 2000. – 162 с.
115. Шмидт А.В. Мотивы и мотивация посещения библиотеки // Науч. и техн. библиотеки. – Москва, 2003. - № 5. – С. 46-54.
116. Шермухамедова С. Ўқувчининг китоб мутолаасига қизиқтиришнинг 5 усули // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 2017 – №6. – Б.19.
117. Шодмонова Ш.С. Талабаларда мустақиллик тафаккурини ривожлантириш ва ривожлантириш. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2008. – 176 б.
118. Эко У. Искусство и красота в средневековой эстетике / У. Эко. – СПб.: Алетея, 2003. – 252 с.
119. Януш Корчак. Любовь к ребенку. – СПб.: ПИТЕР, 2014. – 340 с.
120. Ўзбек адабиёти: 6-синф. Ўқитувчилар учун методик қўлланма / Р.Турсунов, М.Акрамова, С.Махсумханов – Б.: Аркус, 2018. – 112 б.
121. Ўзбекистонда китобхонлик маданиятини юксалтириш мақсадида “Китоб байрами” ўтказилди // kitobkhonlik- madaniyatini-yuksaltirish-maqсадida-kitob-bayrami-otkazildi.

122. Қаюмхўжаева Ё. Ўқувчиларнинг китобхонлик маданиятини шакллантириш имкониятлари. – Тошкент: ТДМИ, 2007. – 48 б.

123. Қосимова Д.Х. Ўқувчиларда маънавий кадриятларни эгаллаш эҳтиёжини шакллантириш тизими: педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy). ...дисс. – Наманган, 2019. – 179 б.

124. Ғаниева Б.И. Бошланғич синф ўқувчиларида кутубхоначилик библиография билимлари тарғиботи. – Тошкент, Фан ва технологиялар маркази, 2006. – 34 б.

125. Ҳусанбоева Қ.П. Адабий таълим жараёнида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишнинг илмий-методик асослари: пед.фан.док. ... дисс. – Тошкент, 2007. – 262 б.

126. Ҳусанбоева Қ.П. Адабиёт – маънавият ва мустақил фикр шакллантириш омили. – Тошкент, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009. – 365 б.

127. Westhoff G. Fertigkeit Lesen. Goethe-Institut, Muenchen, 1997. – 176 p.

128. Grzesik J. Textverstehen lernen und lehren. Stuttgart Klett, Verlag fur wissen und Bildung, 1991. – 405 p.

129. Ehlers S. Lesen als verstehen. Zum verstehen fremdsprachlicher literarischer texte und zu ihrer didaktik. Gesamthochschule Kassel (Chk), 1992. – 112 p.

130. Willenberg H. Zur Psychologie literarischen Lesens. Paderborn, 1998. – 300 p.

131. Burns A. Reading practices: From outside to inside the classroom // TESOL Journal. 2003. – No12 (3). – P.18–23.

132. Dorn L.J., Soffos C. Teaching for deep comprehension: A reading workshop a approach. Portland, ME: Stenhouse, 2005. – 200 p.

133. Ehlers S. Lesen als verstehen. Zum verstehen fremdsprachlicher literarischer texte und zu ihrer didaktik. Gesamt-hochschule Kassel (Chk), 1992. – 112 p.

134. Genette G. Paratexts. Thresholds of Interpretation. (tr. J.E.Lewin)
Cambridge: CUP, 1997. – 453 p.
135. Grzesik J. Textverstehen lernen und lehren. Stuttgart Klett, Verlag für
wissen und Bildung, 1994. – 405 p.
136. Ortlieb E. Theoretical Models of Learning and Literacy Development.
Emerald Group Publishing, 2014. – 280 p.

“Китобхон-ўқувчи” анкета сўровномаси

Таълим муассасаси номи:

Ёшингиз:

Жинсингиз:

1. Қандай асарларни ўқишни яхши кўрасиз?

- замонавий;
- иккинчи жаҳон уруши ҳақидаги;
- тарихий;
- илмий-оммабоп;
- севги ҳақидаги;
- фантастик;
- детектив;
- саргузашт;
- шеърий;
- эртаклар.

2. Сиз нимани ўқишни афзал кўрасиз:

- Мумтоз адабиётини;
- XIX чет эл адабиётини;
- XX аср ўзбек адабиётини;
- замонавий адабиётларни.

3. Қайси асарлар сизга ёқади, уларнинг муаллифларини эслай оласизми?

4. Қандай даврий нашрларни мунтазам ўқийсиз?

5. Сизнинг шеъриятга муносабатингиз:

- ёқтирмайман ва ўқитувчимизнинг топшириғига кўра ёд оламан;
- бефарқман;
- ёқтираман, лекин кўп нарсаларни тушунмайман;
- мен биринчи навбатда шеърий китобларни ўқийман.

8. Сиз китобни нима учун ўқийсиз?

- билимларга эга бўлиш учун;
- бўлажак касбим билан танишиш учун;
- дам олиш ва ҳордиқ чиқариш учун;
- ўзимни қизиқтирган саволларга жавоб олиш учун;
- баҳо олиш учун.

7. Китоб танлашда кимларнинг маслаҳатига қулоқ соласиз?

- адабиёт фани ўқитувчисининг;
- бошқа фан ўқитувчиларининг;
- кутубхоначининг;
- ота-онамининг;
- ўртоқларимнинг;
- фильмини кўрганимдан кейин танлайман;
- ҳамма вақт ўзим танлайман.

8. Ўқиганларингизни қаерда муҳокама қиласиз?

- адабиёт дарсларида;
- дардан кейин академик лицейда;
- кутубхонада;
- ўртоқларим билан;
- уйда, ота-онам билан;
- ҳеч қаерда.

9. Сизга китоб танлашда телевидение ва компьютер қандай ёрдам беради?

10. Шахсий кутубхонангизни қисқача тавсифланг.

Академик лицей “Адабиёт” дарслари учун интерфаол дарс ишланмалари

Мавзу: Абдулҳамид Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” асари

Дарснинг мақсади:

1. Таълимий: Чўлпон адабий меросининг илм-фан, маданиятимиз тараққиётидаги ўрни ва аҳамиятини тушунтириш.

2. Тарбиявий: “Комил инсон ғоялари” руҳида тарбиялаш. Ўқувчиларни миллий кадриятларни улуғлаш, ватанпарварлик, халқпарварлик ва фидокорлик руҳида тарбиялаш, уларда ўз тарихимиз билан фахрланиш туйғусини сингдириш. Адабиёт фанига бўлган қизиқишларини ошириш, шу мавзу орқали ўқувчилар онгига маънавий-маърифий тарбияни сингдириш. Ўқувчиларда жамоа бўлиб ишлашни шакллантириш, жамоа фикрига қулоқ солишга ўргатиш, ўз фикрини кўпчилик олдида баён қила олиш кўникмаларини ҳосил қилиш.

3. Ривожлантирувчи: ўқувчиларни мустақил ва эркин фикрлашга ўргатиш, таълим жараёнида эгаллаган билимларини таҳлил этиш, ўз-ўзини бошқаришга йўналтириш, ҳозиржавоблик, топқирлик хусусиятларини ривожлантириш, мушоҳада қилиш ва хулоса чиқаришга ўргатиш.

I. ТК-таянч компетенция: (нутқий компетенция, коммуникатив компетенция, ахборот билан ишлаш компетенция, ўзини ўзи ривожлантириш компетенция, ижтимоий фаол фуқаролик компетенция):

1. Нутқий компетенция: (тинглаб тушуниш, сўзлаш, ўқиш). Ўзбек мумтоз адабиёти намуналарини ифодали ўқийди.

2. Коммуникатив компетенция: асарнинг ифода воситалари асосида ўзаро самарали мулоқотга кириша олиш, мулоқотда нутқий муҳитга мослаша олиш.

3. Ахборот билан ишлаш компетенция: интернет, телевизордан асарга оид зарур маълумотларни излаб топа олиш, сақлаш, улардан самарали фойдалана олиш.

4. Ўзини ўзи ривожлантириш компетенция: шахс сифатида маънавий, руҳий ва интеллектуал камолотга интилишни ҳаётий-маънавий эҳтиёжга айлантириш; бадиий асарларда тасвирланган миллий ва умуминсоний кадриятларни эъзозлаш ва уларга амал қилиш; оғзаки ва ёзма матнлар мазмунига тўғри баҳо бера билиш.

5. Ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси: синфда, мактабда, оилада ва жамиятларда ўтказилган тадбирларда адиб ҳаёти ижоди ва асарлари ҳақида маълумот бера олиш.

Дарс тури: амалий-ижодий машғулот. Фанлараро интеграция (Бинар услуб).

Дарс услуби: ноанъанавий дарс. “Лойиҳа” технологияси”, “Ақлий хужум”, асар юзасидан “Иншо таҳлил”, “Эзгу сўз” методлари.

Дарсинг таркибий тузилиши:

1.Ташкилий қисм. (“Эзгу сўз” методи)

Ўқитувчининг кириш сўзи. Гуруҳларга бўлиш. Гуруҳ шиорлари шарҳи.

2.Дарс ҳикмати экранга чиқарилади.

3. Ўқитувчининг кириш сўзи.

4. Чўлпон сахнада.

5. ”Кеча ва кундуз” асари видеофилмидан бир лавҳа кўрсатилади.

6.Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” асаридан парча ўқилади. Бадиий асар таҳлили “Ғоялар”, “Таҳлиллар”, “Танқидлар” методи асосида аналитик таҳлил.

7. “Асар юзасидан ”Иншо таҳлил” методи орқали эссе ёзиш

8.Мавзун мустаҳкамлаш: мавзу юзасидан савол топшириқлар. “Нима? Ким? Қачон? Қандай? Нима учун? Нега?” саволлари асосида.

9.Ўқувчилар билимини баҳолаш.

10.Уйга вазифа.

1.Ташкилий қисм: саломлашиш, давоматни “Эзгу сўз” методи орқали аниқлаш, хонанинг дарсга тайёрлигини кузатиш.

Бу усул одатда йўқламани ўрнида амалга оширилади.

-Биринчи ўқувчи ёнида ўтирган гуруҳдошининг исмини унга хос бирор фазилат ёки хусусиятини ифодаловчи сўз билан бирга қўшиб айтади:

- хусусиятни ифодаловчи сўз албатта ўзи мансуб бўлган ўқувчининг исмидаги бош ҳарфи билан бошланиши шарт, масалан, Собир-садоқатли;

- иккинчи ўқувчи ўзи ҳақидаги фикрни айтиб, сўнгра кейинги ўқувчининг сифатини айтади: Собир-садоқатли, Фариди-фаросатли;

- шу тариқа сўнги ўқувчига етиб боргунча синфдаги барча ўқувчиларнинг исми ва фазилати такрорланиб бораверади: Собир-садоқатли, Фариди-фаросатли, Озода-оқила, Камолиддин-кучли каби...

- дарс ушбу усул билан бошланганда ўқувчиларнинг ўзига ва ўзгаларга ҳурмати ортади, самимий дўстона муносабат ҳосил қилинади.

Ўқувчиларни давомат қилиш жараёнида “Лойиҳа” технологияси орқали гуруҳларга бўлинади.

Гуруҳлар:

1-гуруҳ: ”Қодирий”

2-гуруҳ: ”Чўлпон”

3-гуруҳ: ”Фитрат”

Абдулҳамид Чўлпоннинг “Тўзал” шеъри билан айтиладиган мусиқа янграйди.

Ҳар бир ўқувчи қоғоз тортиб қайси гуруҳга мансублигини аниқлаб олгач, гуруҳ номи қўйилган стол атрофида жойлашади. Ҳар бир гуруҳ ўзига сардор танлаб олади. Гуруҳ шиорини изоҳлайди.

ДАРС ҲИКМАТИ:

Умрлар бўладики, тиригида ўликдир.

Умрлар бўладики,ўлигида тирикдир

(М.Шайхзода)

Ўзингдан кейингиларга ибрат бўлай десанг,
ўзингдан аввалгилардан ибрат ол!

1.Ўқитувчининг кириш сўзи.

Чўлпон (тахаллуси; асл исм-шарифи Абдулҳамид Сулаймон ўғли Юнусов) (1897, Андижон — 1938.4.10, Тошкент) — шоир, ёзувчи, драматург, таржимон, танқидчи ва жамоат арбоби.

1914-йил Тошкентга келиб, „Садои Туркистон“ газетаси билан ҳамкорлик қилган. „Янги Шарқ“, „Иштирокиюн“ (1920-йилдан „Қизил байроқ“, 1922-йилдан „Туркистон“) газетасида адабий ходим (1919-1923), Халқ маориф комиссарлиги қошидаги Илмий кенгаш (1921-йилдан Ўлка ўзбек билим ҳайъати, 1922-йилдан Илмий ҳайъат)да раис (1920-1923), „Бухоро ахбороти“ газетасида муҳаррир (1921-1922), „Турон“ театрида директор (1922-1923), „Муштум“ журнали ва „Дархон“ газетасида техник муҳаррир, адабий ходим бўлиб фаолият юритган.

ИЖОДИ.

Чўлпоннинг шеърӣ асарлари

„Ўзбек ёш шоирлари“, „Уйғониш“ (1922), „Булоқлар“ (1923), „Тонг сирлари“ (1926) ва „Соз“ (1935) тўпламлари „Гўзал“, „Сезги“, „Сирлардан“, „Мен шоирми?“ („Бузилган ўлкага“, „Халқ“, „Виждон ерки“, „Кишан“ ва бошқалар).

САҲНА АСАРЛАРИ:

Чўлпоннинг драматургия соҳасидаги дастлабки изланишлари 1919- йилга оид. У шу йили „Темирчи“, „Гуноҳ“, „Чўрининг исёни“ сингари кичик саҳна асарларини ёзди. 20-йилларнинг бошларида еса Чўлпоннинг „Ёрқиной“, „Халил фаранг“, Ўлдирувчи (1921), „Севги ва салтанат“, „Чўпон севгиси“ каби саҳна асарларини яратди.

НАСРИЙ АСАРЛАРИ:


„Ойдин кечаларда“, „Қор кўйнида лола“, „Новвой қиз“ сингари ҳикоялари ўзбек адабиётидаги лирик насрнинг дастлабки мумтоз намуналаридир. „Кеча ва кундуз“ (1936) романини ёзди.

Саҳнага Чўлпон кириб келади.

“Адабиёт чин маъноси ила ўлган, сўнган, ўчган, мажруҳ ярадор кўнгилга руҳ бермак учун, фақат вужудимизга эмас, қонларимизга қадар сингишган қора балчиқларни тозалайдурган, ўткир юрак кирларини ювадурғон тоза маърифат суви, хиралашган ойналаримизни ёруғ ва равшан қиладурган, чанг ва тупроқлар тўлган кўзларимизни артуб тозалайдурғон булоқ суви бўлганликдан бизга ғоят керакдур”. Энди, эй, қардошлар! Адабиёт ўқуйлик. Адиблар етишдирайлук, «адабиёт кечалари» ясайлук. Руҳ, хис, туйғу, фикр, онг ва ўй олайлук, билайлук. Агарда «баёз» ва бемаъни бир-икки дона китоблар ила қолсак, маҳву инқирозий бўлурмиз. Юрагимиз кундан-кун тошдан ҳам қаттиғ бўлур. Юракни эритайлук, руҳ берайлук, инқироз бўлмайлук. Меним бу ожизона фикрима қўшилатурғонлар бўлса адабиётнинг фойдаси тўғрусинда “Оина” ва “Садо”ларимизга тарихий ва адабий мақола

ва шеърлар ёзсунлар, китоблар тартиб берсунлар. Ҳозирда бизга бирдан-бир лозим бўлгон нарса — адабиёт, адабиёт, адабиёт...

Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” асари видеофилмидан бир лавҳа экран орқали намоиш этилиб, таҳлилга тортилади.



Кейин Чўлпоннинг **“Кеча ва кундуз”** романидан парча ўқилади. Романдан олинган бадиий парча орқали ўқувчиларни ўқув таҳлилга тортилади. Асардаги Раззоқ сўфининг шахсий сифатларини тавсифловчи саҳифалар ўқилгандан сўнг синф доскасига қуйидаги бадиий парча ёзиб қўйилди.

Эшон аввал:

- Сўфи ўзи қани? - деб сўради.
- Сўфининг акаси:
- Уйда қолди...Сал тиши оғрибди....деди.
- Эшон кулди:

Тиши оғрибдимиз?-деди. Бай-бай! Тиш оғриғи ёмон нарса...

“Кеча ва кундуз” асаридан олинган бадиий парчанинг ўқув таҳлили жараёнида ўқувчилар аналитик тафаккур юритиши орқали қуйидаги фикрларни илгари суришди:

Ўқувчилар “Нима? Ким? Қачон? Қандай? Нима учун? Нега?” каби қатор саволлар орқали аналитик таҳлил қилиб, жавоб бера бошлайди

1-ўқувчи:

- бадиий парчада Раззоқ сўфи эътиқод қўйган, Қурвонбиби эри воситасида улуғ инсон деб билган сўфининг акаси ноҳот илинжи билан арз қилган Эшон бобонинг уларга нисбатан беписандлиги, бепарволиги тасвирланган (эшон бобонинг сўфининг акаси томонидан қилинган арзга муносабат билдирмагани, кинояли, захарханда кулиши).

2-ўқувчи:

- Раззоқ сўфи учун беназир инсон эшон (Қурвонбиби сўфининг акасига эшонга боришни маслаҳат бергани, сўфининг ўз эътирофлари ёки хотини ва қизининг сўфи ҳақидаги фикрлари – мантиқий далил).

3-ўқувчи:

- Раззоқ сўфи-қизғанчиқ, саводсиз,(озроқ диний илмини борлигини айтмаса), камгап, индамас, дамани ичига солган, зикна одам . Ташқарида, ўз ҳовлисидан ташқарида унинг доимий ва бирдан-бир вазифаси: ўзидан улуғ ва кучлилар гапирса — «ҳовва-ҳовва», дейдиган, ўзидан паст ва кучсизлар гапирса — «йўқ, йўқ», деган маънода бош чайқайдиган одам. Бу одам «қўрғазмага қўйилатурган антиқа махлуқлардан эди» деб таърифланса бўлади. Кулишни билмайдиган (Айтишларича, уни она қорнидан сиҳат-

саломат туширтирган ва биринчи дафъа йўргаклаган кампир ҳазилкашлиги ва шўхлиги билан хотин-халаж ўртасида донг чиқарган Ҳамро эна болани йўргаклаганидан кейин ҳали у қадар одам кепатасига кирмаган юзларига тикилган ва мана бу сўзлар билан эркалатганмиш: — Айланай, меҳмон, кимдан хафа бўлиб тушдингиз? Ким озор берди сизга? Айтинг! Қовоғингизни очсангиз-чи! Ёруғ дунёга келдингиз! Шукур қилинг! Севининг! Мундоқ бир кулинг! Кулимсиранг! Илжайинг!..) киши эканлиги билан мени нафратимни олган қаҳрамон.

Дарсда қатнашган 3 та гуруҳ қуйидаги номинашлар билан баҳоланади.



Ўқувчини ўзи яхши билган, чуқур ўйлаган нарсаси ҳақида ёзишга ўргатиш керак!!

7. Иншо таҳлили: (асар таҳлилига ва ундан олинган парчага бағишланади. Бунда бадий матндан олинган таассуротлар ва уни баҳолашни қамраб олади).

Олинган иншоларнинг баҳоси қўйилади (Эслатиб ўтиш лозимки, иншо мазмунига қўйилган баҳолар назарда тутилмоқда. Баъзи ўқувчиларда имло хатолар кўплиги умумий баллни пасайтириб юборган ҳоллар ҳам учради. Бу нарса имло саводхонлиги устида кўпроқ ишлаш зарурлигини кўрсатади).

8. Мавзуни мустаҳкамлаш :

Мавзу юзасидан савол-топшириқлар “Нима? Ким? Қачон? Қандай? “Нима учун?” Нега?” саволлари асосида ўтказилади.

Ўқувчилар дарс давомида **қандай?** маълумотларни билиб олдилар, ўзлари мустақил равишда буюк сиймоларнинг **қандай?** асарларини ўқиганлари, бу асарлар **қачон ?** яратилгани, асар мутолааси **нима учун?** кераклиги хусусида ўз фикрларини хулосалайдилар ва сахна кўриниши ижро этадилар.

“Хотима” сахна кўриниши (сахнага А.Қодирий, А.Чўлпон, А.Фитрат образидаги ўқувчилар кириб келади.)

Абдулла Қодирий – Ж.Хўжамов

Абдулхамид Чўлпон – М.Ибодов

Абдурауф Фитрат – Н.Абдуллаев

2та ўқувчи – НКВД ходимлари

Сахнада **Абдулла Қодирий**. “Ёзмокқа ниятланганим ушбу “Ўткан кунлар” янги замон рўманчилиғи билан танишиш йўлида кичкина бир тажриба, яна тўғриси, бир ҳавасдур. Мозийга қайтиб иш кўриш хайрлик дейдилар. Шунга кўра мавзуни мозийдан, яқин ўткан кунлардан, тарихимизнинг энг кирлик, қора кунлари бўлган кейинг хон замонларидан белгиладим”

Абдулхамид Чўлпон. “Адабиёт ҳар бир миллатнинг ҳисли кўнгул тарихининг энг қоронғу хоналарида маишат (тирикчилик)нинг кетишига қараб ҳар хил тусда ва рангда етишган, файзли тил бирла тақдир этула олмайди, бир гулдир. Ушбу яшадигимиз муҳит доирасинда анинг тўлқуни одамнинг ҳар хил маишатига қараб ўзгарадир. Мана шундай қахрамонона умид, қахрамонона ҳис ва қахрамонона ғайрат — барчалари тарихий адабиётнинг натижасидан бошқа нарса эмасдир. Ҳеч тўхтамасдан ҳаракат қилуб турғон вужудимизга, танзимизга сув-ҳаво не қадар зарур бўлса, маишат йўлида ҳар хил қора кирлар ила кирланган руҳимиз учун ҳам шул қадар адабиёт керакдир. Адабиёт яшаса — миллат яшар”.

Абдурауф Фитрат. “Туркистон ва туркистонликларни озод кўриш, яъни миллий мустақиллик мафқураси ила ҳаммани озод кўриш истагидадурмен. Менинг асарларимни ўқиган киши нафақат ахлоқий фазилатлар нималардан иборат ва уларга қандай эришиш кераклигини, балки миллий озодлик, шахсий эркинлик нима-ю, уни қандай қилиб қўлга киритиш мумкинлигини англаб олади”.

(Залга НКВД ходимлари келиб шоирларни олиб чиқиб кетади ва отиб ташлайди).

Ўқитувчи дарс якунида Абдулхамид Чўлпон ижоди тўғрисида айтилган фикрларга хулоса ясади. Ўзбек адабий тилини шакллантиришга, ривожлантиришга катта ҳисса қўшган, ўзбек адабиётини янги жанрлар билан бойитган, замонавий таржима мактабига асос солган, ҳақиқат ва ҳурликни эътиқодга айлантирган, миллий театримизнинг асосчиларидан бири бўлган Абдулхамид Чўлпон биз учун ўлмас шеърлар, насрий асарлар билангина эмас, балки ўзининг мазмундор фаолияти билан ҳам ҳаммиша ўрнатқуч бўлади. Адибнинг “Уйғониш”, “Булоқлар”, “Тонг сирлари”, “Соз”, “Жўр” каби шеърлар тўпламлари, “Қор қўйнида лола”, “Новвой қиз” каби ҳикоялари, “Гўзал”, “Қаландар ишқи”, “Кўнгил”, “Бинафша” каби шеърлари, “Кеча ва кундуз” романи ҳар бир ўқувчи томонидан севиб ўқилади ва юксак эҳтиром билан қаралади.

9.Ўқувчилар билимини баҳолаш: Гуллар макети орқали дарсга фаол қатнашган ўқувчилар баҳоланади ва дарс давомида олган баллари эълон

қилинади. Кўп балл тўплаб, ғолиб бўлган гуруҳ совғалар билан тақдирланади.


(Абдулла Қодирий “Ўтган кунлар”, “Меҳробдан чаён”, Чўлпон “Кеча ва кундуз”) китоблари тақдим этилади.

10. Уйга вазифа.

“Гўзал” шеърини ёд олиш, ушбу мавзуларда иншо ёзиш.

“Мен севган шоир” (Чўлпон шеърини юзасидан).

“Мен севган ёзувчи” (Чўлпон романлари асосида).



Ижод – вақти-вақти билан
сайрибоғ қилинадиган
“шон-шухрат” гулшани эмас,
завқли, айти пайтда оғир
ва масъулиятли юмушдир.

Ўткир Ҳошимов

Мавзу: Ўткир Ҳошимовнинг “Икки эшик ораси” асари.

Дарснинг мақсади:

1. Таълимий: Ўткир Ҳошимов адабий меросининг илм-фан, маданиятимиз тараққиётидаги ўрни ва аҳамиятини тушунтириш.

2. Тарбиявий: “Комил инсон ғоялари” руҳида тарбиялаш. Ўқувчиларнинг миллий кадриятларни улуғлаш, ватанпарварлик, халқпарварлик ва фидокорлик руҳида тарбиялаш, уларда ўз тарихимиз билан фахрланиш туйғусини сингдириш. Адабиёт фанига бўлган қизиқишларини ошириш, шу мавзу орқали ўқувчилар онгига маънавий-маърифий тарбияни сингдириш. Ўқувчиларда жамоа бўлиб ишлашни шакллантириш, жамоа фикрига кулоқ солишга ўргатиш, ўз фикрини кўпчилик олдида эркин баён қила олиш, ўз фикрида қатъий туриш кўникмаларини ҳосил қилиш.

3. Ривожлантирувчи: ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстириш, мустақил ва эркин фикрлашга ўргатиш, таълим жараёнида эгаллаган билимларини таҳлил этиш, ўз-ўзини бошқаришга йўналтириш, ҳозиржавоблик, топқирлик хусусиятларини ривожлантириш, мушоҳада қилиш, таққослаш ва хулоса чиқаришга ўргатиш.

I. ТК-таянч компетенция: (нутқий компетенция, коммуникатив компетенция, ахборот билан ишлаш компетенция, ўзини ўзи ривожлантириш компетенция, ижтимоий фаол фуқаролик компетенция).

1. Нутқий компетенция: (тинглаб тушуниш, сўзлаш, ўқиш) Ўзбек мумтоз адабиёти намуналарини ифодали ўқийди.

2. Коммуникатив компетенция: асарнинг ифода воситалари асосида ўзаро самарали мулоқотга кириша олиш, мулоқотда нутқий муҳитга мослаша олиш.

3. Ахборот билан ишлаш компетенция:

интернет, телевизордан асарга оид зарур маълумотларни излаб топа олиш, сақлаш, улардан самарали фойдалана олиш.

4. Ўзини ўзи ривожлантириш компетенция: шахс сифатида маънавий, руҳий ва интеллектуал камолотга интилишни ҳаётий-маънавий эҳтиёжга айлантириш; бадиий асарларда тасвирланган миллий ва умуминсоний қадриятларни эъзозлаш ва уларга амал қилиш; оғзаки ва ёзма матнлар мазмунига тўғри баҳо бера билиш.

5. Ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси: синфда, мактабда, оилада ва жамиятларда ўтказилган тадбирларда адиб ҳаёти ижоди ва асарлари ҳақида маълумот бера олиш.

Дарс тури: назарий-амалий, суҳбат, баҳс-мунозара.

Дарс услуби: ноанъанавий дарс. “Ҳашар асар” усули“, “Ортиқча образ”, “Ўйла, изла, топ – бу айнан сен боп”, “Адибнинг сўз сандиғи“ методлари.

Дарснинг таркибий тузилиши:

1. Ташкилий қисм. “Ҳашар асар” усули орқали давомат илинади.

Гуруҳларга бўлиш. Гуруҳ шиорлари шарҳи.

2. Дарс ҳикмати экранга чиқарилади ва гуруҳлар томонидан таҳлил қилинади.

3. Ўқитувчининг кириш сўзи.

4. Ўткир Ҳошимовнинг китоблари, кўргазмали қуроллар билан жиҳозланган ҳолда дарс бошланади.

5. Ўткир Ҳошимовнинг асаридан парча ўқилади. Бадиий асар таҳлили. “Тафаккур кучи”, “Танқидий тафаккур” методи асосида аналитик таҳлил.

7. Асар юзасидан “Ортиқча образ” методи.

8. Мавзуни мустаҳкамлаш: мавзу юзасидан савол топшириқлар: “Ақлий хужум”, “Ўйла, изла, топ – бу айнан сен боп”, “Адибнинг сўз сандиғи“ методлари асосида.

9. Ўқувчилар билимини баҳолаш.

10. Уйга вазифа.

Саҳна тўрида шоир портрети қўйилган. Оҳиста мусиқа садолари янграйди.

1. Ташкилий қисм: саломлашиш, давоматни “Ҳашар асар” усули орқали аниқлаш, ўқув хонасини дарсга тайёрлаш. Бу усул кириш дақиқаси сифатида ўқувчиларда ижодкорлик қобилиятини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида ўтказилади (**ўқувчиларда ушбу усул орқали комиллик сифатлари хусусидаги тушунчалари кенгайди, сўз бойлиги ортади**):

- ҳар бир талаба комил инсонга хос бўлган сифатлардан бирини айтади ва ёзади: одобли-ақлли-билимдон-пок-хушмуомала-ростгўй каби;

- ўзи айтган сўзнинг қайси тилга мансублигини айтади ва унинг ўзбек тилига ўзлашиш сабабларини шарҳлайди;

- берилган сўзлар асосида энг муҳимларини белгилаб шеърий шаклда ифодалашга ҳаракат қилади;

- ёзаётган тўртликда туроқ, қофия каби шеър унсурларининг ифодаланишига эътибор қаратади;

- ижод маҳсулини ифодали ўқиб беришга тайёрланади.

Ўқувчиларни даволат қилиш жараёнида “3x3” технологияси орқали гуруҳларга бўлинади.

Гуруҳлар:

1-гуруҳ: ”Адиблар”

2-гуруҳ:”Шоирлар”

3-гуруҳ: ”Танқидчилар”

Ҳар бир ўқувчи **КУЗ, ҚИШ, БАҲОР** фасллари расми туширилган қоғоз тортиб қайси гуруҳга мансублигини аниқлаб олгач, гуруҳ номи қўйилган стол атрофида жойлашади. Ўзига сардор танлаб олади. Гуруҳ шиорини таҳлил қилади.

ДАРС ШИОРИ:

ЎҚИ, ИЗЛАН, ФАҚАТ ТЎХТАБ ҚОЛМА!!!

1.Ўқитувчининг кириш сўзи.

Ўтқир Ҳошимов 1941 йил Тошкент вилоятининг Зангиота (ҳозирги Чилонзор) туманидаги Дўмбиравот мавзеида туғилди. Ў. Ҳошимов меҳнат фаолиятини эрта бошлади. Тошкент Давлат университетининг (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) журналистика куллиётида ўқиш билан баравар газета таҳририятида ишлади. “Темирўлчи”, “Қизил Ўзбекистон”, “Транспортний рабочий” газеталарида хат ташувчи, муссаххих, таржимон бўлиб ишлади. Сўнг “Тошкент ҳақиқати” газетасида адабий ходим “Тошкент оқшоми” газетасида бўлим мудирини Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида бош муҳаррир ўринбосари вазифасида фаолият олиб борди.

ИЖОДИ. Асарлари.

Шу пайтгача ёзувчининг “Пўлат чавандоз” (1962), “Тунафша” (1965), “Одамлар нима деркин...” (1966), “Бир томчи шудринг” (1970), “Баҳор қайтмайди” (1970), “День мотылка”, (1971), “Қалбингга қулоқ сол” (1973), “Узун кечалар” (1975), “Нимадир бўлди” (1975), “Ер фарзандимиз”, “Нур борки, соя бор” (1977), “Қуёш тарозиси” (1980), “Машина сотаман”(1981), “Дунёнинг ишлари” (1982), “Ялпиз сомса”(1983), “Оқ камалак”(1984), “Сирли юлдуз” (1985), “Икки эшик ораси” (1986), “Ҳазина”, “Икки карра икки беш”(1987), “Нотаниш орол” (1990), “Изтироб” (1991), “Дафтар хошиясидаги битиклар” (2008) ва бошқа китоблари нашр этилган.

САҲНА АСАРЛАРИ:

“Баҳор қайтмайди” видеофильми йиллар давомида зангори экранда 30 мартага яқин намоиш қилинди.

“Инсон садоқати” психологик телеспектакль. Йиллар давомида зангори экранда 20 мартага яқин намоиш қилинди.

Ўзбекистон телевидениесида “Баҳс” кўрсатувини олиб борди.

“Дунёнинг ишлари” қиссаси учун Ойбек номидаги мукофот билан тақдирланди.

Экранда қуйидаги расмлар намоиш этиб борилади.



Ўқитувчи **“Икки эшик ораси”** асаридан парча ўқиб беради ва **“Ортиқча образ”** методи орқали шу асардаги ўзи ортиқча ҳисоблаган бир образни (бу ўринда киши ёки бирон предмет ҳам бўлиши) олиб ташлаши, воқеалар ривожини тасаввур қилиб кўриш тавсия қилинади.

1-ўқувчи: Умар Закунчини йўқ деб тасаввур қилдим.

Ўқитувчи: хўш, кейинчи?

2-ўқувчи: Умар Закунчи бўлмаганида, Шомуроднинг хотини Раъно эрига ҳиёнат қилмасди, ўғли Музаффар онасиз қолмасди. Укасининг оилавий ташвишлари Қора амманинг елкасига тушмасди. Робиянинг тақдири ҳам бадбахтликка бориб тақалмасди, ўзи ада деб катта бўлган Шомуродга хотин бўлмасди. Робия бахтли бўлиши мумкин эди.

Асарнинг шундай ўринларида адиб бу дунёнинг кайфу-сафосига учмасдан, ҳар ким ўз қалбига назар солиб, инсоф билан яшамоғи керак, деган таълим- тарбияни бераётгандек туюлади, деб ўйлайман.

Ўқитувчи: хўш, кейинчи?

2-ўқувчи: Робияни тақдирнинг аччиқ қисматига иложсиз қолмаслиги, Кимсан билан бахтли бўлиши учун уруш бўлмаслиги керак эди. Шунинг учун романда тасвирланган воқеа-ходисаларни ўзимиз яшаб турган давр билан хаёлан қиёслаб, бугунги тинч-осойишта кунимизга шукрона айтаман.

3-ўқувчи: Кимсаннинг қайтиб келмаганлиги ортиқча деб ўйлайман.

Ўқитувчи: нима учун?

Ўқувчи: ҳар нима бўлганда ҳам Кимсан қайтиб келиши шарт эди. Робия шунча кутганига яраша бахтга ҳам эришишга муносиб.

Шундай қилиб, **“Икки эшик ораси”** романи бўйича машғулот шунчалик қизгин тус оладики, асарни ўқимаган ўқувчилар ҳам машғулотга берилиб кетишади. Натижада ўқувчилар ўзлари мустақил ўқиган бошқа асарларидан ҳам маълум образлар олиб ташланса, воқеалар ривожини қай

томонга ўзгариб кетиши ҳақида баҳс-мунозара қилишади, яъни уларда бадиий тасаввур шаклланади.

Дарсда қатнашган 3 та гуруҳ қуйидаги номинациялар билан баҳоланади.



Ажойиб

Офарин

Интилинг

7. Шундан сўнг “Ўйла, изла, топ – бу айнан сен боп” ўйини ўтказилади.

Ўқувчиларга уч дақиқа мобайнида асар қаҳрамонлари рўйхатини шакллантириш топшириғи берилади. Бунда ҳар бир ўқувчи асар қаҳрамонлари рўйхатини ўз дафтарига ёзади. Масалан: Робия, Хусанбой Дума, Қора амма, Кимсан ака, Комил табиб, қора аммининг укаси Шомурод, Ориф оқсоқол...

Топшириқ ниҳоясига етгач, ўқитувчи экранда асар қаҳрамонлари рўйхатини намойиш қилади. Ўқувчилар уни ўзлари ёзган рўйхат билан солиштиришди ва ўзлари ёзган образларга тавсиф беришади.

1-ўқувчи: “...**Қора амма** – меҳрибон, содда, бардошли, жафокаш аёл. Унинг образида уруш давридаги ўзбек оналарининг сиймоси мужассам топган. У бошига тушган барча кўргуликларни сабр- бардош билан енгиб, ўзига яшашга куч-қудрат топади...”

2-ўқувчи “...**Робия** – унга ҳам тақдир кулиб боқмаган, онасидан етим қолиб, отаси тарбиясида бўлган. Софдил, меҳнаткаш, садоқатли қиз. Уруш туфайли севгилиси Кимсан қайтмади. Робия уни йиллар давомида кутди. Уруш тугаганига бир неча йил бўлсада, уни садоқат билан кутишдан чарчамади...”

3-ўқувчи: **Шомурод** – кўнгли пок, меҳнаткаш инсон.


Гуруҳларнинг баллари юқоридаги шартлар бўйича эълон қилинади:

8.Мавзуни мустаҳкамлаш :

Дарсинг кейинг босқичида “**Адибнинг сўз сандиғи**” усулидан фойдаланилади. Бунда сандиқча ичида “**Икки эшик ораси**” асари

қахрамонлари характерига хос бўлган сўзлар тақдим этилади. Сўзлар орқаси елимли қоғозларда ёпиштирилди. Доскада эса, ўқувчилар томонидан чизилган асар қахрамонларининг расмлари илинди. Ўқувчилар сандиқчадан сўз олишади. Ҳар бир ўқувчи ўзига берилган образнинг атрофига ўша образга хос бўлган сўзни ёпиштириб боради. Агар образга мос сўз чиқмаса, сандиқчадан бошқа сўз олинади. Шунинг ўқитувчи сўзларни образлар сонига тенг миқдорда тайёрлаши керак.

Мавзу юзасидан савол -топшириқлар ўтказилади.



Масалан, стикерлардан куйидаги саволлар ўрин олган:

Тезкор саволлар.

1. Ўткир Ҳошимовнинг илк асари номи.
2. “Икки эшик ораси” қахрамонларини сананг.
3. “Пўлат чавандоз” қачон нашр этилган.
4. Ўткир Ҳошимовнинг ўзи ҳақида ёзган “Машаққатли сафар” номли автобиографик ҳикоя ҳақида гапириб беринг.
5. Ёзувчининг болалик ва талабалик йиллари ҳақида нималарни биласиз?
6. Асардаги Қора амма ким ва унга хос бўлган сифатларни матнга таянган ҳолда изоҳланг?
7. Ориф оқсоқол, Хусан Дума, муаллим образларига тафсиф беринг,
8. Робия ўз ҳоқоясида болалиги ва янги қариндошлари ҳақида нималарни эслайди?
9. Робиянинг болалиги билан ўзингизнинг болалигини қиёслаб, муносабат билдиринг.
10. Асардаги сизни ҳаяжонга солган ўринларни белгиланг ва уларга муносабат билдиринг.

Шу тариқа саволлар берилади ва 3 дақиқадан сўнг натижалар ҳисобланади.

11.Ўқувчилар билимини баҳолаш: Гуллар макети орқали дарсга фаол қатнашган ўқувчилар баҳоланади ва дарс давомида олган баллари эълон қилинади. Кўп балл тўплаб, ғолиб бўлган гуруҳ совғалар билан тақдирланади.

Ўткир Ҳошимовнинг “Икки эшик ораси”, “Нур борки, соя бор” китоблари тақдим этилади.

10. Уйга вазифа: Ўткир Ҳошимовнинг “Икки эшик ораси” асари ҳақида ўйларим мавзусида кичик иншо-такриз ёзиш (бадий асарнинг ютуқ ва камчиликларига бағишланган иншо). Шоирнинг ҳаёти ва ижоди тўғрисида реклама-ролик тайёрлаш.

“Жонли китоб” номли ижтимоий лойихалардан намуналар

**Мавзу: “Жонли китоб” лойиха дастури асосида Алишер Навоийнинг
“Лайли ва Мажнун” асари бадиий мусиқий композицион тадбир**

2019 йил, 3 апрель

Қатнашчилар: академик лицей ўқувчилари, талабалар.

Ўтказилиш вақти: 10.30-12.00 гача.

РИПКнинг нодир адабиётлар фондидан XVIII–XIX-асрда яратилган қўлёзма китоблар ҳамда Алишер Навоийнинг тўлиқ асарлар тўплами ва у ҳақидаги адабиётлардан иборат 100 та манбалар кўргазмадан жой олди. -
Маъсул: М.Турдиева, Н.Болтаева – РИПКнинг ФХККС бўлими кутубхоначилари.

Саҳна қадимий руҳда безатилади. Навоий ижоди намуналари, асарлари тартиб билан жойлаштирилади. Саҳна қоронғу ҳолатга келтирилади ва дастлаб, Навоий ҳаётини очиб берувчи қисқа митражли видеоролик намойиш этилади.

*Умидим улдур ва хаёлимга андоқ келурким, сўзум мартабаси авждин
куйи инмагай ва бу тартибим кавкабаси аъло даражадин ўзга ерни
беганмагай.*

Алишер НАВОИЙ.

1. Видеоролик тугаши билан саҳна ёритилади ва Алишер Навоий сиймоси саҳнада гавдаланади. Навоий ижод устида ушбу газални ўқийди:

Оразин ёпқоч кўзимдин сочилур ҳар лаҳза ёш

Бўйлаким пайдо бўлур юлдуз ниҳон бўлгоч кўёш

1. Тадбирнинг очилиши. Алишер Навоийнинг жаҳон маданияти миқёсида тутган ўрни.

1-бошловчи: Алишер Навоий жаҳон мулкининг султони, шоир, мутафаккир, давлат арбоби. Алишер Навоийнинг ҳаёти ва фаолияти етти қават осмон каби юксакдир. Бу юксак қаватларга йўл топиб бориш ва улардаги маънолар хазинасини очиш осон эмас. Айниқса, академик лицей ўқувчилари Навоий асарларининг теран маъноларини тушунишида олим ва адибларининг таҳлил ва талқинларига, уқтиришларига катта эҳтиёж сезадилар. Бу эҳтиёжни қондириш учун Навоий асарларига хос илмийлик билан бадиийликни бир-бирига уйғунлаштириб таҳлил қилиш, шу йўл билан уларнинг талқинини ўқувчиларга тушунарли шаклда етказиб бериш мақсадга мувофиқ келади. Ёш авлод қалбига истиклол ғоясини сингдиришда Навоий асарларида учраган ҳар бир сўзнинг маъносини шарҳлаш ҳам аҳамиятлидир

2-бошловчи: XXI аср минглаб қирралари билан Алишер Навоий даҳосини майдонга чиқарган XV асрдан илгарилаб кетди. Ўз ҳақ-хуқуқини таниган инсонни дунёнинг бугунги мисли кўрилмаган даражаси ҳам қониқтирмапти. Лекин биз негадир Алишер Навоий асарларига эҳтиёж сезаверамиз, луғатлар ёрдамида бўлса ҳам неча асрлар олдин яратилган

шеъриятининг моҳиятини тушунишга ҳаракат қилаверамиз. Бу зарурият Навоий шахси ва ижодида абадий инсоний орзуларнинг тажассум топганлиги билан изоҳланса керак. Навоий тафаккур ривожини шундай бир чўққига кўтариб қўйдики, бу чўққи вақт билан басма-бас тобора юксалмоқда – башарият бу чўққининг пойига етиш учун ҳали неча-неча асрлар йўл босиши лозим бўлади. Шоир асарлари улкан фалсафий, ижтимоий, тасаввуфий мазмунидан ташқари, инсоний туйғуларни илоҳий сўз санъаткорлигида ифода этганлиги билан ҳар қандай ўқувчи қалбига яқиндир. Буюк мутафаккир ўзининг “Хамса” достонини туркий тилда яратди

1-бошловчи: ўзбек адабиётида Алишер Навоий "Лайли ва Мажнун" достонини туркий тилда яратиб буюк устозлари изидан борди.

*Мен туркча бошлабон ривоят,
Қилдим бу фасонани ҳикоят, -*

деб бошлаган ҳазрат Навоий асарнинг мазмуни чуқурлигини таъкидлаб, афсона фақат либос эканлиги, унинг мазмунидаги чуқур инсоний дард, қаҳрамонларнинг кўнглидаги мажозий муҳаббат илоҳий ишқ даражасига етганини акс эттириш асосий мақсад эканини таъкидлайди:

*Мен хастаки, бу рақамни чекдим,
Таҳрири учун қаламни чекдим.*

1-бошловчи: “Ошиқлар” кўшиғи янгича талқинда. Ўқувчилар ижро этди. Дуэт.

2- бошловчи: “Алишер Навоийнинг ишқий достон яратишдиги маҳорати” Туракулова О.А. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ўқитувчиси.

“Номаи дард”.

Шарқ адабиётида севги ҳақида битилган достонлар орасида "Лайли ва Мажнун"дай дардли ва ғамгин асарни топиб бўлмайди. У нақадар ғамгин бўлса, шу қадар шуҳрат топган, кенг ёйилгандир. Ву севги қиссаси қанчалик ғамгин ва машҳур бўлса, шунчалик қадимий ҳамдир. Уни мутахассислар Ботишдаги “Ромео ва Жулетта”дан ҳам машҳурроқ ҳисоблайдилар. Ушбу мавзуда адабиёт оламида салкам ўн уч асрдирки, шеър ва достонлар битилиб келади. Қиссанинг келиб чиқиш манбаи қадим араблар ҳаёти билан боғлиқ воқеаларга бориб тақалади.

Навоийнинг "Лайли ва Мажнун"ида руҳият тасвирига алоҳида эътибор берилган. Асар воқеаси ҳайбатли тун тасвири билан бошланади. Зим зиё тун. Бўрон гувуллайди. Чақин чақнайди. Ёмғир бирдан шаррос қуяди. Ҳар чақин чаққанда Тур тоғи ёришиб кетади. Гоҳ эса Лайлининг ҳай қабиласи кўриниб кетади. Гоҳ ниҳоясиз дашт ва ундаги ваҳший ҳайвонлар намоён бўлади. Ву - бало ва офатларга тўла ишқ дашти. Ву тасвирларнинг ҳаммасида рамз бор. Ҳатто туннинг ўзи ҳам маъно ташийдди. "Лайли" дегани араб тилида "тунги" дегани. Шоир ўқувчини асосий воқеаларга шундай тайёрлаб боради. Қайснинг туғилиши, ўсиши тасвирида ҳам илоҳий қисмат яққол сезилиб туради. Унинг бешиқдаги йиғисидаёқ ишқдан нола бор эди. Уни 4-5 ёшларида ўқишга берадилар. Лайли билан бирга ўқийди. Баҳор кунларининг

бирида Лайли сабоқдошларини боғга таклиф этади. Иккаласи ўртасида пайдо бўлган ишқ уларнинг сирини ошкор қилади.

1-бошловчи: *хоқоний олий мақом Шохрух султоннинг подшолик даврида иззат ва иқбол гулшанида омонлик ва умид мевалари берадиган бир дарахт кўкарди. Мартаба ва улуглик осмонида бахт-саодат кўзини ёрутувчи бир юлдуз порлади.*

2-бошловчи: *олий мартабали ҳидоят насабли, покиза табиатли, соф ниятли салтанат суюнчиги мамлакат устуни Хоқоний давлатининг ёрдамчиси 17-рамазон ойи 844-хижрий товуқ йилида йўқлик дунёсидан борлиқ оламига қадам босиб ўзининг гўзаллиги ва порлоқ чехраси билан ер юзини ёритди. Келажак наслар ул зотни туркий тил асосчиси шеърят султони – Мир Алишер Навоий деб эҳтиром ила тилга оладилар.*

1-бошловчи: **Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” асаридан кўшиқ.** Бошланғич таълими йўналиши талабалари ижросида.

2-бошловчи: *Алишер Навоий Хуросоннинг бўлажак султони Ҳусайн Бойқаро билан жуда яқин дўст бўлиб бир мадрасада таълим олишган. Ёш Алишер кичиклигидан китоб ўқишни, шеър ёд олишни севган.*

1-бошловчи: *Ҳар ерда баҳор бўлса, чаман бўлса керак,
Ҳар ерда чаман, гул-у суман бўлса керак,
Ҳар қайда хазон бўлса, тикон бўлса керак,
Ҳар қайда тикан миҳан бўлса керак.*

“Муножот” рақси. “Мусиқа таълими” йўналиши талабалари ижросида.

1-бошловчи: *Фурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,
Эл анга шафиқ-у меҳрибон бўлмас эмиш.
Олтин қафас ичра гар қизил гул булса,
Булбулга тикондек ошён бўлмас эмиш.*

Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” асаридан сахна кўриниши (монолог).

Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театр артисти ижросида

Кўшиқ “Дерлар” “Мусиқа таълими” йўналиши талабалари ижросида.

1-бошловчи : Навоий бобомиз ҳатто шоҳнинг вазири бўлганларида ҳам халқ учун кўп яхши ишлар қилганлар. Мактаб ва мадрасалар қуришга бошқош бўлганлар. Ўзларининг инсонпарварликлари туфайли элнинг назари ва меҳрига тушганлар.

**Одами эрсанг демагил одами,
Онинг ким йўқ халқ ғамидин ғами.**
(Саҳна кўриниши)

Алишер Навоийнинг “Хамса” асаридан намуналар. Ўқувчилар ижросида.

Алишер: ассалому алайкум, устоз.

Мавлоно Лутфий: ва алайкум ассалом ўғлим, кимнинг ўғлидурсиз, бағоят тарбияли оила фарзанди кўринасиз?

Алишер: мен Ғиёсиддин (Кичкина) Баҳодирнинг ўғлидурмен, устоз.

Лутфий: эй шундай денг, баракалло. Мени танийсизми, каминани устоз деб хурматлашингизга не сабаб?

Алишер: сиз ҳақингизда эшитмаган, сизнинг ғазалларингиз ила сеҳрланмаган киши бўлмаса керак. Мавлоно Лутфий номи оиламизда жуда хурматланади, мен сизнинг гўзал ғазалларингиз-ла танишмен, шеъриятга ҳавасим баланд, ўзим ҳам гоҳи-гоҳи машқ қилиб қоғоз қоралайдурмен.

Лутфий: балли, балли, бўтам, қани марҳамат айланг, каминага ижодингиздан намуналар ўқиб лутф айлангиз-чи.

Алишер: Оразин ёпқоч кўзимдин сочилур ҳар лаҳза ёш,
Бўйлаким пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлғоч қуёш

Лутфий: (Байтни такроран қайтаради) Вооллох, агар муяссар бўлса эди ўзимнинг 10-12 минг форс ва туркий байтларимни ушбу ғазалга алмаштираддим ва бу ишнинг юзага чиқишини зўр муваффақият деб санардим.

1-бошловчи: “Лайли ва Мажнун” мусиқий театр томошасидан парча (дуэт).

1-бошловчи: “Фидо” қўшиғи.

1-бошловчи: Алишер Навоий бетакрор ва боқий сиймодир. У яратган асарлар самодек тиниқ, тонгдек шаффоф, мусиқий оҳанглар билан йўғрилган. Асарларини ўқир эканмиз ҳар бир сатрда ўз халқига инсониятга чексиз меҳр билан бир жон бир тан эканлигини англаш қийин эмас.

Ватан таркини бир нафас айлама,
Яна ранжу ғурбат ҳавас айлама.

2-бошловчи: азиз бобомиз жозибадор байтлари билан инсониятга сўзнинг сеҳрини, ҳаётнинг маъносини, саодатнинг эшигини очиб бераётгандек. Бу гулшанда саодатнинг калити одамларга яхшилик қилиш эканлигини англатади.

Тадбирнинг ёпилиши. Якуний сўз.

2019 йил, 3 март

“БАХТ ВА БАҲОР КУЙЧИСИГА ЭҲТИРОМ”

мавзусидаги Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия таваллудининг 104 йиллигига ўтказилган бадий-мусиқий композицион тадбир

Ўтказилиш жойи: анжуманлар зали.

Қатнашчилар: ўқитувчилар (эксперт сифатида) ва ўқувчилар.

Ўтказилиш вақти: 2019 йил 3 март. Соат 10.30-12.00 гача

Саҳна байрамона безатилган. Саҳнада “Ўрик гуллаганда” мусиқаси янграйди.

1-бошловчи:

Салқин сахарларда, бодом гулида,

Бинафша лабида, ерларда баҳор.

Қушларнинг парвози, елларнинг нози,

Бахмал водийларда, қирларда баҳор...

2-бошловчи:

Қанча севар эдинг, бағрим, баҳорни,
Ўрик гулларининг эдинг мафтуни.
Ҳар уйғонган куртак ҳаёт берган каби
Кўзларингга суртиб ўпардинг уни.

(Бошловчилар чиқиб кетадилар. Саҳнага 3 ўқувчи ва Зулфия сиймоси – Зулфия қиёфасидаги ўқувчи қиз чиқади).

1-ўқувчи: азиз, шоирам! Сиз бетакрор ва боқий сиймосиз. Сиз яратган шеърлар самодек тиниқ, тонгдек шаффоф, муסיқий оҳанглар билан йўғрилган.

Шеърларингизни ўқир эканмиз, ҳар бир сатрингиздан ўз халқингизга, инсониятга чексиз меҳрингизни, баҳор гулларидек нафосатингизни англаш қийин эмас.

Боғлар қийғос гулда — яхлит бир чаман,
Ҳар дарахт анвои бир тароватда.
Бир кафт боғ меҳнату ҳосилга ватан,
Ўзга кўрк, ўзга ранг ҳар бир дарахтда.
Ҳар навда бир гулда, ҳар гулда бир рўй,
Ҳар дарахт барги бир дунё ҳикоя

2-ўқувчи: сиз жозибадор мисраларингиз билан инсониятга соғинч туйғусининг шу қадар гўзал ва умрбоқий асарларни майдонга келтира олиш мумкинлигини ҳис қиламиз. Мисраларингиз, шеърларингиз билан ҳаётнинг маъносини, саодатнинг эшигини очиб бераётгандексиз. Бу гулшанда саодатнинг калити одамларга меҳр муҳаббат улашишда, вафо,соғинч эканлигини англадингиз:

Хаёлимда бўлдинг узун кун,
Сени излаб қирғоққа бордим.
Оч тўлқинлар пишқирган тунда
Топиб бер, деб ойга ёлвордим.
Ишон бунга, сени доимо
Эсга солар чиройли тунлар,
Шўх юлдузлар, салқин сахарлар,
Эсга солур бахтиёр кунлар.

1-бошловчи: “Шеъриятимиз маликасига эҳтиром” мавзусида маъруза.

Зулфия (таниқли ўзбек шоираси, журналист, таржимон, жамоат арбоби) Ўзбекистон халқ шоираси, Меҳнат Қаҳрамони Зулфия 1915- йилнинг 1-мартида Тошкент шаҳрида Исроил темирчи оиласида туғилди. 1922-йилдан 1931-йилгача мактабда, сўнг 1931 – 1934-йиллар орасида қизлар билим юртида таҳсил олди.

1938 йилдан Болалар нашриёти муҳаррири, Ўзбекистон давлат нашриётида бўлим мудирини (1941–1950), 1953 йилгача «Саодат» журналинда бўлим мудирини, 1953 йилдан то 1980 йилга қадар, салкам ўттиз йил давомида, шу журналнинг Бош муҳаррири лавозимида ишлаб келди.

Зулфия 17 ёшида ёзган «Хаёт варақлари» (1932) биринчи шеърлар тўплами билан Ойдин, Музайяна Алавия, Хосият Тиллахоновалар сафига кириб келди.

Бадиий ижод соҳасидаги хизматлари учун Давлат мукофоти, 1968 йил Жавоҳарлаъл Неру номидаги халқаро мукофот билан тақдирланди. Тинчлик ва дўстликни тараннум этувчи асарлари ҳамда тараққийпарвар Осиё ва Африка ёзувчилари ҳаракатидаги фаол иштироки учун эса халқаро “Нилуфар” мукофотиغا сазовор бўлди (1970). Шоира Ҳиндистон, Югославия, Шри Ланка, Миср, Бирма, Австрия каби мамлакатларда бўлди. У 1958 йилда машҳур “Мушоира” асарини яратди.

2-бошловчи: “Ўрик гуллаганда” дуэт. Ўқувчилар ижро этади.

“Сени куйлайман ҳаёт” шеъри.

Зулфияхонимнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган видео тақдимот

1-бошловчи:

Зулфия ижодидан шеърлар.

МЕН ЎТГАН УМРГА АЧИНМАЙ ҚЎЙДИМ

Ҳаёт китобимни бехос варақлаб,
Мен ўтган умрга ачинмай қўйдим.
Табассум ўрнида кулдим чарақлаб,
Суйиш керак бўлса - телбача суйдим.
Кийганим ипакми, читми ё кимхоб,
Юрак бойлигидан қилмабман парво.

2-бошловчи: “Баҳор келди сени сўроқлаб” Зулфия шеъри.

Баҳор келди сени сўроқлаб... – Зулфия

Салқин саҳарларда, бодом гулида,
Бинафша лабида, ерларда баҳор.
Қушларнинг парвози, елларнинг нози,
Баҳмал водийларда, қирларда баҳор...
Қанча севар эдинг, бағрим, баҳорни,
Ўрик гулларининг эдинг мафтуни.

2-бошловчи: ”Садоқат” операсидан ария

Ижрочи: М.Норматова, Р.Алимардонова Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри яккахон артистлари.

Бошланғич ва жисмоний маданият факультетининг “Бошланғич ва мусиқий таълим” йўналиши чолғу ансамбли ижросида

2-бошловчи: “Зулфия ижодидан шеърий гулдаста”. Бошланғич ва жисмоний маданият факультетининг “Бошланғич ва мусиқий таълим” йўналиши талабалари.

Кўрганмидинг кўзларимда ёш? (Зулфия шеърлари)

Соғинганда излаб бир нишон,
Қабринг томон олар эдим йўл.
Келтирардинг менга бир замон,
Энди ҳар чоғ мен элтаман гул.
Келдим. Узоқ қолдим мен сокин,
Сенинг азиз бошингда ёлғиз,
Осмон тиниқ эди ва локин,
Парча булут етиб келди тез.
Кўкда менинг бошимда туриб,
Гўё юрагимда қалқди у.

Не балога этдинг мубтало (Зулфия шеъри)

Ўтди ойлар ғам билан оқиб,
Дил топмади зарра тасалло.
Фироқингда қолдим тутоқиб,
Не балога этдинг мубтало!
Кўз очгани қўймайди алам,
Бошим қўйсам куйдирар болиш.
Юпатолмас китоб ва қалам,
Мисраларим кўтарар нолиш.

1-бошловчи: Зулфия умри давомида ўз даврининг ижтимоий воқелиklarини, инсон туйғуларини, унинг камолини, ўз орзу тилаklarини бой адабий илмий меросида акс эттирди.

Энди эътиборингизни буюк шоира ҳақидаги видеолавҳага қаратамиз.

“Зулфияхоним” видеолавҳаси (*шоиранинг мазмунли умри акс этган видеолавҳа намойиши этилади*).

2-бошловчи: финал “Аёл” кўшиғи.

Мустақил мутолаа учун тавсия қилинадиган адабиётлар рўйхати

1. Абдулла Авлоний. “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ”.
2. Абдулла Орипов. “Йиллар армони”.
3. Абдулла Қодирий. “Жинлар базми”.
4. Абдулла Қодирий. “Ўткан кунлар”.
5. Абдулла Қаҳҳор. “Сароб” романи.
6. Абдуқаюм Йўлдош. “Пуанкаре”.
7. Агата Кристи. “Тилсимли шахмат”.
8. Акбар Мирзо. “Соядаги чақалоқ”.
9. Алихонтўра Соғуний. “Тарихи Муҳаммадий”.
10. Анвар Обиджон. “Мешполвон жангга кирганда”.
11. Артур Конан Дойл. “Йўқолган дунё”.
12. Асқад Мухтор. “Илдизлар”.
13. Асқад Мухтор. “Чинор”.
14. Аҳмад Лутфий Қозончи. “Саодат асри қиссалари”.
15. Аҳмад Аъзам. “Асқартоғ томонларда”.
16. Баҳодир Қобил. “Кунга матал кампирлар”, “Қизғалдоқ”.
17. Габриэл Гарсиа Маркес. “Ошкора қотиллик қиссаси”.
18. Ёвдат Илёсов. “Олачипор ажал”.
19. Ёвдат Илёсов. “Сўғдиёна”.
20. Жамол Бўрихон. “Қуёш ҳали ботмаган”.
21. Жамол Бўрихон. “Сирли мамалакат”.
22. Зулфия. Сайланма (шеърлар).
23. Исажон Султон. “Олисадаги урушнинг акс садоси”, “Туман”.
24. Исажон Султон “Сувдаги коса” асари.
25. Иқбол Мирзо Танланган шеърлар .
26. Кибриё Қаҳҳорова. “ Чорак аср ҳамнафас”.
27. Лукмон Бўрихон. “Овчи қисмати”.
28. Марсел Брион. “Соҳибқирон Амир Темур”.
29. Мақсуд Шайхзода. “Жалолиддин Мангуберди”.
30. Маҳмуд Қориев. “Спитамен”.
31. Миркарим Осим. Тарихий ҳикоялар.
32. Миркарим Осим. “Тўмарис”.
33. Миркарим Осим. “Синган ситор”.
34. Мурод Муҳаммад Дўст. “Дашту далаларда”.
35. Мурод Муҳаммад Дўст. “Галатепага қайтиш”.
36. Мурод Муҳаммад Дўст. “Лолазор”.
37. Муҳаммад Юсуф. “Биз бахтли бўламиз”.
38. Муҳаммад Юсуф. “Сайланма”.

39. Назар Эшонкул. “Маймун етаклаган одам”.
40. Назар Эшонкул. “Ялпиз ҳиди”.
41. Назар Эшонкул. “Гўрўғли ёхуд ҳаёт суви”.
42. Назар Эшонкул. “Қултой”.
43. Назар Эшонкул. “Шамолни тутиб бўлмайди”.
44. Нодар Думбадзе. “Абадият қонуни”.
45. Нурулла Чори. “Ташвиши йўқ одамлар”.
46. Одил Ёқубов. “Кўҳна дунё”.
47. Одил Ёқубов. “Улуғбек хазинаси”.
48. Олим Отахонов. “Гулзор четидаги қуёш”.
49. Олим Отахонов. “Оқшом хаёллари”.
50. Пауло Коэло. “Алкимёгар”.
51. Пиримкул Қодиров. “Она лочин нидоси”.
52. Рауф Парфи. “Сабр дараҳти”.
53. Робиндранат Тагор ҳикоялари.
54. Садриддин Айний. “Судхўрнинг ўлими”.
55. Саид Аҳмад. “Жимжитлик”.
56. Саид Аҳмад. “Уфқ”.
57. Саъдулла Сиёев. “Аҳмад Яссавий”.
58. Сирожиддин Сайид. “Мухаббатли оқшомлар”.
59. Собир Ўнар. “Бибисора”.
60. Темир Пўлатов. “Тарозий тошбақаси”.
61. Темур Пўлатов. “Тойибнинг иккинчи сафари”.
62. Темур Пўлатов. “Мулк”.
63. Тоғай Мурод. “От кишнаган оқшомлар”.
64. Тоғай Мурод. “Бу дунёда ўлиб бўлмайди”.
65. Тоғай Мурод. “Юлдузлар мангу ёнади”.
66. Турсунной Содикова. “Аёлга қасида” (Сайланма).
67. Улуғбек Ҳамдам. “Сафар”.
68. Улуғбек Ҳамдам. “Мувозанат”.
69. Усмон Носир. “Нахшон”.
70. Фарида Афрўз. “Ўша кун – бугундир”.
71. Фахриёр. “Аёлғу”.
72. Френсис Брет Гарт. “Чўлдан топилган бола”.
73. Хайриддин Султонов. “Кўнгил озодадир”.
74. Хайриддин Султонов. “Саодат соҳили”.
75. Худойберди Тўхтабоев. “Жаннати одамлар”.
76. Хуршид Дўстмуҳаммад. Қиссалар.
77. Хуршид Дустмуҳаммад. “Жажман”, “Қичкириқ”.
78. Хуршид Даврон. Тарихий эсселар.
79. Хуршид Даврон. “Бибихоним қиссаси”.
80. Чингиз Айтматов. “Эрта қайтган турналар”.
81. Чингиз Айтматов. “Аскар бола”.
82. Чўлпон. “Кеча ва кундуз”.
83. Шавкат Раҳмон. “Гуллаётган тош”.

84. Шодикул Ҳамро. “Суратдаги аёл”.
85. Шойим Бўтаев. “Кўчада қолган овоз”.
86. Шукур Холмирзаев. “Чўлоқ турна”, “Булут тўсган ой”.
87. Шукур Холмирзаев. “Ўн саккизга кирмаган ким бор”.
88. Эркин Аъзам. “Жаннат ўзи қайдадир”.
89. Эркин Аъзам. “Қиёфадош”.
90. Эркин Воҳидов “Яхшидир аччиқ ҳақиқат” сайланма.
91. Эрнест Хемингуэй “Ёмғирда қолган мушук” ҳикояси.
92. Эрнест Сетон Томпсан. “Ёввойи йўрға”
93. Эрнест Хемингуэй, “Чол ва денгиз”. асари.
94. Ўлмас Умарбеков. “Ёз ёмғири”.
95. Ўлмас Умарбеков. “Соат”.
96. Ўлмас Умарбеков. “Фотима ва Зухра” асари.
97. Ўткир Ҳошимов. “Урушнинг сўнги қурбони”, “Оқ булут, оппоқ булут”.
98. Ўткир Ҳошимов. “Ўзбеклар”.
99. Гафур Ғулом. “Ёдгор”.
100. Ҳалима Худойбердиева. “Муқаддас аёл” , “Бу кунларга етганлар бор” шеърлари.